

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўзбекистон тарихи кафедраси


**Амир Темур давлати ва унинг дунё
тарихида тутган ўрни**

ФАНИДАН

Маърузалар матни

5220200-тарих таълим йўналиши

4-курс талабалари учун



Термиз-2014

**Т.ф.н Э.Қобилов, Ўқ. М.Бегалиева ва Тошалиев Қ, Бобоева С Ф. « Амир
Темур давлати ва унинг дунё тарихида тутган ўрни
Амир Темур давлати ва унинг дунё тарихида тутган ўрни
фани бўйича маърузалар матни**

**Маъсул муҳаррир: т.ф.н.Э.Қобилов
Такризчилар: т.ф.н., доц.А.Тўхтаев
т.ф.н.доц.З.Холиқов**

« Амир Темур давлати ва унинг дунё тарихида тутган ўрни
фанидан ўқув-услубий мажмуа. Термиз, 2014,

Ушбу маърузалар матни 5220200–тарих таълим йўналишида тахсил олаётган талабаларга мўлжалланган. Мажмуада Замонавий педагогик технология тизимида асосланган ҳолда ўқув мақсадлари аниқланган, мавзу бўйича муаммолар, муҳокама учун саволлар, назорат саволлари, мустақил иш топшириқлари тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхати берилган.

Маърузада “Амир Темур давлати ва унинг дунё тарихида тутган ўрни
Махсус курснинг долзарблиги. Миллий қадриятлар муаммоси. Ҳукуматнинг тарихий қадриятларни тиклашдаги чора тадбирлари. Буюк давлат асосчиси Амир Темурнинг меросини ўрганиш масалалари.

Махсус курснинг мақсади ва вазифалари. Амир Темур шахсига бир ёклама ёндашувлар, уларнинг сабаблари. Мустақиллик даври тарихнавислигида Амир Темурга муносабат, унинг урганилиш даражаси. Совет даври мустақиллик даври тарихнавислигини таккослаш. Амир Темур даври манбашунослиги. Асосий ёзма манбаларнинг тавсифи.

1мавзу. **КИРИШ. Амир Тему́р давлати ва унинг дунё тарихида тутган ўрни.**

Режа:

- 1.1. Курснинг мақсади ва вазифалари.
- 1.2. Талаба эгаллаши лозим бўлган билим, куникма ва малакалар.
- 1.3. Курснинг бошқа фанлар билан узаро боғликлиги.

Махсус курснинг долзарблиги, Мақсади ва вазифалари.

Соҳибқирон Тему́р ва жаҳон шарқшунослиги .

Мустақиллик даври Амир Тему́р даври тарихини ўрганишда янги босқич.

Мана йигирма бир йилдирки, мустақил Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида янги уйғониш даври давом этаяпти.

Истиклол туфайли халқимизнинг буюк авлод-аждодларимиз яратган бебаҳо маънавият сарчашмаларидан баҳраманд бўлиш даври етиб келганлиги сабабли, улуғ аждодларимиз, буюк мутаффакирларимиз номларини халқимиз ҳурмат ва эҳтиром билан эслаб, уларга ҳаққоний ,ҳурмат-еҳтиром кўрсатмоқда.

Юртбошимиз раҳномолигида маънавий-ахлоқий қадриятларимизни тиклаш ва мустаҳкамлаш йўлларнинг кўрсатувчи янги босқичга асос солинди ва келажаги буюк Ўзбекистоннинг маънавий камолатида янги уйғониш даври юзага келди.

Маънавий, илмий ва эстетик қадриятлар халқимизнинг турмуш тарзида , анъанавий маданиятида муҳим ўрин олган. Биз ўзимизнинг тарихимизни ва жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшган аждодларимиз шарқнинг мутафаккирлари Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Ҳоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек ва бошқаларни эъзозлаймиз ҳамда улар билан фахрланамиз. (И.А.Каримов БМТ Бош Ассоблеяси 48-сессиясидаги маърузаси. Тошкент, 1993, 6-бет).

Абу Исо Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд аз-Замаҳшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбанднинг 600 йиллиги, Имом ал-Бухорий ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллиги, Имом Мотрудийнинг 1130 йиллиги нишонланиши юртбошимиз сўзларининг амалдаги исботидир.

Айниқса Амир Тему́рнинг меросини ўрганиш мустақиллик туфайли янги босқичга кўтарилди.. Давр ва шароит нечоғлик оғир,шавқатсиз бўлмасин, ўзбек халқи ҳеч қачон ўтмишини, унинг сиймоларини ёддан чиқармади, калб кўрида сақлаб келди.

Кизил империя Амир Тему́рга , у орқали ўзбек халқига нисбатан таҳқирлаш сиёсатини олиб борган бир пайтда , ҳорижда бу беназир зотга бағишланган кўплаб илмий, илмий оммабоп, бадий санъат асарлари яратилди, халқаро анжуманлар ўтказилди, унинг номи билан боғлиқ оммавий ташкилотлар тузилди, музейлар очилди.

Юнеско Амир Тему́рнинг инсоният тарихидаги улкан хизматларини жаҳон

аҳлига танитишга, Ўзбекистон ҳукумати билан биргаликда жонбозлик кўрсата бошлади. Бу биринчидан, улуғ бобокалонимизнинг жаҳон тарихидаги бекиёс нуфузидан далолат берса, иккинчидан миллат шаъни, унинг тарихий шавкатини тиклаш йўлида Президент И.Каримов ҳар акатининг натижасидир.

1995 йил декабрда, 1996 йилни Амир Темур йили деб аташ тўғрисида фармон қабул қилди.. Темур тузуклари бир неча тилларда чоп этилди. Амир Темур мақбараси тикланди. 1996 йил 22-24 апрел кунлари ЮНЕСКО доирасида Парижда халқаро тадбир ўтказилди.

Соҳибқурон юбилейида президентимиз И.Каримов шундай деган эди: Бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду-насихатлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳақимиз йўқ» (Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби.Т., 1997, «Ўзбекистон», 5 жилд,191 бет)

Махсус курснинг асосий мақсади юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда ўтмишда йўл қўйилган барча ҳатоларни рўйи рост очиб бериш ва миллатимиз тарихида Амир Темурнинг ҳаққоний қиёфасини яратишдир.

Маълумки, ўтмишни билиш ҳозирги кунни тўғри англашни тақозо этади. Шунинг учун Ўзбекистоннинг ҳар бир ватанпарвар ва миллатпарвар фуқароси Амир Темур ва темурийлар даври тарихи ҳақидаги бор ҳақиқатни ўрганиши лозим. » Билишимиз шарт бўлган тарих саҳифаларини кунт билан вараклаш ҳаммамиз учун ҳам фарз ҳам қарзидир».(И.А.Каримов «Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 1994 й. 185 бет).

Амир Темур ва темурийлар сулоласи тарихни чуқур билиш нима учун зарур. Биринчидан, ўз тарихини , насл-насабини, меросини билмаган миллатнинг келажаги бўлмайди. Чунки ҳар бир халқнинг ўз тарихи мавжуд. Ўз тарихини билмаган,унинг ижобий ва салбий тажрибаларини ўрганиб, тегишли ҳулосалар чиқармаган халқ бугунги ҳаётининг кадрини ва муаммоларини тушуниб ета олмайди, ўз келажаги ҳақида аниқ тасаввурга , пухта ишланган дастурга эга бўла олмайди. Биз келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишга киришган эканмиз, бобокалонимизнинг улуғ ҳаёти ва фаолияти бизга катта ишонч, интилиш, катъият ва куч қувват бахш этади.

■ Иккинчидан, Амир Темур ва темурийлар тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганиш фақат илмий маърифий аҳамият касб этиб қолмасдан, тарбиявий ва амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Бу даврда шаклланган ва ривожланган тарих сабокларидан мустақиллик йўлида фойдаланиш зарур. Тарих ҳар бир инсонни ўз Ватанига муҳаббат, садоқат, ўз халқининг ўтмиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш, унинг ҳозирги куни ва келажаги билан ғурурланиш руҳида тарбияланишнинг муҳим воситаларидан биридир. Шу боисдан Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ҳулосалар чиқариш имконини беради. Буларни Амир Темур тарихи сабоклари деб аташ мумкин. Сабоқларнинг энг асосийлари қуйидагилардир.

Биринчиси Амир Темур бир юз эллик йиллик қарамликдан сўнг ўзбек миллий давлатчилигини тиклаган, мамлакат ва минтакаларни бирлаштирган, ўз

замонаси учун дунё миқёсидаги тараккийпарвар марказлашган давлат бошқарув тизимини яратган.

Иккинчиси, Соҳибқурон ўз салтанатида тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлашга энг асосий вазифа деб қараган ва бу борада барча чораларни ишга солган. Бунинг натижасида иқтисодий ва маънавий соҳаларда улкан ютуқларга эришган. Бу ул зотнинг адолатли халқпарвар сиёсати натижасидир. Бундай сиёсат туфайли халқ билан давлат ўртасида ўзаро ҳамкорлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш юзага келган, давлат бутун чоралар билан ўз фуқаролари ҳақида ғамхўрлик килган. Аҳолига жабр-зулм ўтказганларни, ўғри талончиларни, босқичларини каттик жазолаган, халқ эса бунга жавобан Амир Темур олиб борган сиёсатини қўллаб-қувватлаб у ўрнатган қонун-қоидаларга риоя этган.

Учинчиси, Амир Темур деҳқончилик, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдони ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратган. Унинг ҳукмронлик даврида ва шундан кейинги мулкчилик муносабатлари, солиқ тизими тараккий этган.

Тўртинчиси, Амир Темур фан ва маданият равнакига кенг имкониятлар яратган, дин пешволари, олимлар, санъаткорлар, меъморлар, ёзувчилар, шоирларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб турган. Бундай сиёсатнинг натижаси ўлароқ Шарқ Уйғониш даврини иккинчи босқичига асос солинган.

Бешинчиси, Амир Темур моҳил ва музаффар саркарда сифатида мамлакатнинг мудофаа кудратини мустаҳкамлаш, ҳарбий кошнингнинг моддий таъминоти, уни қуроллантириш, ҳарбий интизом масалаларига алоҳида эътибор берган.

Олтинчиси, Амир Темур салтанатининг барча минтақаларидаги ҳақиқий аҳвол, маҳаллий амалдорларнинг халққа муносабати, бозорлардаги нарх-наво, жойлардаги тартиб-интизом ҳақида аниқ, тўғри маълумотга эга бўлишга катта эътибор берган.

Еттинчиси, Амир Темур мансабдор шахсларнинг танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, Улар фаолиятини назорат қилиш масалаларига катта эътибор берган. Мансабдор фаолиятига баҳо беришда халқнинг улар ҳақидаги фикри, адолат ва инсоф билан иш кўришлари, масалаларни қонуний ҳал қилишлари асосий меъёр бўлиб ҳизмат килган.

Саккизинчиси, Амир Темур салтанатида давлат аҳамиятига молик масалалар кенгашларда маслаҳатлашиб ҳал этилган.

Тўккизинчиси, Амир Темур шариат қоидалари ва «Тузуқлар» асосида жамият ҳақиқий ҳаётини бошқаришни йўлга қўйган.

Ўнинчиси, Амир Темур жамият ривожига барча ижтимоий табақалар фаолиятини назарда тутган ва уларнинг манфаатларини ҳисобга олган ва таъминлаган.

Ўн биринчиси, Амир Темур ўз даври шарт-шароитига кўра, ташқи сиёсатда катъий, фаол ҳамда мақсадга мувофиқ ҳаракат қилиб ўз салтанатини жаҳон миқёсига олиб чиққан.

Ўн иккинчиси, Амир Темур салтанатида ибратли ижобий жиҳатлар, тадбирлар ҳукм сурганлиги билан бир қаторда иллатлар, қонунбузарликлар, ҳақсизликлар, ҳатто ёвузликлар ҳам бўлган. Буни унутмаслик, тарихга ҳаққоний

кўзи билан караш зарур ва баҳо бериш керак.

Ўн учинчиси, Амир Темур даври тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳар бир мустақил давлат ўзининг миллий мафкурасига эга бўлиши шарт. Бусиз том маънодаги миллий давлатнинг бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун миллий истиклол мафкурасини шакллантиришда Амир Темур салтанати ва шахсияти намуналари ва тажрибалари назарий, амалий ва тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Маълумки жаҳон шарқшунослигида Темур ва Темурийлар даврига муносабат анча юқори. Соҳибқуронни Искандар Зулқарнайн, Юлий Сезар, Чингизхон ва Напалеонга қиёслашади. Хўш, бунинг сабаби нимада ?.

Биринчидан, Амир Темур дунёда энг катта Марказий Осиёдан то ўрта ер денгизигача Кичик Осиё ва шимолий Кавказиянинг катта қисмини ўз ичига олган йирик марказлашган давлат ташкил этган.

Иккинчидан, Амир Темур мағлубият нималигини билмаган ғолиб саркарда сифатида бирор бирхалққақарши эмас, балки Мовароуннахрни сиёсий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан бирлаштириш ва обод қилиш учун юришлар олиб борди.

Учинчидан, Амир Темур буюк давлат арбоби ўларок ўз замонаси учун энг мукаммал давлатчилик ва ҳукукий тизимини яратган.

Тўртинчидан, Амир Темур буюк бунёдкор, фан, маданият, санъат ва таълим-тарбия ҳомийси сифатида шарқдаги уйғониш даврининг иккинчи босқичини бошлаб берган, бу билан жаҳон, ҳусусан, Шарқ цивилизациясига улкан ҳисса қўшган.

Бешинчидан.Амир Темур ўзининг шахсий фазилатлари, яъни камтаринлик, эътикодлик, одиллик, жасоратлик, баҳрикенглик олдиндан кўра билишлик, тадбиркорлик каби ҳислатлари билан ажралиб турган.

Олтинчидан, Амир Темур дунё давлатчилиги ва маданияти тарихида бутун бир давр, яъни Темурийлар даврига асос солган. Буюк жаҳонгир ташкил этган салтанат 468 йил ҳукм сурган ва Темурийлар сулоласи вакиллари Соҳибқурон анъаналарини давом эттирганлар.

Жаҳон шарқшуносларини Соҳибқурон Амир Темурнинг шахсий фазилатлари, билимдон давлат бошлиғи, ва моҳир дипломат сифатида шаклланиши , Темурийлар салтанати юксала борганлигининг сирлари ҳамда инқирозининг сабаблари қизиқтиради.Мазкур ҳолатларни билиш учун ўнлаб саволлар пайдо бўлади, уларни Морлоси фожеасини ёзишга, Волтерни Эссе битишга, Гётени ўз девонидан унга ўрин беришга, Генделни унга бағишлаб опера яратишига мажбур қилди.

Жаҳон Шарқшунослигида 600 йилдан бери Амир Темурга бағишлаб кўплаб илмий, бадиий асарлар, рисола ва мақолалар чоп қилиб келинмоқда Авваламбор, бу соҳибқурон билан замондош ва бевосита мулоқотда бўлган, уни кўрган ёки эшитган муаллифнинг асарлари, шарқона тарихнавислик анъаналарига риоя қилиб битилган соломалардир.

Бундай асарлар каторига Шарқнинг машҳур олим ва адибларидан Шарафуддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»лари, Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи», Ҳофиз Абруйнинг «Тарих сираси»,

Абдураззок Самарқандийнинг «Матлаус-саъдайн», Ғиёсиддин Алининг «Темурнинг Ҳиндистонга юриши», Мирҳонднинг «Софлик боғи» ва бошқалар киради. 1425 йилда ёзилган Яздийнинг «Зафарнома»сида Темур кўкларга кўтарилган бўлса, Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» асарида Темур салбий инсон сифатида тасвирланади. Европада Руи Гонсалес де Клавихоннинг «Самарқандда Темур саройига саёхат кундалиги (1403-1406) номли китоби Оврупада энг муҳим манбалардан ҳисобланади

Немис олими М.Даген Ҳорт 1913 йилда Оврупа шарқшуносларининг Амир Темур ва Темурийлар даврига бағишланган асарлар рўйхати-библиографияси чоп эттирди. Франсуз олимлари Керен, «Тамерлан ёхуд соҳибқурон салатанати (Нютабел, Швесария 1978) Ж.П.Ру Тамерлан (Париж, 1994) номли китобларида ҳар бири Амир Темур ҳақидаги 100дан ортиқ асар рўйхатини келтирганлар.

Абулхай Ҳабибий 1974 йилда Техронда 1018 саҳифадан иборат «Темур даври санъатлари» асарини чоп эттирди.

«Аҳмад Закий Валидий асарларини тартиби» китобида 23 асар ва китоб кўрсатилган. Н.Муҳиддиновнинг «Темурийлар тарихи халқимиз тарихи» мақоласида Темурийлар сулоласи ҳақидаги 44 дан ортиқ манба асарлар рўйхати берилган. Академик Б.Аҳмедовнинг «Тарихдан сабоқлар» (1994), «Амир Темур» (1995) асарларида Темур ва темурийлар ҳақида маълумотлар берилган.

Рус шарқшуносларидан Н.Остроумов франсуз тилидан «Темур тузуклар»(1994) ,Е.Лангленинг «Темур ҳаёти» (1890) асарларини нашр эттирди. Бундан ташқари Руи Гонсалес де Клавихонинг «Амир Темур саройига саёхати Кундаликлари» (1881), Ҳ.Вамбериннинг «Бухоро тарихи» (1873), ўзбек тилида Амир Темурнинг «Таржимаи холи»ни Ликошин 1894 йилда рус тилида нашр қилдилар.

Т.Н.Грановский, М.И.Иванин, Д.Н.Логофет, И.И.Умняков, Я.Зимин ва бошқалар Амир Темурнинг саркардалиқ маҳоратига алоҳида эътибор берилган мақолалар чоп эттирганлар.

В.В.Бартолд « Туркистон мўғўул истилоси даврида» ,» Улуғбек ва унинг даври» , А.Ю.Якубовскийнинг « Ўзбекистон халқлари тарихи» нинг Амир Темур ва Темурийларга бағишланган боёломи, унинг Б.Д.Греков Билан ҳаммуаллифликда ёзган « Олтин ўрда ва унинг кулаши» ва бошқа асарлар темуршуносликда рус тарихчилари томонидан ёзилган машҳур асарлар сарасига киради.

Аммо, XX асрнинг 60-80 йилларида совет тарихчилари Амир Темур шахсини фақат каро кўзойнак орқали қараб талкин этдилар.

Умуман олганда Шарқ ва Ғарб тарихчилари томонидан Амир Темур шахси ва унинг тарихда тутган ўрни кенг ўрганилди ва ўрганилмокда.

Мустақиллик Амир Темур ва Темурийлар даври тарихини ўрганишга ҳам ижобий таъсир ўтказди.

«Кизил империя « даврида «Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқлар билан ўчирилди, унутишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш учун, қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Лекин, ўзбек халқи ўз аجدодларини ўз баҳодирларини унутмади, уларни ҳамиша юрагида, қалб тўрида сақлади.(И.А.Каримов. Эҳтиром

Халқ сўзи. 1993 йил 1 сентабр).

Буюк бир давлатга асос солган, оламни тебратган, номи етти иклимга машхур бўлган бобокалонимизнинг от устидаги сиймоси мустақиллик ва эркинлик рамзи сифатида азим шаҳар Тошкентнинг марказий ҳиёбонига кўйилди. Бу соҳибқурон туғилган юрт Шаҳрисабздаги ёдгорлик тақдирига жаҳонгирлик битилган навкирон йигитнинг тажассумига ўхшайди. Самарқанддаги ҳайкалда Соҳибқурон тахтда ўтирган ҳолатига буюк давлат асосчиси, тадбиркор раҳбар ва донишманд сиёсатчи сифатида тасвирланади. (Халқ сўзи. 1996 йил 27 январ).

Зеро маънавиятимизнинг энг теран ўк томирларидан бири зоти улуг Амир Темур сиймосидир. Соҳибқурон сиймоси инсоният тарихида бизгача бўлган, биздан кейин ҳам бўладиган катта бир оламшумул воқелиқдир.

Дарҳақиқат, тарих такрорланади ва элагида ўз қаҳрамонларини элайди. Комилни комил танийди, буюкларни буюклар тан оладилар. Амир Темурдек улуг бобомиз ҳақида олимларимиз ва адибларимиз сўнгги йилларда бир катор илмий, тарихий ва бадиий асарлар яратдилар.

Соҳибқурон бобомизнинг ҳозирги кундаги кадрланишига замин тайёрлаган сиймолардан бири таникли ўзбек олими академик И.М.Мўминовдир. У бу ёқда мардонавор курашди ва жонини фидо қилди. И.Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» (Тошкент, 1968) номли ўз даврида катта шов-шувга сабаб бўлган рисоласининг 1993 йилда қайта нашр этилиши муҳим воқеа бўлди.

Биринчи мартаба «Темур тузуклари». (Тошкент, 1992),» Амир Темур ўғитлари». (Тошкент, 1992), «Ўзбегим». (Тошкент, 1992), каби китоблари чоп этилган.

Мирзо Улуғбекнинг «Тарихи арбаъ улус». (Тўрт улус тарихи)-Тошкент, 1994) ва «Зижи жадиди Курагоний», (Улуғбек Курагонийнинг фалакиётга оид жадваллари) Тошкент, 1994), Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» (си (Шарқ юлдузи журнали 1992-1993 йил сонлари), Ибн Арабшохнинг «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) Тошкент, 1992), Ҳ. Вамберининг «Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи», Тошкент, 1990), М.Иваниннинг «Икки буюк саркарда». (Чингизхон ва Амир Темур). (Тошкент, 1994), Мулла Салоҳиддин ибн Мулло Алоиддин ҳожа эшон (Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома». (Тошкент, 1990), Абдулғозийнинг «Шажараи Турк». (Тошкент, 1992) тарихий асарлари нашр қилинди.

1992 йил май ойида тузилган «Амир Темур маърифий жамияти» ҳозирги замон ўзбек темуршунослигининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим рол ўйнай бошлади.

Таникли тарихшунос олим академик Б.Аҳмедовнинг «Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари». (Тошкент, 1994) ва «Амир Темур» (Тошкент, 1995) китоблари бу борадаги салмоқли қадамлардир. Ашраф Аҳмаднинг «Улуғбек Муҳаммад Тарағай» (1394-1449) Тошкент, 1994) Ҳ.Бобоевнинг «Амир Темур ва унинг қарашлари» (1994),

А.Муҳаммаджоновнинг «Темур ва Темурийлар салтанати», (Тошкент 1995), Ўзбекистон тарихи (У асрдан ХУI аср бошларигача), Тошкент, 1994), Ш.Каримов, Р.Шамсутдиновнинг «Соҳибқурон Амир Темур ва унинг салтанати»,

Б.Валихўжаевнинг «Хўжа Аҳрор тарихи», «Самарқанд ва самарқандликлар» (Тошкент 1984) М.Худойкуловнинг «Ривоятлар ва ҳикоятлар»² (Тошкент, 1995) номли асарлари халқимиз мулкига айланди.

Кейинги йилларда нашр этилган Амир Темур ва Темурийлар тўғрисидаги барча мазмунли рисола ва мақолаларни қайд этишнинг имкони бўлмаганлигидан фақат уларнинг муаллифларини санаб ўтамиз. Ҳ.Зиёев, А.Каюмов, А.Ўринбоев, Р.Мукминова, Ҳ.Бобобеков, А.Абдурахмонов, У.Уватов, П.Равшанов, П.Зоҳидов, Ф.Сулаймонов, А.Ҳайитметов, Д.Юсупова, Ю.Буряков, Т.Ҳоджаёв, Э.Ртвеладзе, Ҳайрулла Исматулла ва бошқалар.

Шоир адибларимиздан Абдулла Ориповнинг «Соҳибқурон» (Тошкент, 1996) номли шеърӣ драмасини Хуршид Давроннинг «Самарқанд ҳаёли «Тарихий ва маърифий бадиалар» (Тошкент, 1991) ва «Соҳибқурон набираси ёхуд митти юлдуз кассаси». (Тошкент, 1995) китоблари, Ҳаким Сатторийнинг «Ҳотира қарвони» (Амир Темур салтанатига сафарлари)-Тошкент, 1994) рисоласи. Тўра Мирзо, Маъруф Жалил ва О.Бўриевнинг асарларини алоҳида қайд этмок керак.

Й.Е.Березиковнинг «Буюк Темур» (Тошкент, 1935) тарихий романи, В.Череванскийнинг «Амир Темур. Болалиги. Жангавор йўли». Вафоти. Тарихий роман». (Тошкент, 1993), Ҳилда Ҳукҳемнинг «Етти иқлим ҳукмдори» (Тошкент, 1995) китоблари чоп этилди.

Албатта, ўзбек темуршунослигининг биз зикр этиб ўтган намуналари ҳали жуда кам, катта ишнинг бошланиши, ҳамир учидан патир, холос. Биз тилга олган ва бўлажак тадқиқотлар ҳамда асарлар Соҳибқурон Амир Темур бобомиз тарихи ҳақидаги бор ҳақиқатни анча тўла очиб беришига ишончимиз комил.

Фойдаланилган адабиётлар:

Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.1997. «Ўзбекистон 5 жилд».

Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т. 1993. Фан.

Мустақил Ўзбекистон тарихи. Т.2000, Шарқ.

Амир Темур ва Улуғбек даври тарихи. Т. 1996. Ўқитувчи

Темур ва Улуғбек даври тарихи. Т. 1996. Комуслар бош таҳририяти.

Шарафуддин Али Яздий Зафарнома. Т. 1997. Шарқ.

Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т.1996. Ўзбекистон.

Л.Керен, А.Саидов. Амир Темур ва Франция. Т.1996. Адолат.

Таянч тушунчалар:

Махсус курснинг долзарблиги. Миллий қадриятлар муаммоси. Буюк давлат асосчиси. Амир Темурнинг меросини ўрганиш масалари Махсус курснинг мақсад ва вазифалари. Тарихнависликда Амир Темур шахсига муносабат.

2-Мавзу: АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИДАГИ ШАРТ-ШАРОИТЛАР.

Режа:

Чиғатой улусидаги сиёсий вазият.

Темурнинг сиёсат майдонига кириб келиши.

Сарбадорлар ҳаракати.

Темурнинг ҳокимият тепасига келиши.

Ҳулоса.

Амир Темур тарих сахнасига Чиғатой улусининг узил кесил парчаланиши даврида чикди. Парчаланиш жараёни Х1У асрнинг 40-йилларида сулолавий низолар ва ўзаро феодал урушларнинг кучайиши оқибатида бошланган эди. Козонхон (1338-1346) ва улус амирлари биринчи навбатда кудратли амир (Амир ул-умаро) Козоғоннинг нуфузини пасайтириш учун кескин чоралар кўришга ҳаракат килдилар. Козонхоннинг зулми эса шу кадар авж олдики, муаррихларнинг гувоҳлик беришларича, амирлардан бирон-бири Қаршига хон ҳузурига йўл олар экан ҳаётдан умидини узган ва шу туфайли хоннинг ҳузурига боришдан аввал оиласи ва ёр биродарлари билан видолашиб олардилар. Оқибатда, уларнинг кўпчилиги Соли Саройга Козоғоннинг бош қароргоҳига қочиб бордилар. Козоғон ҳам хоннинг қайсар табиатидан ҳавфсираб Соли Саройни тарк этмас ва амалда Козонхондан мустақил бўлиб олган эди.

Козонхон билан Козоғоннинг ўзаро адовати охир оқибатда ўртада уруш чиқишига олиб келди. 1339 йилда Козонхон итоатсиз амир (Козоғон) ва уларнинг тарафдорларидан бутунлай кутулиш мақсадида унга қарши кўшин тортди. Козонхон билан Амир Козоғон ўртасидаги жанг Дараизанги деган ерда содир бўлиб Амир Козоғоннинг исёнчи кучларини мағлубияти билан тугади. Аммо негадир Козонхон рақибини таъкиб этмади ва Қаршига қайтиб келди. Бу орада амир Козоғон мағлубият аламини олиш учун янги жангга тайёргарлик кўрди., узок фурсат пайт пойлади. Ниҳоят бу фурсат етиб келди. 1346 йилнинг қаҳратон қишида кўпчилик катори Козонхон ҳам чорвасини, айникса йилкисининг кўп қисмидан ажралди. Бундан фойдаланган амир Козоғон ва унинг тарафдорлари 1346 йилнинг баҳорида Қаршига , Козонхонга қарши кўшин тортдилар. Қарши яқинида бўлган қонли уруш бу сафар хоннинг мағлубияти билан тугади. Хоннинг ўзи ўша урушда ўлдирилди.

Шундан сўнг Чиғатой улуси устидан ҳукмронлик амир Козоғоннинг қўлига ўтди, аммо у чингизийлардан бўлмаганлиги туфайли тахтга ўтиролмади. Турк-мўғул халқлари орасида қатъий риоя қилиб келинаётган удумга биноан, тожу-тахт фақат оқсуяк вакилларига, яъни Чингизхон авлодига тегишли бўлган. Бирок Козоғон имкониятни қўлдан бой бермади. Чингизийлардан Донишмандчахон (1346-1348) ва ундан кейин Баёнқулихон (1348-1357)ни тахтга ўтказди¹. Лекин

улар фақат номигагина ҳон эдилар холос. Амалда эса бутун ҳокимият Козоҳоннинг қўлида колди. Лекин 1358 йилнинг қишида Амударёнинг жанубий соҳилида ов килиб юрган амир Козоғон фитначилар (Козонхон тарафдорлари бўлиши керак, албатта) томонидан отиб ўлдирилди. Козоғоннинг ўғли ва вориси амир Абдулла ҳокимиятни қўлда тутиб қолмади. 1358 йили у ҳон Баёнқулихонга қарши икки обрўли амир: Ҳисор вилоятининг ҳокими Баён Сулдус ва Кеш (Шаҳрисабз) ҳокими Ҳожи барлос билан биргаликда бош кўтардилар. Самарқандга яқин ерга бўлган жангда ҳон қўлга олиниб, қатл қилинди, амир Абдулла эса Амударё ортидаги ерларга қочиб кетди ва шу билан сиёсат сахнасидан тушиб қолди.

Баён Сулдус ва Ҳожи Барлос томонидан тахтига ўтказилган Темуршоҳ атиги икки йилга яқин (1358-1359) ҳукмронлик қилди. Шундан кейин Чиготой улуси бирин кетин ўзларини мустақил деб эълон қилган кўпгина майда бекликларга парчаланиб кетди. Хусусан, Кешда Ҳожи Барлос мустақиллик туғини биринчи бўлиб кўтарди, ундан сўнг Хўжандда Боязид Жалоир, Балхда Улжойбўго Сулдус, Шибирғонда Муҳаммадхўжа Аперди, Тотканд ва Сарипулда Ҳизр Ясавурий ҳамда Кўхистонда Амир Сотилмишлар ўзларини мустақил деб эълон қилдидлар. Айричилик сиёсати (сепаратизм) узаро феодал урушларига йўл очиб берди. Ҳокимият, обрў-еътибор ва бойлик орқасидан кўвган беклар бир-бирларини талаб, аҳоли бошига оғир қулфатлар солдилар.

Нотурғун сиёсий вазиятдан Муғулистон ҳони Туғлуқ Темур (1348-1363) фойдаланиб қолди. У икки бор (1360-1361) Мовароуннаҳрга бостириб кириб, бир пайтлар куч-қудратга эга бўлган, сўнгра парчаланган Чиготой улусини бирлаштирмоқчи бўлди. 1360 йили у икки дарё оралиғида, яъни Сирдарё ва Амударё оралиғидаги раёнларга мустаҳкам ўрнашиб ололмади. Унга Муғулистоннинг ўзида содир бўлган исён ва тартибсизлик ҳалакит берди, бироқ 1361 йилда у қаттагина ҳудудни ўзига тобе этишга эришди. Чиготой беклари бирлаша олмай, ўз халқини ўз холига ташлаб, тум-таракай бўлиб қочдилар. Фақат Темурбек бошқача йўл тутди. У ўз мулкани Мўғулистон феодалларининг тажовузларидан ҳимоя қилишга қатъий аҳд қилди. Даставвал хўп ўйлаб кўриб Туғлуқ Темурнинг ҳузурига бориш ва унинг хизматига киришга қарор қилди. Бунинг эъвазига Туғлуқ Темурхон унга ота юрти Кеш ва унинг атрофидаги ерлар (Кашкадарё вилояти)ни унинг қўлига топширди. Кейинчалик узининг бу қилмишини Темурбек аҳолини мўғуллар томонидан талон-тарож этишдан ҳимоя қилишнинг бир йўли, яъни пухта ўйланган режа, юз минг қишилиқ кўшиндан қучли деб изоҳлади.

Мўғулистон ҳонининг икки дарё оралиғи, яъни Мовароуннаҳр устидан ҳукмронлиги икки ярим йилгина давом этди. 1362 йилнинг кузида Туғлуқ Темур бу ерда ўғли Ҳизрхўжа Ўғлонни қолдириб ва амир Бекчик билан Темурбекни унинг хизматига тайин этиб, ўз юрти Мўғулистонга қайтди. Аммо ёш ҳоким иродасиз эди, давлат ишларига эътиборсиз бўлиб кўп вақтини маишатда ўтказар эди. Ҳаётий тажрибаси бой бўлган амир Бекчик бундай фойдаланиб қолди. Саройдаги ўз тарафдорларининг мададига таяниб, у бутун ҳокимиятни ўз қўлига олди. Бундан Темурбек норози бўлди. У билан Бекчик ўртасидаги совуқчилик борган сари илдиз ота бошлади.

Шу вақтдан эътиборан Темурбек ўз тақдирини ҳудди ўзидек ёш, шижоатли амир Хусайн билан (Амир Козоғоннинг набираси) боғлади. Улар икковлон омад излаб Ҳивага юриш килдилар, бироқ омад улардан юз ўғирди. 1362 йили Моҳан (ҳозирги Мари) яқинидаги Маҳмудий деган жойда туркман Алибекнинг қўлига тушгунларигача, улар чўлу-биёбонларда кўп сарсон-саргардон бўлдилар. Улар 62 кун унинг қўлида тутқўнлик азобини бошдан кечирдилар. Алибекнинг нияти уларни эронлик савдогарларга сотиш бўлиб, карвон келишини пойлаб ётганди. Бироқ ҳар иккалалари Алибекнинг акаси Муҳаммадбекнинг ёрдами билан озодликка эришдилар.

Темур ва амир Хусайн ўзаро баҳамжамият ҳаракат килишга киришиб олиб, Бухоронинг Зандона қишлоғида вақтинча ажралишдилар. Амир Темур, лашкар тўплаш мақсадида бўлса, керак, ўз юрти Кешга, амир Хусайн эса Амударёнинг сўл соҳилига юл олди. Улар Ҳилман дарёси бўйидаги Гармсир вилоятида учрашишга қарор килдилар. Бироқ, шу нарса маълумки, Малик Кутбиддиннинг тақлифига биноан улар Сеистонга й ул олдилар. Малик Кутбиддин ўз душманларига қарши курашда уларнинг хизматидан фойдаланмоқчи эди, бунга эришди ҳам. Кўрсатилган ёрдам учун Темурбек ва амир Хусайн пул, дуру-жавоҳир ва қимматбаҳо совғалар олдилар. Бироқ, 1362 йилда Сеистонда бўлган ўша жангларда Темурбек ўнг қўли ва ўнг оёғидан оғир яраланди, оқибатда унинг қўли деярли қуруқшаб, ўнг оёғи эса умрбод оксок бўлиб қолди.

1362 йилнинг қолган ойлари ва 1363 йили тўлалигича Темурбек ва амир Хусайннинг мўғулларга қарши, замонавий ибора билан айтилса «партизанлик уруши» билан кечди. Амударёнинг сўл соҳили (Қоҳмард, Дарағез, Арфис, Балх вилояти) таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилди ва бу ерда туриб, пайт пойлаб, улар вақти билан дарёни кечиб ўтар ва мўғул горнизонларига кўкқисдан зарбалар белиб, Балх, Термиз, Пулисангин , баъзан Кеш ва Ҳузорга қадар етиб келдилар. Баъзи пайтларда Темурбек ва амир Хусайн шижоат кўрсатиб, ўзларидан анча ортиқ бўлган йирик мўғул қўшинларига ҳужум қилдилар. 1363 - 1364 йилларда улар мўғуллар устидан уч марта ғолиб чиқдилар. Дастлабки Пулисангида содир бўлиб, унда Темурбек отряди раҳбарининг йигирма мингли қўшини устидан ғалаба қозонди. Кейингиси ҳам ўша Пулисангида бўлиб, ундан кейин Темурбек Кеш томон от сурди ва унинг ўзига хос ҳарбий ҳийла ишлатиб озгина қуч билан эгаллади. У қўшиндан 200 отликни ажратиб олиб, уларга отларнинг биқинидан ергача етадиган қилиб дарахт шоҳларини боғлаб олишни ва биттадан бўлиб саф тортишни буюрди. Темурбек бошчилигидаги бу чавандозлар Кеш томон от қўйдилар. Отларнинг ортидан шу қадар катта қанг тўзон кўтарилдики, гўё шаҳарга кўп сонли отлик қўшин яқинлашиб келаётгандек туюлди. Шаҳар қутволи доғдираб қолди, шаҳарни ташлаб қочди. Темурбек ва амир Хусайн ўзларидан сон жиҳатдан ортиқ бўлган мўғуллар устидан учинчи ғалабага ўша йили, яъни 1364 йилда Тошарик (Кеш вилояти)да эришилди. Мўғуллар бутунлай тор-мор этилиб, уларнинг амирлари Бекчик, Искандар ўғлон, Ҳамид ва Юсуфхўжа асир олинди, уларнинг қўшини эса Сирдарё ортига улоқтириб ташланди.

Темур ва амир Хусайн ўзаро қилишувларига кўра амир Хусайн Жиззахга, Темурбек эса Тошкентга келиб, уч ой мобайнида жароҳатларини даволашади. Сўнгра икки амир Самарқандга келиб, _____

1 Солисарой-Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Сарой қишлоғи

ҳузурларига чигатойлардан Кобулшоҳ ибн Дуржи ибн Илчигидой ибн Дуваҳонни чакириб чигатой улуси тахтига ўтказдилар ва бу билан уни Мовароуннаҳр ҳокими қилиб қўйдилар.

Аммо Туғлук Темурнинг ўғли Илешўжа Мовароуннаҳр қўлдан кетишини истамади. 1365 йил баҳорида қўшин тўплаб Мовароуннаҳрга юриш қилди. Темурбек ва Хусайн ҳам ўз қўшинларини Сирдарё бўйига олиб келдилар. Ҳижрий 766 йил рамазон ойининг бошида (1365 йил 22 май) эрта тонгда Чиноз билан Тошкент оралиғидаги бир майдонда қонли жанг бўлди. Туш пайтида, мўғулларнинг ўнг қанотини янчиб ташлаган бир пайтда Хусайн қатъиятсизлик қилиб ўз қўшинини рақибнинг сўл қанотига ташламади. Бунинг устига шу пайт осмонни қора булут қоплаб, қучли шамол туриб, қаттиқ жала қуя бошлади. Натижада ер балчикка айланди, отларнинг оёқ тиззасигача ботиб, юришга мажоли қолмади. Бундай шароитда пиёдаларга ҳам, отликларга ҳам қийин бўлди, бироқ Темурбек жангчилари шижоат кўрсатиб жангни давом эттирдилар ва эҳтимол Хусайн ҳам шундай қатъият кўрсатганда жангда ғалаба қилишлари мумкин эди. Аммо у Сирдарё ортига чекинишни афзал кўрди. Бундай аҳволда ўзидан анча кўп қучга эга бўлган мўғулларга қарши қурашишда маъно йўқ эди. Шу туфайли Темурбек ва амир Хусайн ўз қўшинлари билан жанубга, Амударё бўйларида чекиниб Балх вилоятига яширинди.

Мўғулларнинг Самарқанд йўли очик эди. Илешўжа ҳеч қандай қийинчиликсиз Ҳўжанд, Жиззах ва Ҳўжанд билан Самарқанд оралиғида жойлашган шаҳар ва қишлоқларни эгаллади. Самарқанднинг у пайтда муҳофаа деворлари ва бошқа истеҳкомлари йўқ эди. Улар ўз даврида Чингизхон томонидан бузиб ташланганди ва шу туфайли Илешўжа шаҳарни ҳеч қандай машаққатсиз эгаллаб олишга ишончи қомил эди. Аммо у ҳисобдан янглишди, Самарқанд муҳофаасини халқ ўз қўлига олди. Сарбадорлар кўзғолони бошланиб, мударрис Мавлонзода, ҳунарманд (қалавачи) Абубакр Қалавий, шаҳар гузарларининг биринчи оксоқоли, моҳир тирандоз Ҳурдаки Бухорий раҳбарлик қилар эди.

Муаррих Файзуллоҳ Мусавий воқеаларни шундай баён этади: Самарқанд халқи мўғуллар босқинини кутиб Жомеъ масжидига тўпландилар, аммо ҳеч қандай қарорга қарор қилмадилар, шунда уламолар табақасидан бўлган, насаби бухоролик амалдорларга қарши такалланган, ўзининг қассурлиги ва моҳир тирандозлиги билан машҳур бўлган бир қиши олдинга чиқди: у ёнига қилич осиб олган эди. Аста қадам ташлаб минбарга қўтарилди ва одатдаги салом-алиқдан сўнг халққа шундай нутқ ирода этди: Жамоати муслимин. Ушбу дамда қофирлар беҳад қатта қўшин билан мусулмонларни уй-жойларини талон-тарож этгани қелишди: мусулмонлардан қўзғолиб, уни қўзғолиб ва қишлоқ деб атаувчи ва уни ўз ихтиёрича қарғовчи ҳоким эса душман пайдо бўлиши биланок бизларни тақдир изнига ташлаб қофирлардан қочди. Шаҳар аҳолиси қориди ўзлари учун қовон тўлаб, қовон-ином қарғовлар ҳам бу билан қутулмайдилар. Қиёмат қуни сиз, амалдорлар, қавоб қарғовлар. Қим энди мусулмонлар манфаатини қимоя қилишни, қузалоя қуқаро олдидаги қажбуриятни ўз бўйнига олади, тоқи биз ҳам ана шу қишининг оёқларига бош қуриб унинг қизматида бўлайлиқ? Амалдорлар қуқутга қўмдилар, шунда Мавлонзода сўзида қовон этади: -Қеч қим қажбуриятни ўз бўйнига олмас экан, қени қўллаб-қувватлашга тайёرمىсиз? Қиғилганлар қунга қозилиқ қилдиришиб, уни қарғов деб қилдилар ва шу қажоти қажқи қуқолланган ўн қинг қавқирон қиғит

унга касамёд килди.

Самарқандликлар Мавлонзода, Абубакр Калавий ва Хурдаки Бухорий раҳбарлигида уч кеча- кундуз қўлни-қўлга бериб ишлаб шаҳарни мудофаага ҳозирладилар, курол тутишга мажоли етган ҳар бир қишини тўпладилар, ҳиёбонларга кўчабанд (баррикада) ўрнатдилар, фақат асосий катта кўча бундан холи колди, холос. Шундай бўлса ҳам унинг маълум ерларига, кўчанинг ҳар икки томонига тирандозларни пистирмага кўйдилар. Мўғулларнинг отлик кўшини бу кўчада жон жаҳди билан от чоптириб ўтган маҳалда у ўкка тутилди., бошқа кўчаларда эса ўта олмади, пиёда аскарлар бўлса ёяндозларнинг кучли ўк ёмғирига дуч келди. Илғашўжанинг кўшини кўплаб талофот бериб, шаҳардан чекинди. Устига устак Илғашўжанинг от уюри орасида ўлат (тоун) таркаб, кўп от кирилди. Бундай шароитга шаҳарга қайта ҳужум қилишга куч етмасди. Шу сабабдан Илғашўжа чекинишга буюрди.

Сарбадорлар томонидан қандайдир демократик тадбирлар ўтказилган. Лекин ташкилоти ҳақида манбаларда бир нима дейилмаган. Бирок Шарафуддин Али Яздийнинг китобида шундай жумла бор: Ё Оллоҳ. Камбағални бадавлат қишига айлантирдинг. Агар биз мана шу сўзнинг маъносига эътибор берадиган бўлсак, сарбадорлар амалдорлар мол мулкининг бир қисмини мусодара этиб, камбағалларга таксимлаб берганлар, деб айтиш мумкин. Сарбадорлар жузъани ҳам бекор қилган бўлсалар керак.

Сарбадорларнинг ғалабаси ҳақидаги ҳабар жуда тез тарқалди. Бу тўғрида биринчи бўлиб Балх ёнида турган Амир Темур ҳабардор бўлди. Бу ҳабарни унга Аббос Баҳодир етказди. У Темур томонидан ҳабаргирлар (разведкачилар) отряди билан Мовароуннаҳрга юборилган эди. Илғашўжа устидан қозонилган ғалаба ҳақида Амир Темурга Мавлонзода ҳабар қилгани тўғрисидаги воқеанависларнинг маълумотлари ҳам эътиборга молик. Қандай бўлишидан қатъий назар, Темурбек зудлик билан Шабартуга бориб, амир Хусайн билан учрашди. Улар келаси йил баҳорда 1366 йилда Мовароуннаҳрга юриш қилишга қарор қилдилар, ҳозир эса Амударёнинг ўнг қирғоғида куч тўплаб барча тайёргарлик ишларини амалга оширадиган бўлдилар. Амир Хусайн бу пайтда Соли саройда, Темурбек эса Қаршида қароргоҳ қурди.

Қиш фасли тугаши билан улар Самарқандга кўшин тортиб, шаҳарнинг ғарбий тарафида тўхтадилар. Бизгача етиб келган манбалар берган маълумотларга кўра Темурбек ва амир Хусайн сарбадорларнинг раҳбарлари фаолиятларини мақуллаб ҳабар берганлар ва улар билан учрашиш орзусида эканликларини билдирганлар. Шунга биноан, сарбадорларнинг раҳбарлари Кониғилга, Темурбек билан амир Хусайн ҳузурига совға-саломлар билан келишган. Дарҳақиқат, амирлар аввалда сарбадорларнинг раҳбарларига иззат-икром кўрсатишди, аммо эртаси куни келганларида бундай диққат эътибордан, иззат-икромдан асар ҳам қолмади. Сарбадорларнинг раҳбарлари тўсатдан жазога маҳкум этилдилар. Бу воқеа ҳақида муаррихлар орасида аниқ ва яқдил бир талкин йўқ. Сарбадорларнинг раҳбарлари Абубакр Калавий ва Хурдаки Бухорий дорга осилдилар. Мавлонзодани эса Темурбек ўз ҳимоясига олди ва бу билан унинг ҳаётини сақлаб қолди.

Афтидан Амир Темур билан Хусайн ўртасида сарбадорлар масаласида келишмовчиликлар бўлган бўлса керак. Амир Темур уларнинг айримларини айниқса уларнинг юқори табақаси билан эскидан алоқада бўлган дейишга асосимиз

бор. Нима бўлганда ҳам Хусайн ва Темурбек сарбадорларнинг қўли билан Самарқандни қўлга киритиб олдилар. Бу воқеа 1366 йилнинг сўнггида содир бўлди. Лекин амирлар ҳокимиятни бўлиша олмадилар. Бунда амир Хусайннинг очқўзлиги ва маккорлиги муҳим рол ўйнайди. Иш шу даражага бориб етдики, мўғуллар ҳайдаб юборилгандан сўнг у нафақат ўз амалдорларининг мол-мулкига, балки Темурбекнинг ҳам мулкига кўз олайтира бошлади. Жумладан Жоку, Сайфиддин, Окбуғо, Элчи баҳодир ва Давлатшоҳ Баҳшилардан катта микдорда пул талаб қилди. Улар амир Хусайн талаб қилган микдордаги пулни тўлашга қодир эмас эдилар. Бетўхтов талаб ва сиқувлар бошланди. Амир Темур ўз сафдошларини оғир аҳволдан қутқариш учун уларнинг қарзини тўлади. Боз устига, Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, бу ёқда у ҳатто хотинининг тақинчокларини ҳам аяб ўтирмади. Бундай олижаноблиги билан у ўзининг ҳарбий сафдошлари ўртасида катта обрў-еътибор қозонди, амир Хусайн эса, аксинча, эътиборли одамлар ўртасида ўзига анчагина душман орттирди.

Соҳта хоннинг қошида ўзларининг ишончли амалдорларини қолдириб, амирлар ўз мулкларига тарқалишиб кетдилар, амир Хусайн Соли саройга, Темурбек эса Кешга қайтди.

Амирлар орасидаги муносабат Урда хотун (Тормоширинхоннинг беваси)нинг кизи шаънига доғ туширадиган ҳатдан сўнг узил-кесил ёмонлашди. Амир Хусайннинг Самарқанддаги одамлари бу ҳат Темурбекка тегишли деб миш-миш гап тарқатдилар. Аслида эса ҳат амир Хусайннинг кўрсатмаси билан ёзилганди. Шундай қилиб амир Хусайннинг Темурбекка нисбатан ғаразли муносабатлари ва фиску-фужурлари 1366 йилдан бошлаб очикчасига курашга айланди. Амир Хусайн Балх қалъасини мустаҳкамлаб, ҳал қилувчи жангга тайёргарлик кўра бошлади. Темурбек ҳам Кеш ва Қаршида шу йўсинда иш тутди.

1370 йили амир Хусайн Балх, Қундуз ва Бадахшон қўшимча куч тўплаб бошлади. Унинг суворийлари гоҳо Амударёнинг ўнг қирғоғида Термиз атрофи ва Темур қопуғ яқинида пайдо бўла бошлади. Темурбек амир Хусайндан олдин ҳаракат қилишга аҳд қилди ва ўзининг бутун қўшини билан Кешдан чиқди. Суюрғатмиш ўғлон ва бир неча аскарларнинг қисмлари манғлай (авангард) этиб тайинланди. Темурбек Қопуғдан уч фарсах масофада жойлашган Бия деган манзилда қароргоҳ қуриб ўлтирганда унинг ҳузурига Андухнинг таникли сайидларидан Сайид Барака ташриф буюрди. У Темурбекка ногора ва байроқ ҳокимият ва салтанат рамзларини топшириб, унинг буюк келажагидан башорат қилди. Шу вақтдан бошлаб то вафот этуғига қадар (1404) Сайид Барака Темурбек Жайхундан Термиз ёнидан эмас, сал юқоридан у бож кечуви орқали ўтмоқчи бўлди ва Чағондур бўйлаб юқорига йўл олди. Бу ерда унга Қарқарадан лашкар билан амир Жоку барлос қелиб қўшилди. Амир Хусайндан ҳавфсираб илгари Ҳутталондан Олойга қочиб кетган амир Қайхусрав ҳам шу ерда у билан бирлашди. Кейинги лашкароҳни Амир Темур энди Амударёнинг ўнг қирғоғида, Балхдан таҳминан тўрт фарсах шарқда жойлашган Элбурз тоғ манзилида қурди. Бу ерда 771 йил рамазон ойининг бошида (1370 йил 29 март куни) Темурбекнинг (у бу вақтда Мовароуннахрнинг катта қисмининг ҳақиқий ҳокими эди) таклифга кўра Суюрғатмиш ўғлон хон деб эълон қилинди. Балхга яқинлашган сайин Темурнинг куч-қудрати ортиб борди. Ёқда унга, жумладан, Шибирғондан Зинда Чашм Аперди, Ҳулм ҳазоралари, Бадахшон подшоси Шохмуҳаммад ва бошқалар қелиб

кўшилди.

Балх хижрий 771 йилнинг 11 рамазон ойи бошида (1370 й 10 апрел куни) икки кўнлик камал жангларида сўнг таслим бўлди. Унинг шаҳар қисмида жойлашган Жомеъ масжидининг минорасига яқинлашган амир Хусайн кўлга олинди ва Амир Темур ўзининг иттифокчиси бўлган Кайхусравга ҳун олиш асосида Хусайнни ўлдиришга тўскинлик қилмади.

Мовароуннаҳр учун икки амир ўртасида узок йиллардан бери давом этиб келган кураш мана шундай тарзда тугади, бу курашда Амир Темур ғолиб чиқди. Балх олингандан кейин, Амир Темур лашкарбошилари ва иттифоклари билан ўтказилган курилтойда А.Темурнинг Суюрғатмишхон билан бирга Мовароуннаҳрнинг ҳукмдори деб эълон қилинди. Амир Темурнинг кенг тарих саҳнасида чиқиши мана шу тарзда амалга ошди.

Фойданилган адабиётлар:

Амир Темур Кўрагон. Зафар йўли Т «Нур» 1992.

Амир Темур ўғитлари. Т. «Наврўз» 1992.

Аҳмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. Т.»Ўқитувчи» 1994.

Аҳмедов Б.А. Амир Темур. А.Кодирий нашр. 1995.

Аҳмедов Б.А. Соҳибқурон Темур. Т. 1996.

Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Т.»Меҳнат» .1992.

Иванин М. Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур. Т.»Ҳазина». 1994.

Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т.»Фан». 1968.

Аҳмедов Б.А, Амир Темурни ёд этиб. Т.»Ўзбекистон». 1996.

Аҳмедов Б ва бош. Амир Темур. Т.»Университет», 1995.

Вамбери Ҳ. Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи. Т.»Ғ.Ғулом», 1991.

Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.»Шарқ» 2000.

Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. Т. «Комуслар бош таҳририяти». 1996.

Таянч тушунчалари:

Ҳ1У асрнинг 50-60 йилларида Мовароуннаҳрнинг сиёсий аҳволи. Сарбадорлар ҳаракати.

Амир Темур ва сарбадорлар муносабати. Марказлаштирилган давлат сари йўл.

3-мавзу: АМИР ТЕМУР МАРКАЗЛАШГАН ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ».

Режа:

Амир Темурнинг марказлашган давлатни барпо этиш борасидаги тадбирлари.

Амир Темур давлатининг сиёсий тузуми.

Бошқарувдаги ислохотлар.

Амир Темур даврида ижтимоий ҳаёт.

Солиқ тизими.

Амир Темур давлатида ҳукукий муносабатлар.

Амир Темур ўз давлатини барпо килишда ўтмишда мавжуд сиёсий бошқарув тажрибаларидан кенг фойдаланади. Мазкур давлат ўз таркибий тузулишига кўра кўпинча ҳарбий-сиёсий тартибларга асосланган эди. Кудратли ҳукмдор тарих фанига ихлос кўйганидан бўлса керак, кадимги ва ўрта аср Шарқ мамлакатларидаги турли давлатлар ва уларнинг сиёсий ҳамда маъмурий идора усули, бошқарув тизимлари ҳақида кенг тасаввурга эга эди. Бирок унинг давлат бошқарув тизими қўл остидаги бутун ҳудудда ягона марказлашган сиёсий тартиб асосига қурилган бўлиб, бу соҳадаги тажрибалар ўрта асрлардаги Ўрта Осиё давлатларида кенг қўлланилган идора усуллари тажрибаси билан бойитилган эди. Амир Темурнинг Низомулмулк томонидан яратилган «Сиёсатнома» асаридан давлат ишларида кенг қўлланма сифатида фойдаланиш, «Темур тузуклари»да «Сиёсатнома»дан фикрлар келтириш бунга ёрқин мисолдир.

Амир Темур ўзига қадар мавжуд бўлган давлатчиликнинг саккизта асосига амал қилади.

давлат сиёсати жиҳатидан мустақил бўлиш.

давлат ва жамиятнинг сиёсий яхлитлиги бузилмаслиги.

давлат ва жамият муайян қонунлар, тартиблар, мафкура, асосида бошқарилмоғи.

бошқарув тизимини мувофиқлаштириб турувчи қоидалар шаклланган бўлиши.

жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар аҳволи давлат эътиборида бўлиши.

фан ва маданият раънақи тўғрисида доимий қайғуриш.

ҳар бир давр шарт-шароити, тартибларига кўра давлат жамият ички тараққиёти масалаларини ташқи дунёдаги мавжуд омиллардан фойдаланган ҳолда олиб бориш.

давлат тепасидаги қучлар ўтмиш, замона ва келажакни теран тафаккур, мустаҳкам иймон, ғоят юксак маънавият ва миллатпарварлик ила англамоғи.

Амир Темур давлатчиликнинг бу асосларига тўққизинчисини, жамият ривожини ва барча ижтимоий табақалар, манфаатларини таъминлашни қўшди.

Бошқарув икки идорадан: даргоҳ ва вазирлик (девон)дан иборат бўлган. Даргоҳни Олий ҳукмдор бошқарган. Даргоҳ фаолиятини бошқариш, унинг девонлар, маҳаллий ҳокимият идоралари билан боғланиб туриш ишлари Олий девон зиммасида бўлган.

Олий девонда-ижроия ҳокимиятда бош вазир, ҳарбий вазир, мулкчилик ва солиқ ишлари вазири, молия вазири турган. Сарҳадлар ва тобеъ мамлакатларнинг бошқаруви билан шуғулланувчи яна уч вазир бўлган ва девонбегиға ҳисобот бериб турган. Марказий ҳокимият тизимида шайхулислом, козиқалон, козий аҳдос (одат бўйича ҳукм чиқарувчи кози), кози аскар, садри аъзам (вақф ерлари, мулклари мутасаддиси), додхоҳ (шиқоятларни қўрувчи), эшиқоға, сарой вазири ясовул (ҳукмдорни шахсий буйруғини бажарувчи), қалақчи (ҳирож микдорини аниқловчи), муҳассил (солиқ ундирувчи), тавочи (асосий қўшинларни тўплаш ишиға мутасадди амалдор), қоровулбеги, қутвол (қалъабон), мухтасиб (шариат қоидалари ижрочиси, бозор тартибларини назарот қилувчи) ва бошқалар бўлган.

Шунингдек, даргоҳда бош ҳожиб, ҳожиблар, ҳазинабон, ҳонсолар, жибаши, қўшчи, бақовул, қотиблар, битикчилар, табиблар, созандақар, дорихоначилар

бўлган.

Амир Темурнинг тарихдаги хизмати шундан иборатки, у давлатчиликнинг бошқарув тизими, ички ва ташқи сиёсатнинг тартиб қоидалари, ҳукукий асосларини янги тарихий шароитда такомиллаштирди. Ташқи ва ички ғавқулдда воқеалардан воқиф этиб турувчи минг нафар пиёда, минг нафар туя минган, минг нафар от минган чопарлари бўлган. Бутун салтанат бўйлаб бир кўнлик йўл оралиғида ёмхоналар ташкил этилган. Ҳар бир ёмда 50-200 бошдан от-улов тутилган.

Соҳибқурон мамлакатни бошқаришда ўз яқинларига суянади. Мамлакатнинг ғарбий вилоятлари ўртанча ўғли Мироншоҳга, Балх вилояти катта ўғли Жаҳонгир мирзога, Хуросон кичик ўғли Шохруҳ мирзога суюрғол этилган. У набираларига ҳам суюрғол берган. Жумладан Кобул, Ғазна, Кандаҳор, Ҳинд ерлари Пирмуҳаммадга, Исфажонни Умаршайхнинг ўғли Рустамга, Боғдодни Мироншоҳнинг ўғли Абубакрга суюрғол қилган.

Амир Темур салтанат ишларида ўзининг пирлари маслаҳатларидан ҳам кенг фойдаланган. «Темур тузуклари»да соҳибқуроннинг пирлари ва уларнинг кўрсатмалари баёни берилган. Асли хуросонлик йирик шайх бўлган Зайнуддин Абубакр Тоёбодий Амир Темурга давлат бошқариш ишларида кенгаш, машварату маслаҳат, ҳушёрлик, эҳтиёткорлик амалларига риоя этишни маслаҳат берган.

Шунингдек, Сайид Барака, Мир Сайид Шариф Журжоний, Термиз сайидларидан Али Акбарларнинг Амир Темур Давлати даргоҳларида машварату-кенгашларда фаол иштирок этганларидан «Темур тузуклари» далолат беради.

Давлат бошқарув ишларида Соҳибқурон ислом қонун- қоидаларига асосланган. Унинг Куръони Карим ва Ҳадиси шарифларга бўлган муносабати самимий ва олий даражада бўлган. Пайғамбар авлодлари шайхул-машойихларга ҳурмати чексиз бўлган. Давлатни кучайтиришда ҳам ана шундай қишиларга таяниб иш юритган.

Амир Темур даврида Мовароуннаҳрда аҳолининг яшаш даражаси ва шароити яхшиланди. Ягона марказлашган давлатнинг шаклланиши ва ривож топиши билан оддий аҳолининг тинч ва осуда яшаб, меҳнат қилишига шарт-шароит яратилди.

Мўғуллар истилоси даврида ва ундан кейин Амир Темурнинг марказлашган давлат барпо этгунига қадар Ўрта Осиё ва унга қўшни ҳудудларда халқ оммаси ниҳоятда оғир азоб уқубатлар, қийинчилик билан ҳаёт кечирган эди. Мўғулларнинг вайронагарчилик ва бузғунчилик ишлари туфайли меҳнаткаш аҳолининг яшаш шароити қуйи даражага тушиб қолди. Ҳўжаликни қайта тиклаш ишларга эътиборсизлик бўлган кўчманчи мўғуллар халқ бошига турли солиқларни солдилар., улар орасида баъзиларини қулларга айлантирдилар. Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, у мамлакатда қайта тиклаш ишлари, ободончилик, суғориш тармоқларини таъмирлашишларига катта эътибор қаратди. Турли тоифага каттик интизом, ҳар қандай зодагонни ўз ҳукмдори олдида бош эгишга мажбур қилар эди. Меҳнаткаш халқ, жумладан, ҳунарманд катламига мансуб қишиларнинг яшаш даражаси янча яхшиланди. Шаҳарлар, маданият марказларида яратувчилик, ободончилик ишлари ниҳоятда кучайиб кетди.

Амир Темур давлатининг сарҳадлари кенг эди. У нафақат ҳозирги Ўрта Осиё балки, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Кавказ, Козоғистон, Ирок сингари мамлакат ва ҳудудларни ўз таркибига олган эди. Ижтимоий тузум масаласида тўхталганимизда, айнан шу жойлардаги аҳолининг турли қатламлари, уларнинг ўзаро нисбати, бир-бирига алоқадорлигини назарда тутишимиз керак.

«Темур тузуклари»да Амир Темур ўз мамлакатларини бошқаришда аҳолини маълум ижтимоий қатламларга бўлганлиги қайд этилган. Улар асосан ўн икки гуруҳга бўлинган ҳолда ўша даврдаги омма ва хоссанинг бир-бирига нисбатини яққол кўрсатади. Булар қуйидаги ижтимоий тоифалар:

саййидлар, олимлар ва шайхлар,
катта тажрибага эга илмли кишилар,
дуо килувчи таквадорлар,
лашкарларнинг сипоҳлари, сарҳанг ва амирлари,
аскарлар ва халқ оммаси,
давлат бошқарув ишларини ипидан -игнасиғача биладиган маслаҳатгўй доно ва ақлли кишилар.

вазирлар, котиблар, девон бошлиғи.

- тиббиёт аҳли, мунажжим ва муҳандислар,

муҳандислар ва муаррихлар,

тасаввуф вакиллари ва орифлар,

хунарамандлар ва санъаткорлар.

Ажнабий сайёҳлар ва савдогарлар.

Юқоридаги ижтимоий қатламлар Амир Темур давлатини маъмурий бошқарув тизимидаги тартиблар билан алоқадар ҳолда унинг ҳарбий-сиёсий ҳаракатда бўлганлигини ҳам кўрсатиб турибди.

Ижтимоий тузумни биз мулк эгалигисиз тасаввур қила олмаймиз. ХУ асрда зироатчилик билан машғул кишлоқ аҳли орасидан маълум қисми имтиёзли ҳақ-ҳуқуқлар эгаси бўлган. Улар давлатга жуда оз миқдорда солиқ тўлашган. Аҳолининг жуда катта қисмини ижарачи-чорикорлар ва жамоатчи деҳқонлар ташкил қилган. Кишлоқлар жамоа ёки қария деб номланган. Унинг мулки бутун жамоа аҳлига қарашли эди.

Хунарамандчилик соҳасида асосий ишлаб чиқарувчи ижтимоий тоифа вакили эркин хунарамандлар бўлган. Улар шаҳарларда яшовчи савдогарлар билан бир қаторда маданий марказнинг ўрта ҳол тоифалари вакиллари саналганлар. Булар жумласига амалдорлар ва ўрта ҳол ислом пешволарини ҳам киритиш мумкин.

Амир Темур ўзига тобе мамлакатларнинг сипоҳу раият кайфиятини, турмушини, бирор қиши уларга жабр-ситам қилса, уларни жазолаш тадбирларини ўз қонунларида қайд этиб ўтган.

Ҳар бир шахс ўз қобиляти ва ўз хоҳиш иродасига кўра, шунингдек, билим ва тажрибасига мувофиқ муайян вазифани эгаллай олар эди. Албатта, у ўша ишни ва амални уddалай олса, ўз ҳаракатига мувофиқ ижтимоий қатламнинг юқорирок даражасига кўтариларди.

Купгина манбалар Амир Темур ва темурийлар даврида Ўрта Осиё ва бошқа ҳудудларда солиқ тизими маълум меъёрга туширилганлигини баён қилади. Мансабни суистеъмол қилган айрим амалдор шахслар аҳоли норозилигига учраган

ва ҳукмдорлар томонидан каттик жазоланган. Темурийлар даврида солиқнинг асосий тури хирож бўлган. Ер солиғи ҳосилнинг учдан бир миқдорича бўлган. Танобона боғлардан олинган. Жон солиғи, улоғ, бегор амалда бўлган.

Ер эгаликнинг суюрғол-хусусий мулк тури кенг тарқалган.

XV асрда зироатчилар қандай ер мулкларида яшаб, экин экишларига қараб хирож тўлаганлар. Улар асосан тўрт турга-

- а) давлат ерларида яшовчи зироатчилар,
- б) хусусий мулк ерларида яшайдиган,
- в) ўз ерида яшовчи,
- г) вақф ерларида яшовчиларга ажралганлар.

Ердан асосан хирож (мол) ундирилган. У маҳсулот ёки пул билан олинган Ҳажми ҳосилнинг ярми миқдоригача борган.

Мағлуб шаҳар аҳолисидан сари (жизья) олинган.

Мамлакат катта ҳавф остида қолган пайтларида Ҳавкуллода солиқ аворизот йиғиб олинган. Мамлакат ҳудудида чопар ёки элчилар ўтаётганда, зарурат туғилганда, аҳоли уларга улоғ-от топиб бериш лозим бўлган.

Дўкандор ҳунармандлардан тамғо солиғи олинган. Зарурат бўлганда аҳоли қаср қурилиши, суюрғол иншоотлари, кўприклар қуриш ишига-ҳашар (бегор)га жалб этилган. Мазкур ишлар жараёнида миробона, доруғона солиқлари ундирилган. Нақд бойлигининг (Тангри Таоло муҳофаза этсин деган умидда) камбағаллар ва ўзидан қолганлар фойдасига закот берганлар. У йилига бир бор берилиб, кўчмас мулкнинг қирқдан бири ҳажмида бўлган. Чегара ҳудудларида бож ундирилган. Маҳаллий савдогарлар тағжой, боғдорлар танобона тўлаганлар.

Ҳар бир ислом давлатида шариат қонун-қоидалари етакчи ўринни эгаллайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Амир Темур давлатида ҳам ҳуқуқий муносабатлар Қуръони Қарим ва Ҳадиси шарифда баён қилинган тартиб қоидаларга асосланган.

Амир Темур ҳуқуқ ва қонун унсурлари «Темур тузуклари»да ўз аксини топган. Бу асарда давлат юмушлари, ҳарбий соҳа, раият ва ижтимоий тузумнинг барча қатламлари ҳақида сўз юритилган. «Темур тузуклари»да таъкидланишича, дунёвий жиҳатларни ҳукмдорнинг ўзи, яъни Амир Темур назорат қилган ва қеракли жазони ҳам айнан давлат бошлиғи берган. Шариат ишларини бажариш эса, шариат қозисига берилган. Бироқ давлатнинг девонида, унинг турли бўғинларида ҳам алоҳида қозилар суд, жинойят ва жазо ишларини амалга оширганлар. Масалан, лашқар учун махсус қози, раият учун алоҳида қози тайинланган. Ҳуқуқ тизими қуйидагича бўлган:

Шайхулислом-ҳар бир мамлакатда мусулмонларни ноҳўя ишлардан сақлаш, савоб ишларга ундаш бўйича масъул шахс,

Садрлар-асосан сайидлардан чиққан шахс бўлиб, аҳли исломга бошчилик қилган. Уларнинг энг муҳим вазифаларидан бири мамлакатдаги вақфларни назорат қилиш бўлган. Садрлар суюрғолни ҳам белгилаб турганлар.

Мутаваллий-садрлар томонидан вақфларни бошқариш ва назорат қилиш учун тайинланган шахс.

Қози- ҳар бир шаҳар ва вилоятларда, девоннинг турли бўғинларида қонуний назорат қилган. Қозилар даражаси ва мартабасига кўра бир-бирларидан фарқ қилиб турган.

Мударрис- диний масалалар, шариат, тафсиф, ҳадис ва фикҳдан дарс берувчи

шаҳс.

Мухтасиб-бозорларда тарози, нарх-навони назорат килувчи масъул шаҳс.

Кози ва садрлар Амир Темурнинг шаҳсан ўзига ҳисобот бериб турганлар. Амир темур катъий тартиблар ва конунларни ўз тузукларида ёзиб чиққан.

-ҳазинабон молия ишида ҳиёнат қилса, текширувдан сўнг, куйидагича жазога тортилган. Масъул шаҳснинг ўзлаштириб олган маблағи маошидан икки баробар ортик бўлса, ортиғи оладиган ойлиги ҳисобидан ушлаб қолинган:

-кайси бир сипоҳ ҳаддидан ошиб, қўл остидаги қишига зулм қилса, уни зулм кўрган қишига топширганлар ва ўша мазлум қишининг ўзи сипоҳийни жазолаган:

-қишлоқ оксоколи, шаҳар улуғлари пастрок тоифадаги қишига зулм қилса, ўша зулмга яраша катта микдорда жарима солинган:

-халққа жабр-зулм қилган ҳарбий қишига жарима тўлатишган ёки дарра билан қалтакланган:

-кимда-ким ўғирлик қилиббировнинг молини тунаса, ўшани қайтариши шарт бўлган ёки ясога мувофиқ каттик жазога тортилган:

-бировнинг тишини синдирса, кўзини кўр қилса, кулок-бўрнини кесса, шароб ичса, зино ишлари билан машғул бўлса, шариат қозиси томонидан тегишли жазоларни олган.

Амир Темурнинг буюк давлат тузиш мақсадлари доираси Ўрта Осиёни бутун дунё маданий марказига айлантириш каби режаларни ҳам ўз ичига олган эди. Темур ўзининг сиёсий мақсади йўлида кўп ҳарбий ва ички сиёсий тадбирларни амалга ошириш билан бир қаторда жуда катта ижтимоий-маданий тадбирларни юзага чиқарди. Усталарнинг техник билимлар ва ижодий изланишлари натижасида шаҳарлар кифоаси тубдан ўзгариб кетди. Дабдабали саройлар, ҳашаматли макбаралар, масжид ва ҳонақоҳлар, боғлар яратилди. Амир Темур серҳашам бинолар яратишни, ўз давлатининг шуҳратини оширишга ҳизмат қилади. Шунинг учун ҳам у Шаҳрисабзда қурилган Оксарой биноси пештокига «Бизнинг буюқлигимизга шубҳанг бўлса, қурдирган иморатларимизга бок» деган жумлани битишни буюрган.

Машҳур авлиёлар, дин пешволарига бағишланган макбаралардан Шоҳи-Зинда макбаралар мажмуаси Муҳаммад пайғамбарнинг қариндоши Қусам ибн Аббосга бағишланган. Гўри Амир макбараси ҳам мақсад эътибори билан Темурнинг пири Амир Сайид Барака шарафига бағишлаб қурилган эди. Туркистон шаҳридаги Ҳожа Аҳмад Яссавий макбараси ҳам шулар жумласига қиради.

Ҳ1У асрнинг машҳур илоҳиётчиларидан Ҳожа Баҳовуддин Накшбанд (1319-1389) Бухоро яқинидаги Қасри Орифон қишлоғида таваллуд топган. У асос солган накшбандийлик тариқатининг асосий моҳиятини «Қўл ишда, дил Оллоҳда» шиорида ўз ифодасини топган. Амир Темур накшбандийлик тариқатига амал қилган ва шундай деган:»Пири қомил Шайх Баҳовуддин Накшбандийнинг «Қам егин, қам уҳла, қам гапир» деган панду насиҳатларига амал қилдим. Арқони давлатга, барча мулозимларга ҳам айтар сўзим шу бўлди. «Қам енглар, очарчилик

кўрмасдан бой бадавлат яшайсизлар, кам ухланглар- мукамалликка эришасизлар, кам гапиринглар-доно бўласизлар».

Фойданилган адабиётлар:

Амир Темур Кўрагон. Зафар йўли. Т»Нур», 1992.

Амир Темур ўғитлари. Т. «Наврўз» . 1992.

Аҳмедов Б.А.Тарихдан сабоқлар. Т. «Ўқитувчи». 1994.

Аҳмедов Б.А. Амир Темур. А.Кодирий нашр. 1995.

Аҳмедов Б.А. Соҳибқурон Темур. Т. 1996.

Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Т.»Меҳнат». 1992.

Иванин М. Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур. Т. «Ҳазина» 1994.

Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т.»Фан». 1968.

Аҳмедов Б.А. Амир Темурни ёд этиб. Т.»Ўзбекистон», 1996.

Аҳмедов Б. ва бошқа. Амир Темур. Т. «Университет». 1999.

Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Т. «Ғ.Ғулом». 1991

Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т. «Шарқ» 2000.

Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. Тошкент. «Комуслар бош таҳририяти» 1996

Таянч тушунчалар:

Марказлашган давлатнинг ташкил топиши. Марказий ва маҳаллий давлат апаратининг ташкил топиши. Вазирликлар ва уларнинг функциялари. Бошқарувдаги мезон ва тамойиллар. «Темур тузуклари».

4 мавзу: АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО - СОТИҚ.

Режа:

Амир Темур даврида шаҳарлар тараққиёти.

Ҳунармандчиликнинг мамлакат иктисодидаги ўрни.

Амир Темур давлати ва Буюк ипак йўли.

Амир Темур даврида ички ва ташқи савдони кучайтириш тадбирлари.

Темур ўзининг бутун ҳукмронлиги давомида Мовароуннахр шаҳарларининг ривожланишига алоҳида эътибор берди. Айниқса иккита шаҳар Самарқанд ва Кешга эътибори чандон ортиқ бўлди. Темур ота юрти бўлган Кеш шаҳрининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратди. Шаҳарда Темурнинг фармойишига кўра маҳаллий ва четдан келган усталар ҳамкорлигида улкан иншоотлар қурилди. Тарихда, Урганчдан бир гуруҳ муҳандис қурувчилар ва деворларни ранг-баранг кошнлар билан безатувчи усталар Кешга олиб келингани маълум. Кешда барпо қилинган Оксаройга испан кироли элчиси қуйидагича баҳо берган эди: «Бу ерда ҳамма нарсаси олтин, ложувард ва бошқа анвойи рангларда товланар ва ҳатто ажойиб усталари бўлган Париж учун ҳайратомуз эди. Бу ишлар (ҳатто уларда ҳам) гўзал деб ҳисобланган бўларди»2.

Кешда ҳашаматли иншоотларнинг барпо қилиниши (Жаҳонгир мавзолейи (1379, 80-1404) ,1376 йил Самарқандда вафот этган 22 ёшли Жаҳонгир шарафига

барпо килинган, Ҳазрати Имом масчити, Шамсиддин Кулол мазори, Кўкғумбаз) унда курувчилик, хунармандчиликнинг ривожига олиб келди.

Аммо Самарқанд ҳақли суратда Темур даври шаҳарсозлигининг гултожидир. Темур даврида Самарқанд зич қурилган, ўртасидан кенг кўча ўтган шаҳар, улкан ҳудуднинг йирик иқтисодий ва маданий маркази эди. Шаҳар тузилмасида бозорлар, аксари қисми ихтисослаштирилган тимлар муҳим ўрин тутган.

Маҳаллий ва бошқа мамлакатлардан олиб келиниб Самарқандга жойлаштирилган усталарнинг ижодий даҳоси ХУ асрда шаҳар қиёфасини ўзгартириб юборди. Халқ усталарнинг қўли билан бунёд этилган ва бир қисми бизгача етиб келган улуғвор бинолар, ҳашаматли иншоотларнинг олий намуналари бўлиб, ўша давр оламининг энг гўзал бинолари билан рақобатлаша оларди. Шаҳарга илк бора ташриф буюрган Заҳриддин Бобур»Самарқанд бағоят ободон шаҳар» деб ёзган эди.

Амир Темур фармони билан Самарқанд атрофида кўплаб янги қишлоқлар, сўлим боғлар барпо килинган. Қишлоқлар қурилиши ва мустаҳкамланиши натижасида кўп сонли Самарқанд бозорларининг шаҳар атрофи ва қишлоқ жойлари билан ўзаро иқтисодий алоқалари мустаҳкамланди, уларнинг аҳолиси халқаро савдога жалб этилди. Бу қишлоқлар аҳолиси кўп бўлиб, бир қисми босиб олинган мамлакатлардан келтирилган эди. Клавиҳонинг фикрича, Самарқанд яқинидаги ерларда ва шаҳар ташқарисидаги боғларда шаҳардагига нисбатан кўпроқ одам яшаган.

Амир Темур даврида Бухоро йирик иқтисодий марказлардан бири эди. У йирик савдо-хунармандчилик маркази эди. Шаҳарнинг учдан бир қисми савдогарлар ва бозорлар учун ажратилган.

Мамлакат иқтисодиётида Тошкент муҳим ўрин эгаллаган. Атроф ҳудудида кўчманчилар яшайдиган маданий воҳанинг маркази сифатида шаҳар дашт чегарасида жойлашган. Шу сабабли ҳам иқтисодиёти кўп жиҳатдан кўчманчилар билан олди-бердига боғлиқ эди. Тошкентлик хунармандлар ўз маҳсулотларини ва чорва ва чорвачилик маҳсулотларига, шунингдек кўчманчи усталарнинг ўзига хос буюмларига айрибош қилишарди. Шаҳарда кўп ҳил хунармандчилик турларининг ривожини асосан дашт кўчманчилари билан савдо белгилар эди.

Дашт чегарасида жойлашган Тошкент Талур кўшини учун кўналға вазифасини ҳам ўтаган.

Ҳ111 асрда вайрон килинган Фанакент калъа шаҳри Темурнинг фармонига биноан қайта қурилди. Сирдарё соҳилидаги бу мустаҳкам калъа «Шоҳруҳия» номини олди.³

Андижон билан Аҳсикат эса Фарғона водийсининг иқтисодий ва маданий марказлари эди.⁴

Темур давлатининг иқтисодий ҳаётида хунармандчилик алоҳида ўрин эгаллаган. Энг муҳим хунармандчилик ишлаб чиқариши тўқимачилик бўлган. Бу даврда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, даштларда яшовчи ярим кўчманчи ва кўчманчи чорвадорлар ўртасида, тўқимачилик маҳсулотларига бўлган талаб юқори бўлган. Туркистон шаҳарларида ип, ипак, жун ва канош толасидан турли ҳилдаги рангдор, гулдор ҳамда нафис ва дағал газламалар кўплаб тўқиб чиқарилар эди. Масалан, ўша пайтларда

ок, яшил, малла, зангори, бинафша ва суранг ип калаваларидан карбос, яъни бўз, гулдор чит, ок сурп, нафис зарлар берилган фута, жандан олачалар, каноп толасидан катон каби турли хил газламалар тўкилган.

Албатта тўкилаётган матоларда жамиятда мавжуд синфлар эҳтиёжини ҳисобга олинган. Ўша даврда энг арзон мато карбос бўлиб, ундан шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткаш аҳолиси ҳамда даштлик чорвадорлар кийимлик сифатида фойдаланганлар. Шунингдек ички кийимлар, устки либосларнинг астарлари, кўрпа-тўшаклар ҳам карбосдан тикилган. Каноп толасидан катон, зиғир поядан тўкилган таргу номли матолар анча пишиклиги билан машҳур бўлган. Улардан «жамоикатоний» деб аталган кимматбаҳо чопонлар, кимматбаҳо тошлар кадалган зарбоф тўнлар тикилган. Навоийнинг ёзишича, карбосга қараганда катон анча киммат турган. Ипак ва ипакдан тўкилган футада салла, белбоғ ва аслзода ёшлар кийим-кечаклари тикилган. Ўша даврда футанинг бир белбоғи ёки бир саллалик бахоси Ҳиротда эллик танга турган.

Айниқса бу даврда маҳаллий ва четдан келтирилган ипакдан турли шойи газламалар тўқиш кенг йўлга қўйилган. Манбаларда атлас, кимҳоб, банорас ва духобалар каторида товланувчан ялтирок хоро, нафис ва гулдор дебо каби шойидан тўкилган газламаларнинг номлари учрайди. Шойи матолардан, хусусан кирмизи ва зангори духобалардан зарбоф либослар тикилган. Аммо шунинг эътирофи этмок лозимки, шойи матолар ва зардўзи буюмлар зеб зийнат каторида турган. Шу сабабли уни фақат сарой аҳли ва мулкдор табақа вакиллари кийишган ва фойдаланишган.

Бу ҳақда Венгер тарихчиси Ҳерман Вамбери куйидагича ёзади: Сарой аъёнларининг ипак духоба ва атлас кийимларию араю ёки мусулмон расм-русумида тикилган эди. Саройдаги аёлларнинг либоси, хусусан бурк, шокила кадимги Эрон ва Ҳоразм урфига хос эди. Сарой ҳонимлари олтин упа билан безатилган узун кизил кийим кияр эдилар. У кийимнинг ёкаси бўйинини кесиб турадиган, ўзи енгсиз бўлган орка этаги жуда узун уни махсус жориялар кўтариб юришган. Уларнинг сони баъзан ўн беш қишига етар эди. Юзга ҳижоб тутганлар. Сафарда чанг-тўзондан ва ҳавонинг таниридан сак-ланиш учун юзларига кўрғошин тушдаги упа қўйилган. Кизил мовутдан дубулғага ўхшаш учли калпок кийишган. Калпок усти кизил ёкут, забомод, дурлар билан безатилган, атрофида тилиш ҳам бўлиб, ундан гўё ок парлар тўкилиб турган.⁵

Сарой аҳли Самарқанднинг зардўзи либосларини, атласи ва кирмизи духобасини ҳамда Ҳиротнинг кимҳобини кадрлаганлар. Духоба тўқиш ўша давр учун техника жиҳатдан мураккаб касб ҳисобланган. Аммо Темур ёғоч саркафаси копкоғига ёпилган гулдор мато, Улуғбекнинг кийими, ХУ аср обидаси Ишратхона мақбарасида дафн этилган боланинг ярим чириган кафани колдиклари ҳамда Шоҳизиндада очиб ўрганилган темурийлар даврига оид макбара даҳмасида сакланган йўл-йўл шойи тўн каби топилмалар ХIУ аср охири ва ХУ аср матолари тўкилиши ва берилган ранго-ранг бадий жиҳатидан юқори сифатли эканига, шунингдек _тўкимачиларнинг асрий тажрибачи ва бой ҳунаромандчилик анъаналарига эга бўлганлигига шубҳа қолдирмади.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича Темур Гўри Амирга дафн этилганда, унинг деворларига олтин ва кимматбаҳо тошлар билан безатилган кийим бошлари, курул-яроғлари ва анжомлари осиб қўйилган. Буюмларнинг энг кичигининг бахоси

бутун бошли бир вилоятнинг йиллик солиғини коплаган, бу эса юқоридаги фикримиз исботи.

Амир Темур 1370-1405 йилларгача ҳукмронлик килган бўлса, умрининг катта қисмини жангу жадалларда ўтказди. Шу сабабли лашкарига курол -яроғ ясовчи темирчилик ривожига ҳам алоҳида эътибор билан қарайди.

Шу сабабли ХУ асрда темир буюм, курол-яроғ ва асбоблар яшаш юқори даражага кўтарилади. Металл буюм ясовчиларнинг аксарияти уй-рўзгор буюмлари, курол-яроғлар ва асбоб ускуналар ясовчи темирчилардан иборат эди.

Амир Темур даврида Самарқанд давлатнинг пойтахти сифатида аввалгидек курол-яроғ ясаладиган марказ бўлиб қолди. Шаҳарда ҳатто махсус совутсозлар маҳалласи қарор топади. Пойтахт куролсозлари ҳужум ва мудофаа курол-яроғлари қилич, қалқон, ўк, ва ёйлар, дубулға ва совутлар ҳамда жиборлар ясардилар. Ҳокимлар, саркарда амирлар учун ясалган махсус курол-яроғлар ҳақида Ҳерман Вамбери шундай ёзади: «Темур саройдан четдаги кўпгина аёллар ҳам Кичик Осиёнинг жуда қимматли жавоҳирию, Мултон, Ганжа, Дамашк, Бурса, Венесия заргарларининг нафис асарлари билан ўзларига оро берганларидек, эркаклар ҳам ноёб тошлар билан безатилган куроллар ва камарларни кўрсатиб кўзни қамаштирар эди»⁶.

Шунингдек бу даврда мисгарлик ҳам ривожланади. Мисгарлик буюмларнинг ҳилма-ҳиллигини 1465 йилда Самарқанд Ишратхона вақори тўғрисида тузилган ҳужжат бўйича ҳам фикр юритиш мумкин. Мадрасага ҳадя этилган буюмлар рўйхатида турли қозонлар, кўзалар, мис лаганлар, олтин 3 суви юритилган офтоба, қумуш бўйинли машраба, тилло суви берилган томлар, шунингдек қумуш кадамали ўймакор темир, жез ва мис ҳилма-ҳил фонуслар, мойчироғлар, шамдонлар ҳамда олтин суви юритилган мис қандил қайд этилган. Ҳадя этилган буюмлар орасида темир оёқли мис манқал ҳам тилга олинади. Уста Иzzаддин Ибн Тежуддин Исфаной томонидан 1397 йилда Темурнинг буюртмаси билан ясалган катта жез қозон ва иккита шомдон бизнинг давримизгача сақланиб қолган.

Сақланиб қолган металл буюмлар шуни исботлайдики, ишланиш услубларига қараганда бу давр мискор ва қилангарлари метални тоблаб суғориш, эритиб ундан буюм ва асбоблар қуйиш, улар сиртини бадий қабарма ва ўймакор нақшлар билан қолаш ҳамда олтин ва қумуш суви юритиш қаб муратқаб ишлов технологиясига эга бўлганлар. Бунга мисол: 1399-1404 йилларда қино қилинган Биқхоним масжиди эшиқлари етти қил металл қотишма «ҳафтжўш» билан қоланган. «Жомеъ масжиди етмиш икки табақали бўлиб, ҳуло-баринг, мис ва рух бирга қўшиб эритилса ҳуло қилур қуюлган ва фусунко усталар жомеънинг қирар ерига пўлат қалам учи билан жуда ҳам гўзал табиатлик нақш қилганлар»⁷.

Испан элчиси Руи Гонсалес Де Клавихо Темур қодири ичиде қурган олтин сандикни қуйидагича тасвирлайди: «Унинг ялпоқ қапқоғи яшил ва қўқ миносмалдан ишланган қичик қуббалар, нақадар ноёб жавоҳир ва инжулар билан зийнатланган. Бу сандикнинг қапқоғи эшиққа ўқшаш ичиде бир неча қатор, қадаҳлар терилган, дурлар ва жуда қимматли тошлар билан безатилган, олти қона олтин ёнби ҳам бор эди»⁸.

ХУ асрда ҳукмрон ва мулкдор табақа вақилларининг қимматбаҳо зеби-зийнат ва буюмларга бўлган талаби қоят қучли бўлган. Шаҳарларда, ҳусусан Самарқанд

ва Ҳиротда заргарлик ривожланди. Шаҳар заргарлари орасида олтин, кумуш ва жез котишмаларидан турли ҳил зеб-зийнатлар ва кимматбаҳо буюмлар ясайдиган ва уларга нозик дид билан нафис бадиий ишлов берувчи моҳир усталар сони кўпаяди. Деярли катта қисм аслзодалар кимматбаҳо идишлардан фойдаланганлар., ўз навбатида турли ҳил жиҳозларга ҳам заргарлар ўта моҳирлик билан ўз калб-кўрини бера олганлар. «.. сандикнинг ёнида баландлиги бир метрга келадиган олтин ҳонтахта бор, унинг атрофи жаҳоҳир билан безатилган, устида эса икки метр узўнликда бир забаржад бўлиб, у бутун ҳонтахтани эгаллаган эди. 5

Унинг рўпарасида замон шоҳидан ясалган бир олтин дарахт: унинг йўғонлиги инсон оёғи йўғонлигидан, атрофга ёйилган шоҳлари яшил билан копланган. Бу дарахт мевалари ўрнида жуда кўп кизил ёкут, забаржад, феруза, сафир ва ажойиб, йирик

дурлар шоҳларга осилган, япроклари турли рангдаги мино билан ишланган, бутокларида олтин кушлар бор. Шаҳзодаларга берилган ҳар бир нарсга катта кумуш тавокларда тақдим этиларди. Ҳоконнинг оила аъзолари олтин косалардан фойдаланар эдилар. Шароб мажлисларида кўп вақт мингларча қишилар иштирок этар, шароб доимо олтин лаганларга қуйилган тилла кадакларда берилар эди.

Шарафуддин Али Яздий Зафарнома. 466-467 б.

4 Темур тузуклари. Тошкент.Ғ.Ғулом. 1991 й. 91 б.

Бундай кимматбаҳо кўза ва патнисларнинг сирти кўпинча ўта нафис ислими ўймакор нақшлар, хушҳат ёзувлар ва рангдор тошлар билан жило берилган. Юқорида таъкидлаганимиздек нақшинкор бадиий буюмлар бойлик ҳотамлари ҳисобланиб, ундан фақат мулкдор табақалар фойдаланилади. Шу сабабли кимматбаҳо жиҳозларни ясайдиган ҳунармандлар- заргарлар деярли задогонларга ҳизмат қилишар ва улар билан яқиндан алоқада бўлишарди. Юксак малакали усталар томонидан мис, жез ва кумушдан ясалган ҳилма-ҳил билакузуклар, зирақлар, булоки ва зуклар эса меҳнаткаш аҳоли хотин-қизларнинг кенг истеъмолдаги зеб-зийнат жиҳозлари ҳисобланади.

Умуман олганда Амир Темур даврида Мовароуннаҳрда ҳунармандчилик соҳасида шундай улкан ишлар амалга оширилдики, ҳеч иккиланмасдан бу давр ҳунармандчилик тараққиётининг 7

юксак чўққиси деб ҳисоблаш мумкин ҲУ асрда Ўрта Осиё шаҳарларнинг шарқ мамлакатлари билан тижорат, иқтисодий ва маданий алоқалари Буюк ипак йўлининг анъанавий йўллари орқали олиб борилган. Китъанинг йўлига Самарқанд, Бухоро, Урганч, Тошкент, Андижон каби йирик тижорат ҳунармандчилик марказларининг ўзигина боғланган. Буюк ипак йўли Мовароуннаҳрнинг кичикрок шаҳару қишлоқларини ҳам камраб олган.

Бирок шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу алоқалар доимий бўлган. Давлатларнинг ўзаро муносабатлари яхши даврлардан алоқалар жонланар эди. Сиёсий ихтилоф пайтида эса кўшиб буткул узилиб қолган.

Вамбери Ҳ.Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи. 1990. 49 б

6 Ҳуршид Даврон.Самарқанд ҳаёти. Т.»Камалак» 1991. 127 б

Амир Темур даврида бошқа мамлакатлар билан савдо-сотиқ анча жонланди. Ўша давр муаллифининг хабар беришича, Самарқандда ҳар йили ўтказиладиган турли ярмаркага турли мамлакатлар Ҳитой, Ҳиндистон, Татаристон ва бошқа ҳилма-ҳил жойдан мол келтиради. Кастилия киролигининг элчиси Ҳитойни биринчи бўлиб тилга олиш тасодифий бўлмаса керак. Амир Темур даврида Руи Гонсалес де Клавихо, Темур вафотидан кейин эса Абдураззок Самарқандий ва Фосих Ҳавофий Чин Мочин ва Ҳитойдан элчилар келганини хабар қилишарди. Ҳитой элчилари Темур саройига бир неча марта келишган. Бирок амир уларни ўта совуқ муомала билан қабул қиларди. 1404 йилда Кониғилда ўтказилган тантанادا Амир Темурнинг буйруғига кўра Ҳитой элчиси- «карокчи беномус одам ва душман» бошқа жойга олиниб унинг ўрнига испан кироли- унинг ўзи йўллаган элчи ўтказилган.

Ҳитойлик элчиларнинг яна бир гуруҳи Ўрта Осиёга 1412 йили келишди. Ўша Ҳитой императори ўзи 1412-1419 йилда яна элчиларни юборди. Умуман ҲУ асрнинг биринчи ярми Самарқанднинг, шунингдек Мовароуннахрнинг бошқа йирик шаҳарларини Ҳитой билан ҳунармандчилик буюмлари, айрим ҳом ашё ва турли туман буюмлар айрибошлашдаги савдо алоқалари энг кучайган даврлардан бири бўлди. Шу асрнинг ўн йилликларида Буюк Ипак йўли бўйлаб савдо қарвонларида мунтазам катнашиб турган. Афсуски биз улардан баъзилари ҳақидаги аниқ маълумотларга эгамиз, ҳолос. Кейинроқ ҲУ аср охири -ҲУ1 асрда Ўрта Осиё ҳукмдори билан Ҳитой императори ўртасида элчилар алмашинуви анча қискарди. Бирок Ўрта Осиё шаҳарлари билан Узок Шарқ ўртасида Буюк ипак йўли бўйлаб савдо қарвонларини катнови ҳеч қачон буткул тўхтаб қолмаган. Ҳатто Ҳ1Ҳ асрларда ҳам кўҳна Ипак йўли бўйлаб Бухородан чиққан қарвонлар Самарқанд ва Фарғона орқали Қошғарга тўхтовсиз катнаб

турган. Айни пайтда кўплаб мамлакатлар тоғлар Ҳитойга борадиган йўл бағоят машаққатли бўлиб айрим қишлоқлардан ўтиш жуда-жуда қийин эди.

Бизгача етиб келган маълумотларга кўра, Самарқандга Қоратегин ва Бадахшон йўллари ўзаро туташадиган Андижон доғи орқали Ҳитойдан мол олиб қайтаётган қарвон ҳақида хабар беради. Бу қарвонда самарқандлик ва ҳуросонлик савдогарлар бўлган. Қалин қор ёғиб қарвоннинг барча аъзолари-мингта одам ва ҳайвонларни қор босиб қолган. Улар Андижондан ташқаридаги тоғ тагида ҳалок бўлишган ва атига икки қиши тирик қолган, ҳолос. Бундай ҳодисалар кўп бўлган. Ҳатто Буюк Ипак йўлининг Ҳитой йўналишидаги айрим қишлоқларда йўлни одам ва ҳайвон суяклари қўплигига қараб топиш мумкин деган кўрсатма бор.

Қолаверса қарвон ўтувчи йўллардаги вилоятларда сиёсий вазиятнинг қескинлашуви ва ўзаро урушлар мўлжалланган йўлни ўзгартиришга ва узокроқ бўлса ҳам нисбаттан хотиржамроқ йўлни излашга ундарди. Масалан 1422 йили Шохруҳ, Улуғбек ва бошқа ҳукмдорларнинг Ҳитойдан қайтмаётган элчилари Мўғулистондаги тартибсизликлар туфайли саҳродан ўтувчи анча машаққатли бошқа йўлни афзал билишган. Лекин барибир улкан қийинчиликка қарамай элчилар ва давлат амалдорлари олис йўлга отланишган. Савдодан тушадиган даромад бой савдогарларни йўлга қорларди. Ҳитой билан савдодан тушган даромад миқдорини қамалаб кўришга имкон берадиган аниқ маълумотлар бор. Бобур Қобул

бозори тўғрисида ёзар экан, кўплаб савдогарлар ўнча ўттиз ва ўнча кирк фойдага ҳам рози бўлмаганлигини таъкидлаб ўтади.

Савдогарлар Ҳитойга ё Дунга борсалар ушмунча ўк савдо килгайлар.

Самарқандда четдан келтирувчи моллар муҳим ўрин тутган. Клавихо Самарқанд ва унинг тўғрисида ёзар экан, бу ернинг бойлиги озик-овкат мўллигидангина эмас, балки бу ерда тайёрланувчи атлас, шойи, кимҳобдан ҳам деб кўрсатиб ўтди. Самарқандга турли мамлакатларнинг моллари, шу жумладан Ўрусия ва Татариянинг йўли билан зиғир толасидан тўкилган газламаси олиб келинади. Ўрта Осиё Волга бўйидаги Булғор деган ном олган давлатдан ҳилма-ҳил поябзаллар, кимматбаҳо эгар, камон, мукова ва бошқа нарсалар олиб келинган. Булғор териси кейинрок Москвадан жўнатилган ўша кезлари Козонда Волгадаги татарлар мамлакатада ишлаб чиқаришарди. Ўрта Осиё шаҳарлари Ҳиндистон, Ғарбий Осиё, Шарқий Оврупа ва Узок Шарқ мамлакатлари билан кўплаб савдототиқ Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. 1990. 50 б.

8 Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. 1990. 50 б..

ишлари олиб боришган узок-якин ўлкаларнинг элчилари келишарди. Ибн Арабшоҳ китобида уларнинг Самарқанддаги турли -туман совға билан келишларини ёзиб ўтади. Мисол учун Миср ва Шомдан Моликан-Носир фарошнинг элчилари мирофлар билан туя кумларни келтиришди, деб ёзарди у. Улар тўғрисида Клавихо ҳам гапиради. Аммо Молик Ан Носир фарангни Бобил султони деб айтмайди. Ибн Арабшоҳ маълумот беришича, 1404 йилда Ҳитой, Ҳиндистон, Эрон, Дашти Кипчок, Синд, Фаранг ва узок-якин мамлакатлардан келган элчилар иштирок этган. Испан киролининг элчиси йўлнинг бир қисмини улар билан бирга келган. Бобил султони элчиларни бир неча бор тилга олади. Учрашувлар ва ходисалар тавсифидан маълум бўладики Самарқандга Испаниядан, Флоренсиядан кизил матодан тикилган кийим юпка газлама парчаси, кирмизи мато кумуш коса мовут ва жундан тикилган кийим олиб келинган.

Кимматбаҳо мўйналар ҳам келтирилган. Замондошлар маълум қилишича-аввал Ҳитойга тобе ерлардан Темурга совға тарикасида сувсар ва ок тулки мўйналари олиб келинган. Шойи матодан айникса Ҳитойдан келтирилувчи атлас алоҳида кадрланган. Ҳинд дарёларидан майда зираворларнинг «енг яхши», шунингдек ўзига хос навли газламалар, металл буюмларнинг айрим турлари олиб келинган. «Ҳиндистон, канд ва шакар замондошларнинг айрим маълумотлар «фаранги» номида Оврупа моллари ҳам кўрсатиб ўтилади. Шарқу Ғарбдан келтирилувчи ов лочинлари бағоят кадрланган. Чунончи аввал Ҳитой императорининг қўл остида бўлган шарқий элчилари Амир Темурга совғалар каторида ов лочинлари ҳам олиб келишган. Айнан шу ҳил совғани Кастилия кироли ҳам юборган. Амир Темур, Улуғбек, Шохруҳ саройига юборилувчи буюмлар турини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики Оврупалик ва Шарқлик савдогарлар Самарқанд ва Бухорода қандай молларнинг бозори чаккон эканлигини яхши билишган. Кастилиядан юборилган матонинг бир қисмини Амир Темурнинг хотинларига тақсимлаб берган. Темурнинг элчиси Самарқандга бораётиб маҳаллий ҳукмдорлардан тилга «Флоренсиянинг кизил матосидан тикилган либосни» совға қилишга мажбур бўлган. Испан киролининг элчилари Термизда эканлигида Темур уларнинг ҳолларини билиш учун юборган чопарга Флоренсияда тикилган кўйлақни совға қилишган. Темур испан киролининг

ҳузурига йўллаган элчи Самарқандга испан либосида кайтганида саройда қабул маросимига тўпланган амирлар унинг кийимидан кулишган экан. Самарқанд Ҳоразм билан фаол савдо олиб борган. Мовароуннахрнинг турли жойларида Узок Шарқда ва Ҳоразмнинг ўзида ишлаб чиқарилган моллар ва ҳунармандчилик буюмлари ортилган карвонлар бошқа мамлакатларга Ҳоразм орқали ўтарди.

Темур Самарқандни ташқи ва ички савдонинг ягона маркази сифатида кўришни истарди, бунинг оқибатида бир неча марта юриш уюштириб, Ҳоразм сарҳадига ўтди. Ҳоразм эгалланди ва Урганч шаҳри вайрон этилди. Бу мамлакатда, деб ёзади Антони Женкинсон қишилар кўплаб туялардан иборат карвонда саёҳат қилишади ҳолос.

Руи Гонсалес де Клавихо эса аниқлик киритиб, «уларнинг карвони ўзимизнинг юк ҳайвонларидан иборат обозни эслатади деб карвонлардаги савдогарлар сони ҳақида Бобўрнинг маълумоти хабар беради. Андижон яқинида ҳалок бўлган карвонда мингта одам бор эди. Элчилар одатда ўз ҳукмдорларининг номасидан ташқари унинг совға-саломини ҳам олиб қилишган.

Манбаларнинг муаллифлари темурийларга-Шохруҳ ва Улуғбекга аталган совғаларни санаб ўтиши Ўрта Осиёлик ҳукмдорларга юборилган буюмлар рўйхатини муайян даражада аниқлаш имконини беради. Афсуски бу маълумот одатда аҳолининг фақат юқори табақалари эҳтиёжини қондирувчи молларга тегишли, ҳолос. Ипак йўли орқали оддий аҳолига мўлжалланган моллар ҳақида ҳунармандчилик буюмлари тайёрлаш учун ҳом ашё келтирилганлиги ҳақида маълумот бор. Бирок шуни ҳам таъкидлаш керакки, қанчалик кам бўлмасин бу маълумотлар Ўрта Осиё аҳолисининг кенг қатламлари билан олисда яшовчи аҳоли ўртасида ҳўжалик алоқалари тўғрисида фикр юритишга имкон беради.

ҲУ асрда Самарқанднинг ички ва ташқи савдосида ҳилма-ҳил газламалар асосий ўринлардан бирини эгалларди. Айни пайтда ўта қимматбаҳо газламалар Ўрта Осиё шаҳарларига олис мамлакатлардан олиб келинган.

Буюк Ипак йўли бўйлаб Ҳитойдан асосан ипак ташилган, кейинроқ оврўпаликлар Ҳитойдан Ўрта денгизга қадар чўзилган йўлни «Ипак йўли» деб аташгани бежиз эмас. Маълумки, ҲУ11-Ҳ1Ҳ асрларда Ҳитойдан бошқа мамлакатларга, жумладан Ўрта Осиёга ипак матонинг айрим турлари ва улардан тикилган кийимлар олиб қилишган. Ҳитой императори Темурий ҳукмдорларга юборган совғалар ораларида қимматбаҳо ипак мато, қимҳоб, бир неча бор тилга олинади.

Ипак йўли бўйлаб Мовароуннахр марказларига Ҳитой қоғози олиб келинган. Масалан, у Ҳитой подшоҳи Далт Мингхон томонидан совға сифатида юборилган. Ҳитой императори Шохруҳга йўллаган совға саломлар рўйхатида муаррих Фосих Аҳмад ал-Ҳавофий Ҳитой қоғозини ҳам айтиб ўтади.

Қоғоз азал-азалдан Самарқанднинг диққатига сазовор нарсалардан бири ҳисобланади. Шуниси қизиқки, у машҳур Ҳитой қоғозига ўхшаб кетаркан. Самарқанд қоғози, деб ёзади ўрта асрлар муаррихи Ас-Саолабий «Жуда чиройли нозик юпка ва жуда қулай». ҲУ асрда у Ҳитой қоғозидан нимаси биландир фаркланади. Бу Ҳитойдан юборилган моллар рўйхатидан ҳам, шунингдек, ҳаттот Султон Али Маҳшадийнинг маълумотларидан ҳам кўриниб турибди.

Ихтиёримиздаги маълумотларни таҳлил этиш ХУ асрда Самарқанднинг диккатига сазовор коғози кадрланган деб асослашга асос берди. Айвон деворининг куйи қисми бошдан оёғига қадар Ҳитойдан келтирилган чинни кошин ҳонланган. Шу сабабли ҳам айвон «Чинниҳона» номи билан машҳур бўлган.

Самарқанд музейида Ҳитой чиннисининг айрим парчалари сақланади. Улардан баъзилари Улуғбек мадрасаси атрофидаги казилмаларидан, бошқалари эса боғча ҳудудидан топилган бўлиб машҳур «Чинни» айвонига тегишли экани эҳтимол.

Фориҳ Аҳмад ал -Ҳавофий 1417 йили Ҳитойдан келган элчилар тўғрисида хабар бериб шундай ёзади: «Иккинчи марта Ҳитой подшоси Дантнинг ҳондан элчилар келишди. Уларга 300 суворий ҳамроҳ эди.

Елчилар Ҳитой подшосига юборган совғалар, атлас, кимҳоб, чинни, Ҳитой коғози лочинлар ва ҳакозоларни келтиришди.

Ёзма манбаларда ва тадқиқотчилик адабиётларидаги мавжуд маълумотлар ҳисобга олинган ҳолда товар муомаласининг таркиби четдан қанча мол келтирилганлиги ва четга қанча мол чиқарилганлиги тўлиқ аниқланган эмас. Бу ихтиёримиздаги асосий ёзма манбаларнинг ўзига хос жиҳатлари билан изоҳланади.

Ички савдони кенгайтириш мақсадида Темур катта фаолият кўрсатди. Унинг ҳукмронлиги даврида Самарқандда савдо расталари, бозорлар ва йўлларни ободонлаштириш тадбирлари қўрилди. Карвон йўлларида янги карвонсаройлар қурилди, Шарқдаги ва Ғарбдаги мамлакатлар билан тижорат-иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилинди. Муаррихлар ва сайёҳлар Х1У аср охири -ХУ асрда Самарқанду Бухорода бозор, чорсу ва бошқа ҳил бошқа савдо-хунармандчилик масканлари бўлганлигидан хабар беришади. ХУ1 аср бошида эса З.М.Бобур хотираларда Амир Темур замонасида вужудга келган тартибларни қайд этиб шундай дейди: «Самарқанд шаҳри ажиб ораста шаҳридур, бу шаҳарни бир хусусияти борки, ўзга ҳам шаҳарда андоғ бўлғай. Ҳар дирфагарнинг бир бошқа бозори бор, бир-бирига маҳкум эмастур, табр расмидур».

Савдо бинолари қурилишига катта аҳамият берган. Амир Темур фармонига биноан авваламбор шаҳарнинг савдо имкониятларини кенгайтириш ҳисобидан Самарқанд анча таъмир этилган. Бутун шаҳар бўйлаб кенг кўча ўтказилди ва икки томонига дўконлар жойлаштирилди. Кўча бошдан оёқ ҳар ерларда ёруғлик тушиши учун дарғалар ва гумбазлар бўлган тамбалар билан ёпилган.

Шубҳасизки, Темурга қадар ҳам Самарқанд бозорлари ва савдо майдонларининг кўплиги билан ажралиб турган. Уларда «хўпнон далиллари ва ошпазликлари бордур». Бундай савдо марказлари кўплиги ҳақида хабарлар эса ХУ аср Улуғбек даврига ҳам бирдек тегишли. Ихтисослаштирилган шу ҳил бозорлар Бухорода ҳам бўлганини Темурийлар давридаги Ўрта Осиё шаҳарларининг ўзига хос жиҳатларидан бирини кўрсатувчи бевосита гувоҳлик деб билиш мумкин, зотан Темур ва Темурийлар даврида шаҳар ичида кенг қўламда қайта қуриш ишлари олиб борилганига қарамай Бухоро ҳам ихтисослаштирилган бозорларга эга эди. Бу бозорларнинг сақланиб қолиши тафсифи ХУ1 аср ўрталарига мансуб, аммо улар

Ҳ1У аср охири- ҲУ асрнинг биринчи ярмида ҳам шундай эди. Бухорода 1558 йил охирида бўлган инглиз савдогарлари вакили Антоний Женкинсон кундалиги «бу ерда ҳар бир касб -хунар ўзининг алоҳида ўрни ва бозорларига эга» деб ёзган эди.

Савдо майдонлари ва бозорлар Мовароуннахрнинг бошқа шаҳарларида, мисол учун Фарғона водийсида жойлашган ҳамда Олд Осиё ва Оврупани Ҳитой ва узок шарқ билан боғловчи савдо йўллари чорраҳасида ниҳоятда қулай жуғрофий ўринни эгаллаган Андижонда ҳам бор эди. Термиз ҳам йирик ва гавжум шаҳар бўлгани ҳақида ҲУ асрга оид қуйидаги маълумот ҳабар беради: Термизнинг мустақиллик кўчалари ва майдонларида кўп ҳил мол сотилган «шаҳар теварагида эса талай каналлар билан суғориловчи боғлар жойлашган». Тошкентнинг махсус расталари эса асосий бозори ўрта асрлардаёқ тахминан ҳозирги Чорсу бозори ўрнида бўлган.

Бозор савдо маркази ва айна пайтда ҳунармандчилик ва ишлаб чиқариш жонланган жой эди. Самарқанд , Бухоро ва Ўрта Осиёнинг бошқа йирик савдо иқтисодий марказларидаги бозорларда сотилувчи молларнинг тури аҳён-аҳёнда учрайдиган манбалар асосида аниқланди. Самарқанд бозорларида савдога қўйилган ҳилма-ҳилдаги товарларнинг асосий қисмини маҳаллий ҳунармандлар тайёрлашган. Бу ердаги дўконлардан ип-газлама, шойи, айрим ҳолларда жун газлама , тайёр кийимлар, ҳилма-ҳил поябзал, тери ва кўнчилик буюмлари, металл ва кулолчилик буюмлари, ҳар турли озик-овкат маҳсулотлари савдога қўйилган. Самарқанд бозорларида қўлёзма китоблар ва ёзув қоғозларни сотиб олиш мумкин эди. Шу ерда тегишли ҳақ эвазига мактуб ёки ариза ёзиб берувчи мирза ҳам ўтирган. Бозорлар, шунингдек Темур фармони билан қурилган ва Самарқанддан боғларга олиб борилган йўллар ёкасида ҳам жойлашган. Бу боғдан шаҳарга қадар қўзилган далада боғ -роғлар, уйлар, ҳилма-ҳил боғларда сотилувчи бозорлар бор эди» деб ҳабар қилинди. Шундай йўллардан бири ҳақида савдо растасининг номи одатда унда сотилувчи бозорлар бор эди, дея ҳабар қилинди. Савдо жойларининг кўплаб ҳил номлари уларнинг вазифасини акс эттиради. Улар бирининг навбатда маҳаллий аҳоли-Самарқандликларнинг эҳтиёжини қондириш учун мўлжалланган. Атроф қишлоқларнинг аҳолиси, шунингдек, яқин теварақдаги жойларда яшовчи кўчманчилар ҳам шу ерга келишарди. Қишлоқ ҳунармандлари айниқса мутахассисларнинг буюмлари махсус ажратилган жойларда сотилган.

Манбаларданақдтилла , йиғирилган ип, кигиз, анор, кўкат, пиёз каби маҳсулотларнинг ҳар бири бугун алоҳида бозор, майдон расталар бўлгани айтиб ўтилади. Бу эса Самарқанд , Бухоро каби шаҳарларнинг, қишлоқ жойларнинг ҳунармандчилик буюмлари билан ҳам ашё олди-бердиси билан яқин., савдо алоқаларига эга бўлганидан далолат беради. Чорва моллари учун ҳам алоҳида жойлар ажратилган. Масалан: от бозори, кўй бозори кабилар эслаб ўтилади. Бозорлар айна вақтда шеърят, адабиёт, илм-фан нотиклари бўйича адабиётлар ўтадиган, ўзига хос билим алмашинув кечадиган жойлар ҳам эди. Шу ерда ҳукмронларнинг формалари эълон қилинар, айбдорлар жазоланарди. Чунончи гейгарлар рисоласига кўра касб низоми кўрсатмаларини бузган шогирд бола бозор қуни елкасига ҳипчин билан саваланган ҳолда бозор ичидан олиб ўтилган.

Темур ҳам бозордан ҳудди шу мақсадда, унинг фармонига мувофиқ, савдо ва томошалар учун ажратилган жойлардан бирида невараларидан бири учун ўтказилаётган оилавий тантана чоғида Самарқанднинг таникли амалдорларидан

ва дўкондорлари бошқаларга ибрат тариқасида жазоланган. Бу ерда кўплаб одамлар амалдорлар, оддий халқ тўпланган, Испан ва Бобилистон кироиларининг элчилари ҳам шу жойга таклиф килинган.

Темур катор дорлар қуришни буюрди., «чунки айтмоқчи, шу байрамда кимларга яхшилик қилиб мурувват кўрсатишимни истади». Биринчи навбатда у ўзи Самарқандда йўқлигида етти йиллик юришда экани даврида Бибихоним Жомеъ масжидининг қурилиш лавозимини ва хизмат мавқеини суъистемол қилган Ҳожа Маҳмуд Довуд билан Муҳаммад Шалдни дорга остирди. Ҳукмдорнинг амрига биноан, ўлимга ҳукм этганлардан бирининг ҳаётини сотиб олишга уринган кимса ҳам дорга осилган. Ундан аввал ўша пул ундирилган. Булардан ташқари Темур отларини ишониб кетган ва йўл даврида отларни қамайтирган яна бир таниқли амалдор ҳам қатл этилди. Темур, шунингдек молларни юқори нарҳда сотган айрим дўкондор ва хунарамандларни ҳам жазолашни буюради. Бозор томошоғох, кўнгилоҷар жой ҳам эди. Найрангбоз дорбоз полвон, кўғирчоқбозларнинг биринчилиги ҳам кўпинча шу ерда ўтган.

Савдо Самарқандни Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарлари, қўшни қишлоқлар ва дашт аҳолиси билан иқтисодий алоқалар ўрнатишга ёрдам беради.

Ўзаро урушларга барҳам берилган ва марказий ҳокимият қучайган йиллар алоҳида туманлар ўртасида иқтисодий алоқалар ўрнатишга ёрдам берар эди.

Самарқанд бозорларига Мовароуннаҳрнинг шаҳар-қишлоқларидан келтирилган белгиланган жавоб берувчи товарларнинг бир қисми, ҳам ашё ва ярим ҳам ашёнинг айрим турлари ҳорижий савдогарларга сотиш учун мўлжалланган. Зотан Самарқандга кўплаб ҳорижий савдогарлар келиб туради. Улар ҳилма-ҳил тилда сўзлашувчи, сершовкин ва ғаройиб либослардаги қишилар эди. Айримлари гумашталари билан келар, бошқалари туркий ва тожик тилларини биларди. Улар орасида Овруполик меҳмонларни учратиш ҳам мумкин эди. Савдогарлар ҳорижий молларни маҳаллий олиб сотарлар учун олиб келишар, карвонсаройларда улар кўтарасига сотиб юборилар эди.

Шу билан самарқандлик йирик савдогарларнинг бундан кейинги фаолияти ёқда, уни муҳофаза қилувчи ёрлик олиш учун шу ҳукмдорнинг раёйига боғлиқ эди.

«Мантубод ва асноу» мажмуасидаги бу фармоннинг мазмунига қараганда, бошқа жойлардан келтирилган молларни махсус кўрикловчи қиши бўлган. Фармонга биноан қасрдан келтирилганлигидан қатъий назар бунга савдогарлар ўзлари билан олиб келган қимматбаҳо матоларнинг бирини ҳукмдор тайинлаган лавозимини шаҳсга кўрсатишга мажбур эди. Ундан ҳеч нимани яшириб қолмаслик тайин этилган моллар шу амалдорларнинг кўригидан ўтмагунга қадар савдогарларга сотишга ва бошқа сотиб олишга руҳсат берилмаган.

Шунингдек молларни ҳукмдорларнинг ўз нарҳида мажбуран соттириш усули ҳам қўлланилган. Савдогарлар эса кўпинча ўзларини ўйлаб молларни сотишга мажбур бўлган.

Айрим ҳолларда ҳорижий савдогарларни бож ва йўл солиғидан озод қилиши мумкин бўлмаган. Чунончи, Илёс Чалабий отлик бир қимса бир катор иштиёқлар берувчи тарҳон ёрлиғини олишга мувофиқ бўлган. Шу ёрликда ёзилишича, унинг тинчи, шунингдек улов воситаларини давлат фойдасига бериб туришдан озод қилинган. Тарҳон ёрлиғида берилган йили кўрсатилмаган. Бироқ, Амир Темур

даврида ҳам бу ҳил имтиёзлар қўлланилган кўринади. Замондошларнинг ҳабар беришича, ёқда ким учраса зарурат туғилганда давлат иши билан юрган чопарга отини дархол бериши лозим бўлган. Солиқ тўлашда айрим савдогарлардан имтиёзлар берилиши доимий бўлмай, олий ҳукмдорнинг раъйига боғлиқ эди. . Колаверса, каттик қўлли марказий ҳокимият йўқ холларда маҳаллий ҳоким томонидан бекор килиниши мумкин бўлган.

Йўллар тармоғи Ўрта Осиё шаҳарларини Ҳиндистон, Эрон, ҳозирги Афғонистон, Ҳитой, Кавказорти, Туркия, Волга бўйи марказлари билан боғлаган. Иқтисодда савдо қандай катта аҳамият эканлигини Темур яхши тушунар эди.

Кўплаб юришларда Самарқанднинг савдо майдонларидаги ракибларини йўқотишга қаратилган. Шунингдек бирон шаҳарни эгаллаганда Темур уни савдо мақсадларида фойдаланиш имконияти халқаро савдодаги уларни шу жойдан олиш мумкин бўлган савдо бошининг микдори нуктаи назарида баҳолаган.

Амир Темур шундай марказлашган биринчи Чигатой бекларидан бирига бергани тўғрисида Клавихо шундай ёзади:»Бундай килишига сабаб қалъа яхши мустаҳкамланган ва катта даромад келтирган шу ерда жойлашган, яқин атрофни кўриклаб турар, қилма қил моллар Сурияга, Туркияга, бошқа томонларга шу ердан ўтарди». Темур даврида қисман Улуғбек, Шохруҳ, Султон Ҳусайн даврларда Самарқанднинг Яқин , Ўрта ва Узок Шарқнинг йирик шаҳарларида, шунингдек Оврупонинг айрим шаҳарлари билан савдо-

дипломатик алоқалари анча кенгайди.

Фойданилган адабиётлар:

Каримов И.А. Амир Темур фаҳримиз, ғуруримиз. «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференциядаги маъруза. 1996 йил 24 октабр.

Аҳмедов Б. Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. Т. 1996.

Амир Темур жаҳон тарихида. Т. 1996.

Темур ва Улуғбек даври тарихи. Т. 1996.

Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» Т. 1997.

Темур тузуклари. Т. 1991.

Ҳерман Вамбери. Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи. Т. 1999.

Ҳуршид Даврон. Самарқанд ҳаёли. Т. 1991.

Таянч тушунчалар:

Амир Темур даврида шаҳарлар тараққиёти. Ҳунармандчилик. Буюк ипак йули. Ички ва ташқи савдо.

5-мавзу: АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.

Режа:

Амир Темур даврида ерларнинг тақсимланиши.

(Давлат ерлари, вақф ерлари, хусусий ерлар).

Қишлоқ хўжалиги экинлари.

Чорвачилик.

Қишлоқ хўжалигида солиқ ва мажбуриятлар.

Амир Темур ҳокимият тепасига келиши билан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Деҳқонларнинг ерларини топташ ва экинлар яқсон бўлишидан сақлаш учун катъий чоралар кўрилди. Маълумотларга кўра, Темур фармойишига мувофиқ экинзорлар яқинига ўтов ўрнатиш кўшин раҳбарларига тақибланган. Бироқ айрим ҳоллар бундан мустасно.

Академик В.В.Бартолд Амир Темурнинг зиддиятли фаолиятига шундай баҳо беради:»Темур айна бир пайтда бешафқат вайронакор ва жонбоз қурувчи эди: унинг томонидан ажойиб боғ-роғлар билан муҳташам бинолар қурилди, шаҳар ва қишлоқлар тикланди, суғориш тизимлари барпо этилди ва тузатилди: расмий тарихни ифода этишига, умуман экин етиштириш мумкин бўлган ер бекор ётмаган».

Темур Ўрта Осиё шароитида деҳқончиликни тиклаш ва ривожлантириш сунъий суғориш билан боғлиқ эканлигини яхши тушунган.

Ҳудди шу тарзда, Темур фаолиятига кўра ерларни суғоришга боғлиқ ишлар амалга оширилди ва Ангор тумани ташкил этилди. Унинг кўрсатмаси билан Мурғоб водийсида муҳим ишлар бажарилди. Эски ангор каналининг тоғ майдонини ўйиб, канал қазилди.

Бундан ташқари Темур Афғонистонда Бодом каналини, Самарқанд ва Шаҳрисабзни оқар сув билан таъминлаш учун мураккаб ирригасия ишларини бажарди, ўша даврда деярли ҳар бир ҳовлида ариқ ўтгани фикримиз исботидир.

Темур даврида ерга эгалик қилиш шакли бир неча тоифага бўлинган: давлат, мулк ва вақф ерлари. Ўз навбатида жамоа ерлари ҳам сақланиб қолган.

Феодал ер эгалигининг асосий тоифаларидан бирини давлат ерлари ташкил этган. Унинг даромадлари асосан саройни ва кўшинни таъминлашга кетган. Бу ерлар ҳукмрон сулола аъзолари ва амалдорнинг соҳибқурун олдидagi хизматлари, асосан ҳарбий хизматлари -ҳарбий юришларда қатнашиш, исёнкор феодалларни тобе этиш, чегарани кўриклаш учун мукофотлашнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилди.

Темур ва Темурийлар даврида давлат ерларини инъом қилиш-суюрғол бериш кенг тус олди. Суюрғол, том маънода ҳайр-еҳсон, ерни ҳадя этиш, имтиёзни аниқлаш ва ҳарбий хизматни ўташ билан шартланган ерни инъом қилиш турларидан бири ҳисобланади. Суюрғол эгаси солиқ дахлсизлигидан фойдаланиб, суюрғолга қарашли ерларда ўз фойдасига ўлпон олган. Суюрғол эгасининг икдордан фарқи шундаки, у маъмурий-суд дахлсизлигига ҳам эга эди.

Айрим суюрғол эгалари бир вақтнинг ўзида тарҳон ёрликларига ҳам эга эди. Мазкур ҳолларда ушбу шахслар қўшимча имтиёзлар олган ёки шундай ёрликлар ер эгасини давлат солиқларини тўлашдан озод қилган. Уларнинг нотўғри ҳатти-ҳаракати тўққиз мартагача кечирилган, у шох олдига бемалол қириб- чиқишга имкон берган.

Иккинчи ер тури-бу вақфдир. Вақф ерлар диний, ҳайрия, ўқув ва бошқа

масалалар фойдасига ташкил этилган. Назарий жиҳатдан вақф ерлар даҳлсиз саналса ҳам амалда бу коидага ҳар доим ҳам риоя этилмаган. Вақф ерлардан солиқ олиб одатда ижарага берилган ижарадор мутавалли билан тузилган шартномага кўра, мазкур ердан маълум вақт мобайнида солиқ ҳукукига эга бўлган.

Ерга эгалик килишнинг яна бир шакли-хусусий ерлардир. Албатта, катта-кичиклигидан катъий назар, йирик мулкдорларнинг катта ер майдонлари ҳам, зироаткорларнинг майда пайкаллари ҳам хусусий ер мулклари ҳисобланган. Мулк ерларининг катта қисми маъмурий, ҳарбий ва диний арбобларга уларнинг давлат олдидаги алоҳида хизматлари учун берилган ва улар жуда катта ҳажмдаги ер мулкларига эгалик қилганлар.

Тўртинчи гуруҳ ерлар-жамоа ерлари ҳисобланиб, унча катта бўлмаган улушни ташкил этган ва бу ерлар қишлоқ аҳолисининг умумий тасарруфида бўлган.

Темур даврида кўплаб қишлоқ ҳўжалиги экинлари етиштирилган. Асосан буғдой экилган.

Географик ҳолати ва йил фаслларига қараб унинг турли навлари экилган, гандуми оби (суғорма буғдой), гандуми сафидча (ок буғдой), гандуми сурҳаки (кизил буғдой), гандуми сурҳаки баҳори (баҳорги кизил буғдой), тўл тиши.

Тоғли жойларда буғдойнинг совуқка чидамли навлари етиштирилган.

Мовароуннахрнинг асосий деҳқончилик раёни доимо Зарафшон водийси бўлиб келган. Ундан кейин Кашкадарё водийси турган. Бу ерда ҳосил бошқа вилоятларга қараганда тез пишган ва одатда шимолрокдаги шаҳарларга етказилган. Ҳўжанд атрофларида ҳам донли экинлар етиштирилган, бироқ аҳоли эҳтиёжини тўлиқ таъминламагани учун ҳам, уни мўл ҳосил олинган Фарғонадан келтирган. Манбаларда Шош (Тошкент)га туташ ерлар ишлов берилганлиги билан ажралиб тургани, Чағаниён вилоятида нон арзон бўлгани, Қаршидан ҳам яхши ҳосил олиниши ҳақида хабар берилади. «(Бу ерда) буғдой ва ковунлар мўл-қўл»деб ёзади муаллифлардан бири. Сурҳондарёда Термиз донли экинлар етиштирадиган асосий жойлардан бири бўлган. Бу жойда Амударё орқали Ҳоразмга буғдой юборилган.

Ҳоразмда энг кўп ҳосил Вазир деган жойдан жануб томондаги пасттекисликда етиштирилган. Бу ерда, Фарғонанинг айрим раёнлари сингари, жўҳори етиштирилган, у кейинчалик Кўкон жўҳориси номини олган. Ерларнинг бир қисмига беда экилган.

Шунингдек, арпа ва тарик ҳам экилган. Уч турдаги дон-буғдой, арпа ва тарикнинг муаллим, толиб, вақф ҳодимларига берилиши кўпгина вақф ҳужжатларида қайд этилди. Доннинг уч навидан катта самарқандча ўлчов бўйича 24 ман ҳажмида, масалан, мужавир-Ишратҳона макбарасининг доимий назоратчиси олгани 1464 йил вақф ёрлиғида қайд этилган.

Камбағаллар арпа ва тарикдан соф ҳолда ва турли аралашмалар билан нон ёпишган. Ярим кўчманчи аҳоли тарикни катик билан истеъмол қилган. Мош ва нўхат барча жойларда экилган.

Ўрта Осиёда энг кенг тарқалган экинлардан бири гуруч бўлиб, Амир Темур замондошларидан бирининг қайд этишича, Самарқанд томонларда «бенихоя кўп» эди.

Темур ва Темурийлар даврида Мовароуннахрда техник экинлардан пахта муҳим ўрин тутган. Тарихчиларнинг қайд этишича, у Самарқанд яқинидаги ерлар,

Балх атрофи, Шаҳрисабз якинидаги суғорма ерлар ва бошқа жойларда етиштирилган.

Мовароуннаҳр қишлоқлари ва кўпгина шаҳарларидан пахтадан ип-газлама тайёрланиши, шунингдек кўпчилик ҳунармандларнинг пахтадан муайян газлама тури тайёрлашга ихтисослашгани бу экинни ҳамма жойда етиштириш кенгайганидан гувоҳлик беради. Қишлоқликлар ўз эҳтиёжидан орттириб, бу матоларнинг бир қисmini кенг истеъмолчилар-шаҳарликлар ва саҳро аҳолиси орасида сотиш мақсадида ҳам ишлаб чиқарган. Шунингдек, пахта етиштиришнинг тарқалганлигини шу нарса ҳам тасдиқлайдики, йирик шаҳарларда яқин атрофлардан келтириладиган пахтани саклаш ва сотиш учун махсус бинолар қурилган.

Темур Мовароуннаҳрда баъзи янги тур ўсимликларнинг тарқалишига кўмак беради. Афтидан илк бор айнан Темур ҳукмронлиги чоғида зиғир экиш пайдо бўлди. Клавиҳо хабар беришича, Темур юриши натижасида Мовароуннаҳрда наشا ва зиғир экила бошлаган. Мазкур экинлар «илгари бу ерда сира экилмаган», деб ёзади Руи Гонсалес де Клавиҳо.

Тут дарахти, асосан ипак куртларини кўпайтириш ва боқиш учун экилган. Бу дарахт меваси, қишда қурилган ҳолда ҳам истеъмол қилинган. Тут кўчати одатда суғориш каналлари, ариқлар бўйига экилган. Пилла ҳам ашёси асосан шаҳарга келтирилиб, ундан турли матолар тўқилган, Самарқанд ва Бухорода пилла сотиладиган дўконлар бўлган.

Бўёк олинадиган ўсимликлар, жумладан, кизил ва сарик ранглар олишда фойдаланилган рўян ўсимлиги етиштирилган. Ҳина нафақат тирнок бўяш учун косметикада, балки саноат аҳамиятига эга бўлган сиёҳ тайёрлаш, қоғозга тегишли ранг беришда ишлатилган. Ҳина доривор восита сифатида ҳам қўлланилган.

Самарқанд баҳмали ва бошқа матолар, ёзма қоғозларни бўяшда ишлатиладиган қимматбаҳо қирмиз бўёғи, эҳтимол, Ўрта Осиёда ҳам тайёрланган. У кошеник ҳашароти танасидан олинган, ўзи ҳам шу номдаги кактусда озикланиб, узок иссиқ мамлакатлардан келтирилган. Энг кейинги давр манбаларига кўра, Бухорода «қирмиз номли қимматбаҳо бўёк чўлдаги унча катта бўлмаган дарахт куртларидан олинади».

Шаҳар бозорларида сотиладиган ҳушбўй ва доривор воситаларнинг айрим турлари Мовароуннаҳр ерларидан, бошқалари ташқаридан келтирилган.

Боғ ва узумзорлар катта ерларни эгаллаган. Олма, нок, анор, шафтоли ва бошқа меваларнинг ҳилма-ҳил турлари ҳақида кўплаб асарларнинг муаллифлари ёзади. Бу боғлар Самарқанд, Тошкент, Шаҳрисабз, Термиз ва бошқа шаҳарларни қалин девор қаби ўраган эди. Зайниддин Восифий Тошкент боғларида барк уриб ўсган гул ва дарахтлар латофатини қуйлаган.

Ҳовузли ва соя-салқин дарахтли, жилдираган жилғали ажойиб боғлар аҳолининг юқори табақа қисмига хизмат қилган. Бунда махсус режа бўйича экилган мевали ва манзарали дарахтлар ва қўлаб гуллар ўсган.

Асарлар муаллифлари қайд этган ситрус экинлар эътиборни тортади. Амир Темур буйруғи билан ташкил этилган боғда лимон ўстирилган, аниқ материалларнинг кўрсатишича у бошқа замонларда ҳам етиштирилган. М: деярли бир ярим асрдан сўнг Баҳриддин Қашмирийнинг маълумотича, Бухоронинг Жўйбор деган жойида лимон, ҳурма ва шамшод дарахти ўсган.

Мовароуннахрда узумнинг турли навлари етиштирилган. Самарқандга якинлашаркан, Кастилия элчиси Клавихо Темур давлати ўраб олган боғ-роғ ва узумзорларни кўриб ҳайратда ёқа ушлаган:»Бу боғу роғлар ва узумзорлар шунчалик кўпки, шаҳарга якинлашганинг сари балан дарахтли ўрмонни ва унинг ўртасида шаҳарни кўрасан», деб ёзади у.

Соҳибкорлик бошқа жойларда ҳам, жумладан Тошкент, Андижон атрофларида ривожланган эди. Турли узум навлари, жумладан ўша асрда энг яхши самарқандча ва тошкентча узум навлари каторида соҳиби нави ҳам етиштирилган. Мусаллас тайёрлаш ривож топган.

Темур Самарқандни бошқа шаҳарлар орасида биринчи ўринга қўйиб , дунёдаги машҳур шаҳарлар-Боғдод, Султония ва Шероз номи билан аталувчи қишлоқлар қуришга фармойиш беради. Шунингдек бир квадрат километрга якин ҳажмдаги улкан боғлар барпо этилади. Уларда жуда ҳилма-ҳил дарахт ва гуллар етиштирилган. Улуғбек даврида машҳур бўлган Боғи майдонда ўсимликлар жуда оқилона жойлаштирилган.

Боғча номи билан аталувчи боғ барпо этилиши ҳам Улуғбек номи билан боғлик.

Темур буйруғи билан бундай боғларнинг барпо этилиши фақат давомли ҳарбий юришлардан сўнг дам олиш ва кўнгил очиш жойи истаги билангина боғлик эмас эди. Уларнинг пайдо бўлишида сиёсий сабаблар ҳам муҳим эди. Бу ерда турли давлатлардан келган элчилар қабул қилинар, улар юртига қайтгач, Темур салтанатининг гўзаллиги ва кудрати ҳақида хабарлар тарқалди.

Янги боғларнинг пайдо бўлиши турли ҳил, шу жумладан бу пайтгача экилмаган ўсимликлар турларини етиштириш, йирик ҳажмдаги боғ майдонларини режалаштириш бўйича ихтисослашиш ва кўникмаларнинг кенгайиши билан қўшиб олиб боилдики, булар мамлакатнинг иктисодий ривожига ижобий таъсир кўрсатди.

Темур ҳукми билан Самарқанд атрофида қурилган қишлоқ ва боғлар давлат пойтахтининг унга туташиб кетган жойлар билан иктисодий марказ сифатидаги аҳамиятни кучайтирди.

Қишлоқ ҳўжалигида полиз экинлари катта ўрин тутган, улар «бутун дунёга энг яхши ва энг мўл-қўл» деб ҳисобланган. «Мовароуннахрнинг ҳеч бир ерида Бухорочалик кўп ва аёло қовун етиштирилмаган» деб ёзганди кейинчалик Бобур. «Мири Темур « деб аталган ва Бухороникидан ширинроқ ҳисобланган қовун навининг етиштирилиши, эҳтимол, Темур номи билан боғликдир. «Фарғона Аҳсисида» «Мири Темур» номли, Бухорлоникидан тотли ва нафис қовун нави бор», деб ёзади Бобур. Ҳоразм қовунлари, айникса кўк тарнай нави жуда ажойиб бўлган.

Мовароуннахрда қўйчилик, асосан қорақўл ва думбали қўй наслларни етиштириш жуда ривожланган. Аҳолининг ярим қўчманчи қисми кўп сонли қўй подаларига эгалик қилган. Ўтроқ аҳоли ҳам қўй боккан. Темурийзода Бадиуззамон Мирзога Зунун Арғун бир варақайига 40 минг қўйни инъом этган. Андижон қалъасини ҳимоя этганлар ва улар якинларига Хўжа Мавлоно Кози 18 минг қўйни улашиб берган.

Қўйларнинг насл таркиби турлича бўлган. Бу насллардан бири бокиладиган майдон ҳудудининг кенгайиши, эҳтимол Темур юришлари билан боғлик бўлиб,

Ҳисори насли кўйларга якин бўлган, бу кўйлар бир пайтлар Волга , Бўлғор Олтин Ўрдада етиштирганлиги аниқланган. Булар думбали кўйлар гуруҳига киритилади.

Ҳўжалик ҳаётида йилкичиликка муҳим ўрин ажратилган. Турли наслдаги отлар, жумладан «ўзбек», «туркман», «араб» ва бошқа кўпайтирилган, йўрға отлар жуда кадрланган. «Бу ерларда отлар чидамлилиги билан машҳурдир»-деб ёзади элчи сайёх.

Темур ва Улуғбек, бошқа темурийлар кўшинида жангда олдга силжиш ва ҳаракат килиш учун отлардан кенг фойдаланилган. Кўп сонли отлик Темур кўшинининг асосий тури бўлган. Ҳужум чоғида бу кўшин катта манёвр килиш хусусияти ва кучли зарба бериш қобилиятига эга эди. Жанг майдонидан ёлғондакам чекиниб, темурнинг отлик одатда душманга яшириб қўйилган отликлари билан тўсатдан кучли зарба берган.

Шошилиш ҳаётини етказиш учун тез чопишга мосланган отлардан фойдаланилган. Ҳар бир бекатда махсус кишилар отларга қараган. Отларни асосан кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли етказиб турган, бироқ ўтроқ аҳолининг кўпчилигида анчагина отлар бўлган.

Темурга тегишли йилки айрим амирларга парвариш учун берилган. У ўз яқинларига бу ишни юклаб, айна чокда отлар омонлиги ва яхши парвариш этираётганини катъий кузатиб турган.

От гўшти ва сутидан Ўрта Осиё аҳолиси кенг фойдаланган. Бия сутидан айникса иссик ҳавода ёқимли бўлган кимиз тайёрланган. От гўшти сеvimли озиқ-овқат маҳсулотларидан бири бўлган. Унинг турли бўлак ва аъзоларидан ҳар хил таомлар тайёрланган.

Юк ташишда асосан туялардан фойдаланилган, улар ҳарбий юришларда ҳам аскотган. Темур Ҳиндистонга юришида ракибининг қудратли кўшинини енгилда жанговор филларга қарши устига ёнаётган шох-шабба боғлаган туяларни қўйиб юборган.

Чорвачилик гўшт, ёғ, сут, жун ва тери берган. У кўчманчи аҳоли ҳаётида муҳим ўрин тутган.

Жамият ҳаётида ва айникса ҳукмрон табака муҳитида овчилик муайян ўрин тутган. Темур, Улуғбек ва сулоланинг бошқа вакиллари ов билан машғул бўлишган. Бу улар учун кўнгил очар машғулот, ҳарбий юришлар оралиғида дам олиш, давлат ишларидан бўш пайтда ҳордик чиқариш бўлган. Улар ов қушлари ва итлари билан бир канча аёнлари даврасида овга чиқишган. Махсус кийикчилар подшоҳ ов қилиш учун мўлжалланган жойларда қуш ва ҳайвонларни Афариқент сув қуши овлаш учун энг яхшиси ҳисобланган.

Амир Темур ҳукмронлик даврида ҳам давлат ҳазинаси аҳолидан олинадиган солиқ ҳисобига тўлдирилган.

Суғорма деҳқончилик ерларида алоҳида олинадиган асосий солиқ «Ҳирож» Бу солиқ баъзан «мол» деб ҳам аталган. Солиқ микдори етиштирилган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб олинган. Шу сабабдан ҳирож солиғи асосан ҳосил етилиб, уни йиғиштириб олиш пайтида маҳсулот шаклида ёки пул билан тўланган ҳолос, деҳқонлар суғорма ерлардан ҳосилнинг 1)3 қисмидан тортиб ярмигача ҳирож тўлар эди. Лалмикор ерлардан эса бу кўрсаткич 1)6-1)8 қисмини ташкил этган. Мулк ерларнинг бир қисмидан «умр» солиғи ҳам ундирилган, у ҳосилнинг 1)10 қисмига тенг бўлган.

Булардан ташкари, боғ ва дарахтлардан «мол сардарахт», яйловлардан-«мол ўтлок» ва сувлок» каби солиқлар ундирилган. Чорвадорлар эса закот солиғи тўлаган. Бу солиқ микдори қирқдан бир, яъни 2,5 фоизга тенг бўлган. Бу санаб ўтилган солиқлар билан бир қаторда фукаро солиқлари ундириш ва унинг ҳисоб китоби билан банд бўлган турли лавозимлардаги маъмурий шахслар хизматлари учун ҳам ҳар ҳил микдорда тўловлар тўлашга мажбур эди.

Мажбуриятнинг яна бир тури «бегор» деб аталган. «Бегор»-текинга ишлаб бериш яъни ҳашар маъносини англатади. Аҳоли одатда шаҳарларда деворлар, кўрғон, сарой, мачит, мадраса, кўприклар қуриш ва уларни мустаҳкамлаш, арик-зовурлар, каналлар йўлларнинг қуриш ва тозалашда текинга ишлаб бериш керак эди.

Албатта Амир Темур даврида ҳам аҳолидан олинадиган солиқ меҳнаткаш халқ елкасига оғир юк бўлиб тушарди. Аммо бу даврда аҳолидан олинадиган солиқ меъёрлари раиятга оғирлик қилмаслик чоралари кўриларди. Бунини Темурнинг қуйидаги сўзлари исбот эта олади.»Солиқ йиғишда халқни оғир аҳволга солишдан ёки ўлкани кашшокликка тушириб қўйишдан эҳтиёт бўлиш зарур. Негаки, халқни ҳонавайрон қилиш давлат ҳазинасининг камбағаллашишига олиб келади, ҳазинанинг бекуватлиги, ҳарбий кучларнинг тарқокланишига, бу эса, ўз навбатида, ҳокимиятнинг кучсизланишига олиб келади.»(И.Мўминов. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли». Т.,»Фан». 1993. 36 бет).

Фойданилган адабиётлар:

Амир Темур Курагон. Зафар йўли. Т.»Нур» . 1992.

Амир Темур ўғитлари. Т.»Навруз». 1992.

Аҳмедов Б. Амир Темур. Т.»А.Кодирий» нашр. 1995.

Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Т.»Меҳнат». 1992.

Низомиддин Шомий. «Зафарнома». 1996.

Шарафуддин Али Яздий. «Зафарнома». 1997.

Иброҳим Мўминов. «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли», Т. «Фан», 1993.

Таянч тушунчалар:

Амир Темур даврида ерларнинг тақсимланиши. Давлат ерлари. Вақф ерлар. Хусусий ерлар, Суюрғал. Жамоа ерлари. Қишлоқ хўжалиги экинлари. Чорвачилик. Солиқ ва мажбуриятлар. Солиқ турлари.

6-мавзу: АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАРБИЙ САЛОҲИЯТИ.

Режа:

Амир Темур моҳир саркарда ва лашкарбоши.

Амир Темур кўшинининг тузилиши.

Амир Темурнинг юришлари ва даврий чегаралари:

Уч йиллик, беш йиллик, етти йиллик юришлар.

Ҳарб тарихи Темурбекни жаҳоннинг энг буюк саркардалардан бири сифатида, ҳакли равишда, тан олади.

Унинг ҳарбий истеъдоди асосан икки йўналишда : моҳир ҳарбий ташкилотчи ва атокли саркарда тарзида ёркин намоён бўлди. (Мўминов И.М. «Рол и место Амиро Темура в истории Средней Азии. 28-29 бет).

Буюк лашкарбоши ва новатор ҳарбий ташкилотчи сифатида Темурбек ўта интизомли армия тузишга , муҳораба чоғида кўшин қисмларини санъаткорона бошқаришга, жанг такдири ҳал бўладиган жойларга ҳарбий кучларни ўз вақтида усталик билан йўллашга, ҳар қандай тўсик ва қояларни тадбиркорлик билан босиб ўтишга, армиядаги жанговор руҳни керакли даражада ушлаб туришга муяссар бўлди.

Темур чингизхон лашкари тузилишини, уларни жанг олиб бориш амалларини ўрганиб, унга ўзгартиришлар кирита олди. У барпо этган армия, Чингизхон тузган кўшин тизимидан қуйидаги жиҳатлари билан фарк қилади.

Чингизийлар кўшини ялпи мажбурият асосида ҳарбий ҳизматга чақириладиган халқ лашкаридан иборат бўлган ҳолда , Темурбек армияси умумхалқ характериға эға эмас эди.

Чингизхон даврида кўшинни асосан кўчманчи омма ташкил қилган эди. Темурбек кўшиниға олий бош қўмондон кўрсатган аниқ талабға биноан қорвадорлар қатори қосибчилик, ҳунармандчилик, деҳқончилик билан машғул ўтроқ аҳолидан ҳам сезиларли миқдорда аскар олинган.

Темурбек кўшинида ҳарбий кучларнинг асосини ташкил қилувчи отлик аскарлар билан бир қаторда пиёдалардан тузилган қисмлар ҳам анчагина бўлган. Маълумки, Чингизхон кўшини забт этилган мамлакатлар аҳолисидан мажбурий тартибда тузилган ҳашарни ҳисобға олмаганда, пиёда аскарларға эға бўлмаган.

Темурбек Шарқда биринчилардан бўлиб ўз армиясига ўт сочар қурол, яъни тўп-раъдни олиб қирди.

Соҳибқурон тоғли ҳудудларда жанг ҳаракатлари олиб боровчи пиёдалардан тузилган махсус ҳарбий қисмларни ташкил қилди.

Темурбек жаҳон ҳарб санъати тарихида биринчи бўлиб, кўшинни жанг майдонида етти қўлга бўлиб жойлаштириш тартибини жорий этди.

Темурбек армиясида аёллардан тузилган бўлимлар бўлиб, улар жанг чоғи эрқаклар билан бир сафда турган, қаҳрамонлик ва матонат намуналарини кўрсатган.

Амир Темур армиясида мунтазам кўшинға хос бўлган қўпгина белгилар мавжуд эди: кўшин сон жиҳатидан аниқ ва пухта ташкил қилинган, унинг жанговор тартиби-яссол жангдан-жангға такомиллаштириб қорилган, армия ўз қамонасининг илғор қурол ва техникаси билан қуролланган, айнан бу турдаги қурол-яроғ, аслаҳа-анжом билан таъминланган, қисмлар бир-биридан қийим бош, тутган байроғи ёки туғи орғали ҳам фарқланган. Бундай ажралиб туриш жанг пайтида кўшинни бошқаришда жуда қўл қелган.

Тактика жиҳатидан Темурбек армияси ўзига хос хусусиятларға эға эди. Кўшиннинг ясоли-етти қисм-қўлга ажратилган, разведка аъло даражада йўлга қўйилган, қисмларнинг жанг майдонида ҳамда қуриш вақтида талаб даражасида ҳаракат қилиши учун зарур тадбир ва режалар ишлаб қилинган, уларни жанг

пайтида оператив бошқаришга алоҳида катта эътибор қаратилган. Темурбек ўнлик, юзлик, минглик ҳамда туман кўмондонларини танлаш масаласига бевосита раҳбарлик қилган.

Ҳорб санъатига қўшган хизматларидан яна бири-қўшин канотларини жанг чоғида душман ҳужумидан муҳофаза қилиш ва аксинча ғаним кучларини ён томондан айланиб ўтиб, унга ортдан зарба бериш мақсадида тузилган отлик қисм кумбулнинг жорий этилишидир. Бундай янги қисм бирорта машҳур лашкарбошиларда мавжуд бўлмаганлиги, ҳорб тарихи сўзлаб бера олади.

Амир Темур 12 мингдан ортик бирикма, 12 мингдан 40 мингга кадар кўпроқ бўлган қўшин ва душман сони 40 мингдан кўпроқ бўлган қўшин учун алоҳида-алоҳида жанг қилиш усулларини қўллаган. Одатда душман кучлари 40 мингдан ортик бўлса, унга қарши Темурнинг ўзи борган. Бундай пайтда унинг қўшинлари жангда қуйидаги тартибда бўлган: 40 та бўлинма бевосита унинг ўз ихтиёрида бўлган. Улардан энг сараланган 12 та бўлинма биринчи каторни, қолган 28 таси иккинчи ва учинчи каторни ташкил этган.

Темурнинг ўғиллари ва набиралари бошчилик қилаётган қўшинлар юқорида тилга олинган 40 та бўлинма ўнг томоннинг олд қисмида, қариндош ва иттифокчилари бошчилик қилаётган қўшинлар эса унинг чап томоннинг олд қисмида жойлашган. Бу барча қисмлар заҳира ҳисобланиб, Соҳибқурон буйруғига асосан зарур бўлган нуқталарга ташланган.

Олтита бўлинма ўнг канотнинг асосини ёки унинг иккинчи сафини ва битта бўлинма авон ғорини ташкил этган. Яна шунча бўлинма шу асосда чап канотда жойлашган. Иккинчи сафнинг икки каноти олдида худди шу тартибда биринчи катор (чоповул ва шиковул) ўрин олган. Биринчи катор олдидаги илғорда шунча бўлинмага эга бўлган малакали бошликлар ва жасур жангчилардан тузилган катта авонғор жойлашган. Бу авонғорнинг олдида ҳам авонғори бўлган, унинг икки олд томонида енгил қуролланган икки бўлинма жангчилари айғокчилик учун юборилган. Улар қўшинни кўккисидан бўладиган ҳужумдан саклар ва душман ҳаракатини кузатиб борар эди. Асосан жангни улар бошлаб берган, сўнг катта авонғор, заруратга қараб 1,2,3, каторлар жангга киритилган. Сўнгра заҳира жангга киритилган, унинг вазифаси бир ҳамла билан душман байроғини қўлга олиш бўлган. Энг охирида амирнинг сўнгги заҳираси жангга кирган.

Амир Темур армиясида жанговор каторларнинг маркази кучсиз бўлган. Бу махсус ўйлаб ишлатилган тактик усул бўлиб, душман кучларининг марказдан ёриб киришига шароит яратиш ва уни тор-мор қилишдан иборат бўлган.

Умуман олганда Амир Темур яратган ҳарбий санъат мероси жаҳон халқларининг ҳарбий санъати меросида муносиб ўрин олди.

Мустаҳкам тартиб ва интизомга эга бўлган Темур қўшинлари асосан пиёда ва отлик аскарлардан иборат эди. Улар «ўнликлар» («айл»), «юзликлар» («хўшун»), «мингликлар» («ҳазора») ва «ўн мингликлар», («туман»)га бўлинган ва уларга «ўнбоши», «юзбоши», «мингбоши» ҳамда «амирлар» бошчилик қилганлар. «Туманларда аскарлар сони 10 минг, қўшинда эса 100 минг бўлган. 10 минглик лашкарларни бошқариш учун «Туман оғаси», минглик бўлимни «мириҳазора», юзликни «хўшунбоши» ва ўнликни бошқариш учун «Айлбоши» каби ҳарбий мансаблар ташкил қилинган.

Бўлинма бошликлари -амирлар Темурга тобе бўлган қирк аймақдан ўн

иккитаси: барлос, арғин, жалоир, тулкичи, дулдой, мўғул, сулдуз, туғой, кипчок, арлот, тотор ва тарҳонлар орасидан танлаб олинган. Энг улуғ мартаба амирлик бўлиб, Темур фаолиятининг дастлабки йилларидан бошлаб уни тарк этмасдан содиклик билан ҳизмат кўрсатган 313 кишига берилган: биттаси амир ул-умаро, тўрттаси беглар беги, юзтадан мингбоши, юзбоши ва ўнбоши бўлган. Булардан ташкари яна ўн икки нафар кишига биринчидан то ўн иккинчи даражали амирлик унвони берилган. Ўн иккинчи даражали амир одатда амир ул-умаронинг ноиби ҳисобланган. Ўн икки амирнинг ҳар бирига биттадан байрок ва биттадан ноғора, амир ул-умарога бир байрок, ноғора, ўн минглик кўшин, туғ ва чортуғ, тўрт нафар беглар бегининг ҳар бирига биттадан байрок, ноғора, чортуғ ва бурғу (карнай) берилган

Бу ўзига хос рамзлар кўшин бўлинмаларининг бир-биридан фарклаб, ажратиб турган. Жумладан битта кизил байрок кўшин бошлиғи амир ул-умаро ёки беглар бегининг рамзи бўлган. От ёки боғланган найзали узун туғ туман оғасининг, икки томонга кокиллари сочилган икки ноғора юзбошининг белгиси ҳисобланган.

Аскарлар унвони даражаларига қараб маош олганлар. Жумладан, оддий сипоҳий минган отнинг бахоси баробарида, баҳодирлар 2-4 от киймати баробарида, айлбоши қарамоғидаги аскарларга нисбатан ўн баробар кўп маош олган. Юзбошилар ўн бошилардан 2 баробар, минбошилар юзбошилардан уч баробар юқори маош олганлар. Алоҳида ҳизмат учун эса улуфа, танҳо каби рағбатлантирувчи омиллар бўлган.

Амир Темур сипоҳни тузишида асосан ўз замонида машҳур бўлган ўнликлар, юзликлар, мингликлар тартибига амал қилади. Мазкур мансабларга тайинлашда жанг майдонида кўрсатилган жасорат асосий мезон бўлган. Бу ҳақда Темур шундай дейди: «Амр килдимки, қачонки асл сипоҳлардан иш кўрган, жангу-жадалда суяги котган, ўн киши йиғилса, булардан қайси бирининг шижоати, ботирлиги ортиқроқ бўлса, колган тўққизтасининг розилиги ва маъқуллаши билан уни ўзларига сайлаб, отини ўнбоши деб атасинлар» («Темур тузуклари», 69 бет.)

Раҳбар кўмондонлар (юзбоши, мингбоши)ни тайинлашда ҳам жанг майдонидаги жасорат етакчи мезон ҳисобланган.

Амир Темур ўз сипоҳига амирларни танлашда, биринчидан, уларнинг жанг майдонларида кўрсатган хизматларига эътибор қаратган бўлса, иккинчидан, у ўз ўғиллари ва набираларини ҳам сипоҳийларнинг асосий кўмондонлари қилиб тайинлар эди. Масалан, тўнғич ўғли Муҳаммад Жаҳонгир вилоят ҳокими бўлиб, 12 минг отлик аскарга улуфа олган. Иккинчи ўғли Умаршайхга эса вилоят ва ўн минг отлик аскарга улуфа олишни буюрган. Учинчи ўғли Мироншоҳ вилоят ва туккиз минг отлик аскар, тўртинчи ўғли Шохруҳ вилоят ва етти минг отлик аскар улуфа олиш ҳуқуқига эга бўлган.

Неабираларига эса, уларнинг қобилиятларига қараб, биттадан вилоят, уч мингдан етти минггача отлик аскарларга улуфа олиш ҳуқуқини беради. Кариндошчилиги бор қишиларга эса уларнинг ҳар бирининг қобилиятига яраша биринчи даражали амирликда еттинчи даражали амирлик мартабаларини беради.

Амир Темур ўз сипоҳийларининг ярок-жабдуклари ва анжом-жихозлари

ҳақида доим ғамхўрлик килган. У шундай конун жорий киладики, юриш вақтида оддий аскарлардан ҳар ўн саккиз киши ўзи билан бирга чодир олган. Ҳар бир сипоҳий бир килич, арра, бигиз, бир коп, жуводдўз, болта, ўнта игна ва орқага осиладиган чарм ҳалта олиши керак бўлган. Баҳодирлардан ҳар беш киши бир чодир, ҳар бири темир совут, дубулға, бир килич, садок, камон ва бешта от олган. Юзбошилар бир чодир, ўнта от, килич, садаф, ўк-ёй, темир калпок, совут багтор (темирдан ясалган кийим), минбошилар бир чодир, бир соябон, курол-аслаҳадан кўтарганича олган. Биринчи амир бир чодир, бир ўтов, бир жуфт соябон, курол-аслаҳадан эса қўл остидагиларга етадиган даражада олган. Отдан фойдаланиш тартиби куйидагича белгиланган. Биринчи амир бир юз ўн от, иккинчиси бир юз йигирма, учинчиси бир юз ўттиз, тўртинчиси бир юз кирк от. Амир ул-умарога етгунча шу тартибда от олиш белгиланади ва амир ул-умаро эса ўзи билан уч юздан кам от олмаслиги таъкидланади. Пиёда аскарларнинг ҳар бири ўзи билан бирга бир килич, бир камон, кўтарганларича ўк-ёй олган.

Амир Темур уруш ва тинчлик пайтларида сипоҳни кўриклаш масалаларини ҳам ҳеч қачон эсдан чиқармаган. Биринчидан, сипоҳийлар, амирлар, минбошилар, юзбошилар ва ўнбошилар девонхонага, этиксиз, ковушсиз, бўрк ёкали чакмонсиз, ҳанжар, киличсиз ҳозир бўлмаганлар. Иккинчидан, ўн икки минг аскар уруши тинчлик вақтида куролланган ҳолда девонхонанинг тўрт тарафидан куршаб турган. Ҳар кеча улардан минг киши навбатма-навбат сокчиликка ажратилган. Амир Темур Ўрдани ва сипоҳни душмандан ниҳоятда эҳтиёт килган. У айниқса уруш пайтида лашкарларининг атрофларини кўриклашга алоҳида эътибор бериб, бутун бир жангвор тартибни ишлаб чиқади ва уни жорий килади. Уруш пайтида ўн икки амирдан ҳар бири, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ўн икки минг куролланган отлик сипоҳий билан бир кеча-кундуз давомида ҳар қайсилари ўз ҳоналарини кўриклаш учун ҳозир бўлган.

Амир Темур сипоҳнинг тузилиши, унинг курол-яроғи, кўрикланиши, маошлари билан бир вақтда навкарларнинг ўз бекларига ва аксинча бекларнинг ўз навкарларига бўлган муносабати масаласида ҳам ҳукукий ва ахлокий жиҳатларни тартибга солади. Амир навкарларининг тўғри ва адолатли бўлишини талаб килади. «Қайси навкар ўз хизмати, ҳақ-бурчини унутиб, иш вақтида (меҳнатдан) юз ўғирар экан, ундай навкардан юз ўғирмок керак. Қайси навкар иш вақтида баҳона излаб жангу жадал пайтида ижозат сўраб, қочишни мўлжалласа, бугунги ишни эртага қолдирса, бунга ўхшаш навкарлар, номларини ҳам тилга олишга муносиб эмасдирлар. Бундай қишиларни парвардигори оламга топшириш зарур» («Темур тузуклари», 88 бет) . Ўз навбатида лашкарбошиларнинг навкарларига меҳрибон, иззат-нафсига тегмаслигини ўқтирган.

Амир Темур фикрича, энг ҳавфли ҳамда унинг узрини кечириб бўлмайдиган навкар бир жанг майдонида ўз бегига ҳиёнат килган навкардир. Ростгўй, содик хизматчилар, жангчиларни эса жуда кадрлаган ва уларга иззат ва эҳтиромлар кўрсатган.

Амир Темур юришларининг даврий чегаралари куйидагича: 1386-1388 йиллар Эрон, Кавказдаги «уч йиллик», 1392-1396 йиллар «беш йиллик», 1399-1404 йиллар «етти йиллик».

Мазкур урушларнинг катта қисми Эронга қарши қаратилган эди. Эроннинг Кабушон, Туё, Нишопур, Сабзавор каби шаҳарлари Темурга жангсиз таслим

бўлади, чунки шаҳар ҳокимлари ўз шаҳарларини ҳаробазорга айлантиришни истамайдилар.

1383 йилда Соҳибқурон лашкарлари Сейистонни ва Балужистонни эгаллаб, Эронни жанубий ва шимолий-ғарбий ҳудудлари томон силжиб боради. 1387 йилда форс вилояти Темур қўл остига олинди. 1387-1397 йиллардаги бир неча юришларидан сўнг Темур Озарбайжон, Арманистон, Астрабод ва Мозандаронни қўлга киритди. 1402 йилга қадар Гуржистонга беш марта юриш қилиб уни эгаллади. Ҳуллас Амир Темур Ғарбда Кичик Осиёгача, жанубда Арабистон ерлари оролигача бўлган ҳудудларни эгаллайди.

1398 йилнинг май ойида 90 минг қишилик қўшин билан Ҳиндистонга юриш бошлайди. Бу урушни у Муҳаммад пайғамбар эътиқодини ёйиш, пайғамбар номини қўқларга қўтариш, бутпараст ва кофирларни ислом динига киритиш, бу ердаги феодал тарқоклик ва ўзаро урушларга барҳам бериш байроғи остида олиб борди. 1399 май ойида Самарқандга катта бойликлар билан кириб келди.

1399-1404 йилларда, ғарбга томон юриш бошланди. Бу уруш асосан турк султони Боязид Йилдиримга қарши қаратилган эди.

Темур дастлаб гуржилар исёнини бостириб, қиш мавсумини Корабоғда ўтказди. 1400 йил августда Кичик Осиёга Сивас ва Милатияни эгаллади ва Кичик Осиёдаги бўлажак ҳаракатлари учун таянч бўлди.

Кейинги ҳаракат Шом (Сурияга) қаратилди. Сурия Миср султони Фаражга қарар эди, у эса Боязид билан яқин алоқада эди. Миср султонини тор-мор этгач, Дамашкни эгаллади, сўнг Мўғулга ўтди. 1401 йилда Боғдодни эгаллади.

1402 йилнинг апрел ойида Курия дарёсини кечиб ўтиб, бирин-кетин Тартух, Кемах ва Кайсария каби калъа-шаҳарларини эгаллаб Туркия билан Сурия ва Боғдод алоқалари йўлини кесиб қўяди. У бу ерда Анқара калъаси томон ҳаракат қилади ва тўрт кунда 120 чакирим йўлни босиб Кир шаҳрига кириб боради. Бу ерда Соҳибқурон ғазабга тўлган Боязид ва қўшинлари билан етиб келаётгандан ҳабар топади. Боязид тўғрисида батафсилроқ ва тўлиқ маълумот тўплаш мақсадида Темур ўзининг 1000 чавондозини унинг йўналиши томон жўнатади. 3 кун ичида Темур Анқарага келади. Темурнинг асосий мақсади Боязидни Туркия пойтахти Бурсадан узиб қўйиш эди.

Амир Темур билан Султон Боязид ўртасида «Анқара жанги» 1402 йил 20 июлда бошланди. Мазкур жангда ҳар икки томондан 400 минг қишидан иборат лашкар қатнашди.

200 минг қишилик қўшинда Темур ўзининг ўнг қанотига ўғли Мироншоҳ, чап қанотига набиралари Султон Хусайн ва Ҳалил Султонлар, кенжа ўғли Шохруҳ қўмондонлик қилди.

Қўшин марказини Муҳаммад Султон бошқарди. Марказ ва қанотлар ортида Темур ва унинг икки набираси Пирмуҳаммад, Искандарлар турди.

Боязид қўшинлари султоннинг қайниси Серб князи Лоздивич ва ўғиллари бошчилик қилди.

Темур моҳир дипломатлиги туфайли Султон Боязид лашкарининг асосий авангар кучи бўлган тоторларнинг Фозил бошчилигидаги раҳбарлари, амирлари, бошлик ва уларга қалбини тўлкинлантирувчи ҳат ёзиб, ўз томонига ағдариб олди.

Тотор лашкарларининг Темур томонига ўтиши жанг натижасини ҳал қилади. Боязид ўғиллари Сулаймон Чалобий, Муҳаммад, Иса ўғиллари жанг майдонида

отани ташлаб кочадилар. Жанг Темур фойдасига ҳал бўлди.

Темур шиддатли ҳужумни давом эттириб бутун Кичик Осиёни эгаллайди ва Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилида жойлашган Измер шаҳрига етиб боради. Ўрта ер денгизида жойлашган Хиос ва Лесбос оролларидаги Генсу мулкларининг ҳукмдорлари ҳам Темур ҳукмронлигини тан олади.

1405 йилда 8 январда 200 минг лашкари Ҳитой сари юзланди. Бу соҳибқуруннинг охириги юриши эди.

Фойданилган адабиётлар:

Каримов И.А. Амир Темур фаҳримиз, ғуруримиз. 1996.

24 октабр.

Аҳмедов Б. Амир темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. Т. 1996 йил.

Амир Темур жаҳон тарихидан. Т, 1996.

Темур ва Улуғбек даври тарихи. Т, 1996.

Шараффулдин Али Яздий. «Зафарнома» Т. 1997.

Темур тузуклари. Т, 1991.

Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т. «Фан», 1993.

Ибн Арабшоҳ. «Амир Темур тарихи», Т. 1996.

7-Мавзу: **АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДАГИ МАДАНИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТ.**

Режа:

Амир Темурнинг илм-фан ва маданият аҳлига муносабати.

Меъморчилик.

Тасвирий ва амалий санъат.

Амир Темур даврида минатюра.

Томоша санъати ва мусиқа

Амир Темур даврида илм-фан, маданият ғоят даражада ривожланди. Ўрта Осиёда мадраса таълими Х асрларда пайдо бўлган, аммо унинг ҳақиқий мукаммал ривожини Амир Темур даврига тўғри келади. Баъзи манбаларда уни Шарқда олий таълимнинг асосчиси деб атайдилар. Амир Темурнинг ҳарбий, назарий ва амалиёт соҳасидаги кашфиётларининг ўзи дорилфунундир.

Айрим муаллифларимиз Темур даврида илм-фаннинг ривожига, юришлар даврида четдан олиб келинган илм-фан, адабиёт намоёндаларининг фаолияти билан боғлайдилар. Албатта бу гапда маълум даражада ҳақиқат бор деб ҳам ҳисоблайлик, аммо Темурга қадар ҳам Туронзамин дунёнинг ўзларининг комусий олимлари билан лол қолдирган эди. Иккинчидан, Амир Темурга ҳам истилочилар илм-фан, маданият, санъат ўз юртларига амр қилиб олиб кетиб, изсиз йўқолганлар ҳам бўлганку, масалан Чингизхон.

Темур замонасида илм-фан, адабиётнинг барқ уриб ривожланиш сабаби қуйидагича.:

Амир Темурнинг ўзи ўқимишли, саводхон ва маърифатпарвар инсон бўлган. Шу сабабли у илмни, зиёни қишилар меҳнатини кадрлай билган.

Уз она тилидан ташкари форс ва мўғул тилларини яхши билган Амир Темур мамлакати тараққиётида, халқнинг маданият ва маънавий камолотида илм-фан ва маърифатнинг аҳамиятини кадрлайди. Шу боис улуғ амир ўз юртида бўлсин, ҳарбий юришлар килиб борган мамлакатларида бўлмасин, уларнинг миллати, иркидан катъий назар, касб-ҳунар эгалари, усталар, меъморлар, олиму-фузалолар, адабиёт ва санъат арбобларини жуда-жуда кадрлар, улар билан доимо маслахатлашар, уларнинг фикр ва ҳулосаларига доимо кулок солар эди. Маънавий-маданий ҳодимларининг ишлаш, яшаш ва ижод қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беради. Бу ўринда «Темур тузуклари»да куйидагиларни ўқиймиз: Еттинчиси сайидлар, уламои-машойих, окилу-донолар, муҳаддислар, ҳабарчилар (тарихчилар)ни танлаган эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини жойига қўйдим.

Саккинчи тоифа-ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандисларни, улар салтанат корхонасига ривож берувчилардир. Уларни ўз атрофимга тўпладим. («Темур тузуклари» 55-56 бетлар).

Амир Темурни ёмон кўрган Ибн Арабшоҳ ҳақиқатни тан олиб куйидаги сўзларни айтган эди:»Темур олимларга меҳрибон бўлиб, сайиду-шарифларни ўзига якин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўқис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай қимсадан мукаддам кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, ўз икрому-ҳурматини унга изҳор этарди. Уларга нисбатан ўз муруввати бисотини ёярдики, бу муруввати унинг ҳайбати билан аралаш эди. Улар билан мазмунли баҳс ҳам юритар эдики, бу баҳсида инсофу-ҳиммат бўларди.

Темур тарих (китоб)лари, худонинг раҳмати ва саломи бўлғур анбиёлар киссаларини, подшоҳлар сийратларини ва ўтган салафлар ҳақидаги ҳикоятларни доимо сафарда ҳам, ҳатарда ҳам ўқитиб кунт билан тинглар эди» (Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-китоб, 71 б)

Шарофуддин Али Яздий «Зафарнома» асарида Амир Темурнинг мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фукароларнинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишларни кучайтириш, давлатимизни ривожда илм-фан, дин пешволарининг маслаҳатини инобатга олганини такидлаб ўтилган.

Амир Темурнинг илм-фан, ижодкор аҳли учун яратиб берган шарт-шароити туфайли, Самарқанд дунёнинг маърифат марказларидан бирига айланди. Бунинг натижасида Козизода Румий Туркиянинг Бурса шаҳридан ўз ихтиёри билан Самарқандга келади. Бу билан ҳамма зиёлилар Самарқандга ўз ихтиёри билан келганлар деган фикрдан йироқмиз. Темур Самарқандга олиб келган олимлар орасида табиб Ҳусомиддин Иброҳимшоҳ Кермоний, фалакиётшунос Мавлоно Аҳмад кабилар бўлган.

Юқорида таъкиллаганимиздек, Темурнинг илм-фан, маърифатга эътибори туфайли Самарқанд зиёлиларни ўзига оҳанграбодек тортиб, йирик маданий марказга айланди.

Темур ҳокимият тепасига келган кундан бошлаб, ўз давлатида Чингизийларнинг қонли изларига барҳам бера бошлади. Бир ярим аср давом этган мўғуллар истилоси пайтида минглаб қишлоқ ва шаҳарлар, иншоотлар вайрон қилинган эди.

Уларни кайта тиклаш, мамлакатга кайтадан жон бағишлаш ҳар кимнинг қўлидан келаверадиган иш эмас эди. Бунинг учун ўзида аждодлари руҳи, тажрибаси, орзу-умидларини мужассам этган чинакам даҳо керак эди.

Ана шундай даҳо Темур эди. У ҳокимият тепасига келган кундан бошлаб Мовароуннаҳрда қурилиш ва ободончилик ишларига эътибор қаратди. Амир Темур юртни обод қилиш иши билан бевосита шуғулланар экан, бу соҳанинг ўзига хос қоидаларига катъий амал қилди. Булар қурилишнинг пухта ўйланган режаси, жойнинг аниқ ва тўғри танланиши, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, шошма-шошарлик қилмаслик, турли хил иншоотлар-мудофаа девори, арк, ҳукуматга тегишли бинолар, масжидлар, мадрасалар, савдо расталари, бозорлар, қарвонсаройлар, маиший иншоотларнинг ўзаро муносиблиги: мўътадил иқлимни яратувчи каналлар, ариқлар боғлар, ҳовузларнинг жойлашиши.

Ҳақиқаттан ҳам бугунги Самарқанд меъморчилик обидалари, шаҳар қурилиши Темур меъморчилик соҳасида ҳали ноёб дид эгаси бўлганлигини тўла исбот эта олади.

Ана шуни алоҳида таъкидламоқ жоизки Амир Темур шаҳарсозлик маданияти жуда эрта шаклланган, иқтисоди, санъати, илму-фани минг йилликлар давомида гуллаб яшнаган, неча бор инқирозга юз тутган Турон заминининг фарзанди эди.

Шу сабабдан ҳам шаҳар қуриш иштиёқи унинг қон томирига сингиб кетган эди, гинетак хотирасига муҳрланганди. Шаҳар ва қасрлар қуриш, уларни обод қилиш, эл-юрт ободончилиги билан изчил шуғулланиш соҳибқурон табиий эҳтиёжининг маҳсулидир. Хусусан бу даврда мамлакатнинг йирик вилоят шаҳарлари, Самарқанд ва Ҳиротда қурилиш ишлари кенг авж олиб, бинокорларнинг роли ошиб кетади. Ўша вақт бинокорлари орасида меъморлар, муҳандислар, ғишт терувчилар, сувочки-ганчкорлар, ганчга нақш уловчи наққошлар, тош йўнувчи (сангтарошлар) ва дурадгорлар меҳнати кадрланган ва улар томонидан гўзал иморатлар қад қўтарган. Темур йиғилган маблағни айш-ишратга эмас, балким гўзал бинолар -қуришга сарфлаган.

«Темур ҳар бир мувоффақиятини, ҳар бир севинчли воқеани бир меъморлик асарини бунёд этиш билан нишонлашга аҳд қилди. Шу мақсадда Ҳиндистоннинг юзларча моҳир ғишт терувчиларини, Шероз, Исфохон ва Дамашкнинг машҳур усталарини Мовароуннаҳрга келтирди. Улар гўзал иморатлар қурдилар. Мусулмон Осиёси икки юз йил мобайнида турк қўшинларига лашкаргоҳ бўлганига, бу китъага Темур салтанатида асарлари билан бизни ҳайратга солган рассомлар, меъморлар ва бошқа санъат аҳли доимо ижод қилгани мазкур иморатлар шохиддур. Нақадар аниқ этиб тасвирлаган жаҳонгирнинг дилида гўзаллик ва юксакликка муҳаббат шу қадар қучли эдики, бунга унинг даврида яратилган санъат ва меъморий асарлари далилдир».

Амир Темур дастлаб, ўзи туғилиб ўсган Кешда меъморчилик санъатининг ажойиб намуналари-саройлар, масжидлар макбаралар, мадрасалар, қарвон саройлар, турли муҳташам бинолар қурдиришга алоҳида эътибор берган. Бу ҳақда Темурнинг набираси Бобур Мирзо шундай сўзларни ёзиб қолдирган:» Даҳолар саҳроси ва шаҳри ва томи ҳуб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар. Темурбекнинг зоди-буди Кешдин учун, шаҳар ва қилурга қўп саҳий ва эҳтимомлар қилди, олий иморатлар Кешда бино қилди».

Темур Кешнинг жанубий-шарқий қисмида улкан макбаралар комплексини

курдириб бошлаган. У Доруссийедат-баҳт юрти деб аталиб, у Темурийлар авлодининг даҳмасидир. Бу ерда Темурнинг отаси Тарағай Баҳодур, Шайх Шамсиддин Кулол, бевакт казо килган ўғиллари Муҳаммад Жаҳонгир ва Умаршайх Мирзолар дафн килинган. Шунингдек, Темурнинг ўзи учун курдирган даҳмаси ҳам шу ерда.

Макбара маҳобат призма шаклида бўлиб, гумбази узунчокдир. Ички деворларига токчалар килинган, меҳроба ғарб томонда деворлар ва гумбазлар чангсувок килинган, ёрқин кўк ва баъзи жойларда кизил рангда нақшлар солинган. Юқорида «Доно эзгу ниятлар билан иш килади, аҳмоқ эзгу ниятни умид килиб ётади» деган араб мақоли ўйиб ёзилган. Темур сағанаси ўз даврининг ноёб ёдгорлигидир. Сағананинг ўзига хос клафони бор. Девор шифти, поли оҳактош билан копланган. Деворларга Куръондан оятлар ёзилган.

1379 йилдан бошлаб, Темурнинг амри билан босиб олинган юртлардан асирлар, Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон ва бошқа мамлакатлардан ноёб бинокорлик касбининг турли ихтисослиги бўйича усталар Кешдаги Оксарой қурилишига жалб этилган.

Темурнинг фикрича, ушбу қаср такрорланмас бўлиши, дунёдаги бирорта меъмور унинг қурилиши сирини билмаслиги, ҳулласи қаср жаҳонгирнинг кудратини ўзида гавдалантириши лозим эди. Қурилиш ишига эллик минг қиши жалб килинди. Қасрнинг баландлиги 16-18 каватли уй сингари бўлиб, Аркнинг равоғи қарийб 22 метрга тенг. Бу Самарқанддаги машҳур Бибиҳоним масжиди арк равоғидан 4 метрча баланд.

Оксаройида ўзи билан қурган 1404 йили Шаҳрисабзда Темур саройида бўлган Испания киролигининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз кундаликларида қуйидагича ёзиб қолдирган: «Мен подшонинг амри билан қарийб йигирма йилдан бери қурилатган катта бир саройни кўрдим.

Бу саройнинг кириш жойи жуда узун бўлиб, пештоки жуда баланд эди. Кириш жойида ўнг ва чап томонларида турли ҳил нақшлар билан безатилган ғиштдан силлик қилиб қурилган арklar қад кўтариб турибди. Кенглиги уч юз кадам бўлган катта ҳовлидан сўнг, подшонинг тахти ўрнатилган залга кираверишда баланд ва катта энлик кўринади. Эшик зарҳал ва зангори ранглар ила безатилган, кошинларга жуда ҳам нафис ишланган шер тасвири туширилган, четларида ҳам ҳудди шунака бу Самарқанд шохининг гербидир. Бу эшиклар тўғри тўртбурчак шаклида қурилган салонхонага кирилади. Мазкур ҳонанинг деворлари зарҳал ва зангори бўёқлар билан безатилган, кошинлари силликланган шифти ҳам бутунлигича зарҳалланган.

Ҳовлида жуда кўп мевали ва манзарали даврахтлар мавжуд. Унда кўпгина ҳовузлар ва боғлар бор.

Руи Гонсалес де Клавихо Оксарой ҳақида яна қуйидагиларни ёзиб қолдирган:»Сарой ичи жуда бежирим кошинлар билан безатилган, бу шох шу ерда бўлган пайти одамларнинг ўтириши учун қилингандир.

Ҳақиқаттан ҳам Оксарой ўзбек меъморчилигининг, бинокорларининг гултожисидир. Гўзал кошинлар, нодир нақшлар, тилла югуртирилган нафис ва

нозик эшиклар, накшинкор шифтларни курган Клавихо бу санъат намуналарини ясаган усталар ишини, Париж усталари ишидан кўра ҳам гўзал, деб тан олишга мажбур бўлган.

Амир Темури 1370 йил Балхда Мовароуннахр ҳукмдори деб сайлангач, Самарқандни ўз давлатига пойтахт қилиб танлади ва янги шаҳарни барпо этишга киришди. Дастлаб 1370-1373 йилларда шаҳар арки қурилди ва сўнг шаҳар қуришга мўлжалланган майдоннинг атрофи баланд мудофаа деворлари билан ўралди.

Иқтидорли ва донишманд ҳукмдор бўлган Амир Темури Самарқандни «ер юзининг сайкали»-га айлантиришда ҳеч нарсани аямади. Шу сабабли бу шаҳарда соҳибқурун даврида илму-фан, санъат, маданият ўта ривожланиб, инсоният тарихидаги нодир жараён-ренесанс-уйғониш юзига келди.

Амир Темури замонида Самарқандда энг ривожланган соҳа, шак-шубҳасиз меъморчиликдир. Улкан сарқарда ва давлат арбоби Амир Темури меъморчиликнинг энг нозик томонларини ҳам яхши билар эди. Меъморларни кадрлар ва уларга ҳомийлик қилар эди.

Накл қилишларича, Амир Темури қурилишни бошлашдан аввал шу ишнинг муттасадилари, билимдонлари билан машварат ўтказар экан. Бундай суҳбатларга дин пешволари, олиму-фозиллар, тупрокшунослар, турли йўналишдаги устолар, рассомлар, ҳаттотлар, безакчилар ҳам таклиф этиларди. Қурилажак бинонинг ҳамма жиҳатлари обдон уймакор экан. Каердан тупрок олинади, гишт каерда пиширилади, сув қандай олиб келинади- буларнинг ҳаммаси аввалдан пишиклаб қўйилар экан.

Амир Темурнинг бу тадбиркорлиги туфайли Самарқандда неча асрлар тарихдан ҳикоя қилувчи ноёб иморатлар бунёд этилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек Амир Темури, меъморчиликнинг энг нозик томонларини яхши билган, уларни кадрлаган. Шу сабабли унинг даврида Самарқандда ўша даврнинг энг етук меъморлари тўпланган эди. Улар пойтахт Самарқандни бунёд этар эканлар, ўтмиш меъморчилик анъаналарининг энг яхши қирраларидан ижодий фойдаланиб, бу борадаги тажрибаларни бойитдилар, ривожлантирдилар, юксак чўққиларга олиб чиқдилар.

Темури ўз давлатининг пойтахти бўлган Самарқанд шаҳрини дунёдаги энг катта ва гўзал шаҳар бўлишига алоҳида эътибор берди. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича:» Темури Самарқанд атрофида бир қанча қишлоқларни вужудга келтирди. Уларни дунёнинг машҳур номлари билан атайди,(Миср, Даналк, Боғдод, Султония, Шероз). Қишлоқларга машҳур шаҳарларнинг номларини беришдан маълум бир сиёсий муддао кўзда тутилган, яъни оддий қишлоқлар кўркем ва буюк шаҳарлар олдида қанчалик ҳиралашиб қолса, юқорида номлари айтилган шаҳарлар ҳам Самарқанд олдида нурсиздай кўринар эди.

Ҳақиқатан ҳам, Темури Самарқандда улкан қурилиш ишларини олиб борди. Бибиҳоним, Қусам Ибн Аббос, Турқон оға, Ширинбека ака, Гўри-амири меъморчилик обидалари бунга ёркин мисолдир.

Бибиҳоним масжиди нафақат Самарқандда балки бутун Мовароуннахр Ҳуросон иклимида улуғворлик бобида унга тенг келадиган иморат йўқ. Бугунги

кунда Бибиҳоним номи билан машҳур бўлган жомъе масжиди аслида мозийда Амир Темур Кўрагон жомъе масжиди деб аталган, чунки уни буюк ҳукмдорнинг ўзи бош бўлиб тиклаган.

Ғиёсиддин Али гувоҳлик беради:»Саккиз юз биринчи йили рамазон шариф ойи тўртинчи кунда(1399 йилнинг 10 майда) жомъе масжиди учун пойтахтдаги энг яхши жойни Амир Темур танлади. Машҳур усталар ва бинокор-меъморлар бу улкан иморатнинг лойиҳасини туздилар. Сўнгги дақиқада унинг пойдеворини кўра бошладилар».

Фосик Ҳавофий мажмуаси Фосихайнинг саккиз юз биринчи йил воқеалари баёнида ёзади:»Амир соҳибкурон Ҳиндистондан олиб келган бойлик эвазига Самарқанд жомъе масжиди қурилишини бошлади. Қурилиш муқаддас рамазон ойининг тўртинчи якшанбаси (1399 йилнинг 10 май)да бошланди».

Абу Тоҳиржўжа Самарқандий ўзининг «Самария» китобида: «Амир Темур Кўрагон жомъе масжиди. Шаҳар ичида, унинг шимол томонида Ҳазрати шох (Дари Оҳанин) даврозасининг яқинидадир.

Амир Темур Кўрагон Ҳиндистонни эгаллагандан кейин, у ерда ўлжа қилинган олтин, инжу ва қимматбаҳо тошларни бир юз тўксон бир филга юклаб келтирди ва истадики, пойтахти бўлган Фирдафсмонанд Самарқандда бир жомъе бино қилгай, саккиз юз биринчи ҳижрий (мелодий 1399) йилида қучли ва тезлик усталарини дунё теъарағида йиғиб, иш бошлади ва шундай бир масжиди жомъе бино қилдики, саҳнанинг соф ишланиши ҳушёр диллардан ҳам Мушавварок ва баланд кўнгиллари ой Муҳарнасидан безакли, Ферузасимон қонунлари ложувард, осмон ранг, офтобга жилоли зарнигор нақшлари билан гўзал чарҳ гумбазларига баробар, баланд овозалиқ дарвозаси « Қимки бу ҳонам Кағбача қирди, омонлиқ топди (қургон ал-Имрон сураси, 97 оят) оятнинг қалити билан илди. Ҳар бир юксак тоқлари фалак пештоқида қад қўтарди. Жомъенинг равоқи устида ёзилгандирқим: «Амир Тўрғай ўғли буюқ Ҳаккон Амир Темур Кўрагон саккиз юз биринчи йилда ушбу жомъенинг солинишга амр қилди». Жомъе даврозасининг узорида ёзилдирганқим :»Ушбу жомъени битқазашга саккиз юз олтинчи (мелодий 1404) йилда муваффақ бўлинди.

Бибиҳоним масжиди улкан ва гўзал жомъе бўлиб, бинокорлиқнинг ноёб намунасидир. У тўрт улуғвор иморатдан : қатта масжид, иккинчи қичик масжид ва ҳайбатли пештоқдан иборат бўлиб, улар тўртбурчакли ҳовлида жойлашган ва ҳовлининг тўрт бурчида тўртта минора қад қўтарган. Беш минг квадрат метр саҳнли ҳовли устинига ўрнатилган гумбаз билан ёпилган. Ёдгорлиқ жойлашган майдоннинг умумий саҳни 167х109 метрни ташқил қилган. Масжид бурчакларидаги минораларнинг баландлиги 51 мерни ташқил қилиббугунги кунда фақат жанубий тарафдагисининг маълум қисми сақланган. Қатта масжид деворларнинг қалинлиги 4-4,5 метр бўлиб, пишиқ ғиштдан ишланган.

Жомъе масжиди пештоқининг эни ва бўйи 45 метрга яқин бўлган, бугунги кунда сақланиб қолган қисмнинг баландлиги 33 метр, қенглиги 46 метр. Ҳайбатли пештоқ ўртасида қенглиги 18,8 метрли равоқ бор, ички томондан ҳам қичиқроқ иккинчи равоқ ўрнашган, унда мармар ҳомияси дарвоза бўлган:

Пештоқнинг ён қаторида иккита айланма зина бўлган, зинадан юқорига-қунгура равоқки майдонча чиқилибундан минорага ўтилган.

Бу улкан иморат ҳақида «Бобурнома» да қуйидаги маълумотлар

мавжуд:»Темурбек яна оҳанин дарвозасига ёвук, калъанинг ичида бир масжиди жомъе солибтур, сангин, аксоф Ҳиндистондан олган сартарошлар анда иш килубдурлар, масжиднинг пештоки китобасида бу оятни «Ва из ярфау Иброҳима алкавоида ило оҳирлоки» андак улуғ ҳат била битибтурларким, бир курук ёвук ёрдин укуса бўлур. Бу ҳам бисёр олий иморатдир».

Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» да маълумот беришича, жомъе масжиди қурилишида маҳаллий усталару муҳандислардан ташкари, форс, Ҳиндистондан келтирилган 500 сангтарош ҳам ишлаган.

Али Яздий ёзади: «агар осмон гумбази унинг такрори бўлмаганда, бу гумбаз ягона бўлар эди, агар сомон йўли пештокнинг такрори бўлмаганда, бу пешток дунёда ягона бўларди».

Тарихчилар таъкидлаганидек осмон ўпар мазкур иморат жуда тез фурсат ичида яъни 1399-1404 йиллар оралиғида қуриб битказилган. Бу иморатда ишнинг боришини Амир Темур шахсан ўзи назорат қилиб турган. Бу ҳақда Али Яздий ёзади:» Он ҳазрат(соҳибқурон) бу диний ишни оҳирига етказишга иштиёқ ва ғайратнинг зўрлиги туфайли шахсан ўзи тез-тез иморат қурилишларида ҳозир бўлар эди, ҳатто ўша муддат давомида аксар вақтини қурилаётган масжид яқинидаги ҳоним (Бибиҳоним) мадрасасида ва Туманоға ҳонакасида ўтказарди. Халқнинг додига етиш ва ривоятлар борликка таалукли ишларни ҳам у кўпинча шу ерда амалга оширади. Шу тарзда шоҳона илтифот шарофати билан масжиднинг олий гунгаралари қурувчисининг кадру-киммати янглиғ кайвон-айвоннинг тушунларига етишди... тошлардан 480 устун келади. Баланд шифти ва ажойиб форишнинг ҳаммаси тарошланган тахтачалар билан безалган. Шу тарика (масжиднинг) фаришдан тепасигача бўлган баландлиги ўн газ эди.

Унинг тўрт рукнининг ҳар бирида биттадан иморат кўтарди. Байт: Улар осмоннинг ҳар тарафига овоза таратиб.

«Обидаларимиз (авлодларга) бизнинг кимлигимиздан далолат берадилар» нидосини оламнинг тўрт рукнига янгатдилар.

Етти мағдан қотишмасидан ишланган улкан даврозасининг садоси етти иқлим обидалари (дуосини) Даруссалом (Богдод)га етказиб туради, айлана деворининг ички ва сиртки томонлари ҳамда тоқларнинг юзаси тошга ўйилган китоба (ёзувлардан зиёнат топган, ал-Қаҳҳор» сураси ва бошқа қуръон оятлари ҳарфлари ҳам калималари нурли акси уларда жиловланган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Бибиҳоним масжиди қурилишида жаҳоннинг турли ўлкаларидан олиб келинган усталар меҳнат қилишган ва умум меҳнати туфайли бу жомъе Темур даври бинокорлигини кўз-кўз қила олади.

Темурнинг мамлакатимиздаги ва унинг ташқарисидagi муҳолифлари «Темур босиб олинган ерларидан уста, меъмор ва олимларни кўчириб келиб, фақат Самарқандда қурилишларни олиб борган. Бошқа ерлар билан иши бўлмаган» деган сафсатани айтадилар. Аммо шуни таъкидламоқ жоизки уста, меъмор ва олим унинг меҳнатининг кадри эъзозланадиган, уларга шарт шароитлар яратиб берилган жойдагина ўзининг энг ноёб талантларини намоён қилади, гўзал асарлар яратади.

Фикримизнинг исботи учун бир мисол, мўғуллар 1221 йилнинг баҳорида буюк Ҳоразмшоҳлар пойтахти Урганчида забт этиб, шаҳар аҳолисини қирғин қилдилар ва улар орасида юз минглаб энг моҳир уста ҳунарсанд ва олимларини Чингизхон империясининг пойтахти Қорақиримга олиб кетади. Шу воқеалардан

30-40 йилча кейин Коракиримда бўлган Италия сайёҳлари у ерда карийб икки миллод турли миллатга мансуб хунарманд ва донишмандларни учратганлар. Демак, мўғуллар ўзлари босиб олган барча катта шаҳарлардан зиё аҳлини олиб келганлар. Лекин унга олимлар, хунармандлар ва донишмандлар бирор бир ҳотира колдира олдиларми? Бу саволга иккиланмасдан «Йўқ» деб жавоб бериш мумкин. Чунки, у олим хунармандлар маданият марказларида зўрлик билан кўчириб кетилган бўлиб, саҳро ўртасида жойлашган ўтов ва капалардан иборат муваккат бир «шаҳар» бўлган. Коракиримда ижод аҳли учун ҳеч қандай шароит йўқ эди. Шунинг учун у шўрлик бахтсизлар ўзларидан ҳеч қандай асорат колдирмай бекорга саҳрода ўлиб кетдилар.

Темурнинг усталар меҳнاتини кадрлагани учун унинг давлати қурилишида, хусусан Амир Темур жомъеси ва Бибиҳоним мадрасаси қурилишларида Ибн Арабшоҳ машҳур сангтарош ўз хунарида тенги йўқ мўжизалар устаси Октун ва машҳур Абдулҳай Ал-Боғдодий номларини тилга олади.

Абдулҳай Ал-Боғдодий ўша даврнинг машҳур мусаввири Султон Увайсий Жалонрий-уста Шамсиддиннинг тарбиясини олган. Амир Темур 1393 йилда Ирокни забт этгач, уни Самарқандга олиб келиб, саройдаги наққош ва мусаввирларнинг раҳбари қилиб тайинлайди. У гўзал асарлар яратиб, меъморий обидаларга зеб берган. Умуман олганда Темур ҳар бир талант эгасининг меҳнатини кадрлай билган, шу сабабли академик В.В.Бартолд Руи Гонсалес де Клавихо жўр бўлиб, унинг вайронагарчиликлар қилганлиги ҳақида гапирсалар ҳам Темурнинг буюк бунёдкор ва ижодкор эканлигини тан олишга мажбур бўлган. «Темур бир вақтнинг ўзида ашаддий бузғунчи ва ташаббускор қурувчи эди, у буюк иморатлар барпо этди ва уларни улкан боғлар билан ўради. Шаҳар ва қишлоқларни тиклади, сув иншоатлари барпо этилди ва бузилганлари тузатилди ва маданият барпо этиш мумкин бўлган ер майдонларини бўш қолдирмас эди. Темурнинг ижодкорлик фаолияти ҳам унинг қилган вайронагарчиликлари каби қишини ҳайратга қолдиради. Мусулмон меъмorchидлигининг энг яхши даври Темур ва унинг аждодлари номи билан боғлиқ.

Амир Темур даврида тасвирий санъат ҳам ривожланди. Тўғри, ислом дини инсон қиёфасини очишни ман этади. Бирок Куръони Каримда бу хусусда очик айтилмаган, фақат санамларга сиғинмаслик ҳақида гап боради ҳамда «ансос», яъни ҳайкалларни шайтон васваси туфайли вужудга келган деб қайд этилганди холос. Аммо, бироз кейинроқдаги шарҳларда шундай дейилади: «Оллоҳ таоло ҳамда инсон қиёфасини чизишдан эҳтиёт бўлинг ва фақат дарахтлар, гуллар ва жонзод нарсаларни чизинг».

«Жонли нарсаларни чизган одам бахтсизликка дучордир. Рўзи машҳарда мусаввир тасвирлаган қиёфалар расмдан чиқиб унинг олдига келадилар ва бизга жон ато қилинг деб талаб қиладилар. Ана шунда у одам ўзи чизган суратларга жон ато этолмагани боис дўзахдан жой олади».

Бундай катағон ўрта аср ислом шарқининг тасвирий санъатига ўз таъсирини ўтказмай қолмас эди, албатта ва шундай қилиб бу санъатнинг энг асосий диккат эътибори нақшга қараб йўналди.

Амир Темур салтанатида миниатюра санъати қўлёзма адабиётининг ажралмас бир қисмига айланди. Айни вақтда даврий суратлар чизиш санъати тикланди, аммо ХУ1 асрга бориб тўхтади.

Ибн Арабшоҳ ўз асарида Амир Темурнинг Самарқанддаги саройларида бир канча деворий суратлар бўлганини ёзади. Уларда саройдаги қабул маросимлар, жанг воқеалари ва бошқа воқеалар ҳамда ўғил ва набиралари, аёллари ва канизаклари тасвирини ҳам беради.

Шарафуддин Али Яздий Боғи шамол саройини безашда Эрон ва Ироқдан машҳур мусаввирлар ташриф буюрганини ёзади.

Темур давридаги Самарқанддаги учта-Ширинбека оға, Бибиҳоним ва Туман оға макбараларидаги тасвир бизгача етиб келган. Уларда наққошлик ва ҳаттотлик санъати намуналари билан бир қаторда тасвирий лавҳалар ҳам мавжуддир. Ширинбека оға макбарасида кўп рангли сурат бўлса, қолган икки бино деворларида фақатгина оқ ва мовий ранглардан фойдаланган қилма-қил манзарали ва мевали дарахтлар чизилган. Уларнинг айримлари гуллаб турган бўлса, бошқалари ҳосил етилган, бута ва гиёҳлар яшнаб турибди.

Темур даврида яшаган ҳунармандлар томонидан ноёб асарлар яратилган. Қулоллар томонидан қошинлар, бадийий ўймакорлик усталари эса ёғоч устунлар, эшиклар, шин панжалар билан бирга меҳроб ва курсилар, зеб-зийнат қутичалари, қаламдон ва лавҳалар ишланган.

Бу даврда металл ўймакорлиги ҳам тараккий этди. Бронза қуйиш санъатининг юксак намунаси бўлган қирққулоқли қозон ўша давр ҳунармандлари маҳоратидан далолат беради. Қозоннинг вазни 2 тоннадан зиёд, устки доирасининг диаметри 2,5 метр. Унинг қаланд оёқлари нақш билан қопланган қозоннинг қорнига икки қатор йирик ҳат, улар орасида ингичкароқ ҳат белбоғ бўлиб тушган. Пастки қисмида эса нақшлар бор. Юқоридаги ёзув нақш ичидаги наш усулида битилган. Ушбу қозон Амир Темурнинг буйруғига қиноан Ҳўжа Аҳмад Яссавий масжиди учун ҳижрий 801, яъни милодий 1399 йилда ишланган ҳаж сафари ҳадяси сифатида берилган.

Мазкур қозонни уста Абдулазиз Шарафуддин ал-Табризий ясаган.

Ўймакор усталар олий тоифага мансуб лашкарбошилариининг ҳарбий қурола-аслаҳалар, дубулға, қалқон ва қилич сонларига ўйма нақшлар билан зеб беришган.

Амалий санъатнинг кенг тарқалган турларидан бири бўлган қулолчиликда усталар ўзларининг моҳирона қасбини намойиш эта олганлар.

Амир Темур даврида Самарқандда ўзига хос миниатюра рассомчилик мактаби қарор топган. Туркиядаги Тупқош сарой ва Берлин қутубхоналарида сақланаётган «Стамбул албомида»ги қўчирма ва ҳомаки миниатюра нушаларида алоҳида шахслар, дарахтлар, гуллар, нақшлар рассом меҳнатининг маҳоратидан далолат беради.

Миниатюра рассомчилиги -Шарқ тасвирий санъатининг ажойиб санъатларидан ҳисобланади. Ҳозирги замон тадқиқотчилари эса унинг тасвирий маъносини турлича талқин этишади. Айрим миниатюраларни шеърят, тарих, маънавий-тарбиявий аҳамиятга, воқеа-ҳодисаларни қўрғазмали равишда бериш жиҳатида эътибор қаратишга, бошқа бир гуруҳ вакиллари миниатюралардаги композиция, образлар, айрим деталлар сўфийлик таълимотига хос-ҳаққа етишиш йўлидаги ҳаракатларини ифодалайди, деб баҳо берадилар.

Шарқда миниатюра рассомчилигининг ривожланиши адабиётнинг раънақи билан бевоқифа қамбарчас боғлиқ. Мусаввирлар қўпинча Фирдавсий, Низомий, Ғанжавий, Ҳусрав Дехлавий асарларига расмлар ишлашади. Ҳ1У асрда «Жомъе

ут-таворих», «Тарихи Рашидий» каби замонанинг воқеа ва ҳодисаларидан баҳс этадиган тарихий асарларни безай бошлашди. Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Ҳотифийнинг «Темурнома» асарлари жангу-жадал лавҳалар билан жилоланди. Миниатюра Шарқ шеърояти қаҳрамонлари Лайли ва Мажнун, Ҳусрав ва Ширин, баҳодир Рустам каби персонажларга жуда оҳанграбо тарзда тасвир бера олган.

Миниатюраларда тасвирланган суратларга қараб, аجدодларимизнинг кийим-кечаклари, атрофларида ашёлар, буюмлар, асбоб-ускуналар, курул-яроғлар, сарой аҳилларининг одатлари кўзгусида аниқ тасаввур ҳосил қиладилар. Аммо миниатюра асарларининг асосий киймати шу билан чегараланиб қолмади. Миниатюра санъати мусулмон Шарқининг Ироқдан Эрон орқали Ҳуросондан Мовароуннаҳргача ва Ҳиндистонгача бўлган ҳудудда муайян бир даврнинг ўзига хос бадиий эстетик ҳодисаси эди.

Маълумки Амир Темур даврида миниатюра санъатида муҳим ўзгаришлар бўлиб беради. Самарқандда наққошлар турадиган алоҳида бир кўча-Кўйи Наққошон бўлган.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида ижод қилган машҳур мусаввир асли боғдошлик Абдул Ҳайёнинг («Чўлда қолган дарвеш») Темурийлар портретлари ўша даврда миниатюра санъати ривожидан далолат беради.

Темур ҳаётига оид илк асарлардан бири «Тоғдаги ов» деб аталди.

Абдул Ҳайё шогирдларидан айримларининг номлари бизгача етиб келган. Шайх Маҳмуд Талимий, Пир Аҳмад Боғишамолӣ.

Умуман олганда Амир Темур даврида миниатюра санъати анча ривож топган.

Темур ва темурийлар даврида Ўрта Осиёда томоша сифатида биз билган маънодаги фожеа, драма, комедиядан иборат театр бўлмаган, албатта. Бироқ кенг халқ оммасига мўлжалланган тайёрлаштирилган томошалар бор эди. Халқ сайиллари, бозорлар ва тўйларда машарабоз ва кўғирчоқбозлар ўйин кўрсатишган. Бу жанрлардаги артистлар мусикачилар билан биргаликда махсус тўдаларга биришган ва Жаброил фаришта уларнинг пири ҳисобланган.

Ҳ1У-ҲУ асрларда Мовароуннаҳрда мавжуд бўлган анъанавий байрамларнинг илдизи минг йилликлар қаърига қараб кетар ва бу ерларда ўрнашиб қолган ислом ҳам уларни қабул қилишига тўғри келган эди. Булар табиат уйғонишига боғлиқ баҳорги сайл, Наврўз байрами ва бошқалардан иборат бўлган. Байрамлар шаҳару-қишлоқларда бирдек ўтар, лекин пойтахт Самарқандда, айниқса кенг қўлам касб этар ва уларда жамики ижтимоий табакалар ҳонадони аъзоларию сарой аҳлидан тортиб аҳолининг энг қашшоқ қатламларига қадар қатнашар эди.

Машарабозлар санъати кўп жиҳатлардан бадиҳага, жонли мулоқот ёки монологга асосланган, халқ оғзаки комедиялари, сатирик ва юмористик ҳикоя ҳамда латифалар, ҳажвий понтамимик рақслар, аския ва чандишдан иборат бўлган, таклидий кизикчилика лоҳида ўрин тутган. Томоша санъати гарчи, мутаасиб руҳонийлар томонидан қораланса ҳам кенг омма ўртасида машҳур эди.

Масалан, Шарафуддин Али Яздий Самарқандда Темур даврида ўтган байрамлардан бирини қуйидагича тасвирлайди:»Ҳамма томондан созандалар қуй

чалишар, ҳонандалар кўшиқ куйлашар, ой юзли, акл-коматли, гўзал ва ноз-карашмали раққослар нафис мукомлари, чапдаст рақслар шиддатли ҳаракатлари билан барчани мафтун ... Туркча, мўғулча, хитойча, арабча кўшиқлар ва рақслар ижро этилди. Кизикчилар гоҳ ҳикоялар, гоҳ кулгули томошалари билан томошабинларга чексиз кувонч улашишди. Турли туман куй ва кўшиқлар, гўзал ҳонандаларнинг ҳумор боқишлари, акиқ лабларидан учаётган ром этувчи овозлар, ҳар бир чолғу асбобларининг сирли садоси байрам катнашчиларига лаззат ато этади гўё» Бу ерда ҳайвон терисини ёпинган мукаллидлар ётиши, сакраши ва бошқа киликларни кўрсатиб беришарди. Бу ҳил мукаллидларнинг тасвири миниатюраларда ҳам учрайди. Ҳайвон терисини ёпинган мукаллиднинг маҳорати ҳақида Навоий ҳам ёзган.

Аслзодалар доирасида халқ томошалари расм бўлмаган, бу ҳол мажлисларда тўпланганларнинг кўнглини очиш учун полвонлар курашини, висол онларида рақсларини кўриш мумкин.

Санъат усталарининг ижтимоий аҳволи ниҳоятда оғир бўлган.

Олам уйғунлигининг номоён бўлиши ва идрок этилиши сифатида мусика Ўрта Осиёда қадимдан улкан рол ўйнаган. Ўрта асрларда у эстетик илмий ва рамзий маънолар ҳам касб этди.

Ўрта асрларда аниқ ва табиий фанлар, айниқса математиканинг ривожланиши мусикани назарий жиҳатдан англаб етишга, оҳангдорлиги ва ёқимлилигини тушинишга олиб келди. Темур ва Улуғбек даврида Самарқанд ва Ҳиротда мусикага бағишланган бир қатор рисолалар ёзилди. Бунда чолғу ва кўшиқчилик мусикаси мавҳум, рамзий тарзда талкин этилди, чунки бу асосан тасаввур билан боғлиқ бўлиб, унинг маросимларида мусика муҳим рол ўйнайди.

Ҳ1У-ҲУ асрларда бутун Ўрта Осиёдаги мусика маданияти кенг аҳоли оммаси ва олий табакалар ҳаётининг узвий бир қисми саналган.

Амир Темур забот этилган мамлакатларга маданият ва санъат арбоблари қаторида Самарқандга мусикачиларни ҳам жўнатиб туради. Улар орасида айниқса, Абдулқодир (1353-1435) ниҳоятда машҳур эди. Озарбайжоннинг йирик маданият маркази бўлган Мароғадан чиққан Абдулқодир уйғониш даврига мос тарзда ҳилма-ҳил билим ва истеъдодларга эга: шоир, ҳонанда, қори, мусика ижрочиси ҳамда назариётчиси эди. Самарқандда ва кейин Ҳиротда эканида унинг ижодий фаолияти, айниқса сермахсул бўлди. Бу ерда пойтахт мусикачиларига мураббийлик, умумшаҳар байрамлари, сарой базмлари ва алоҳида мажлисларда мусика дастурига ташкилотчилик қиларди. Айни пайтда у турли классик оҳанглардан асарларнинг, айниқса навбағ жанридаги тўрт қисмли бир асарнинг ижодқори сифатида ҳайратомуз ижодий фаолият кўрсатган. Бундан ташқари, мусика бўйича бизгача етиб келган бир қатор рисола қўлланмалар ёзган. Манбадаги маълумотларга қараганда, Улуғбек мусикага эстетик завқ бергани учунгина эмас, балки уни ижодий ривожлантириш мақсадида ҳам кизиккан. Зотан, у математика билимдони сифатида формула ва ёзувларга асосланган мусикага оид рисолаларни жуда яхши тушунарди. Унинг ўзи катта-кичик ноғораларда ижро этувчи булужи, шодиёна аҳлокни усулиравон ва уллучи қаби бешта мусика асари ёзган.

Кейинги даврларнинг маълумотларига кўра, Улуғбек мусика назарияси ва ижрочиларнинг умумий сиклига кирган янги оҳангларнинг айрим турларини ҳам

ижро килган кўринади.

Аждодлардан меросга колган ва айрим ўзгаришларга учраган мусика асбобларини таркиби торли ҳамда уриб, чертиб ва пуфлаб чаладиган турларидан иборат эди. «Мусика асбобларининг шоҳи» аввал тўрт торли бўлган, уд тасвирланаётган даврда 10-12 жуфт торли эди. Ҳам торли, ҳам чертиб чалинадиган ноғора ва доира бор эди. Асосий мусика жанрлари шашмаком сингари анъанавий шаклларда анча аввал таркиб топган, албатта, лекин бу даврда улар ижодий жиҳатдан бойиди.

Ўрта Осиё минтақасида кўп таркибли аркестр бўлмаган. Ижро этилаётган куйнинг оҳангдорлигини танбур яратар ва унга асосан уд, камдан-кам холларда най ёки чанг жўр бўлар эди. Аксари вақт уд чалувчининг ўзи кўшиқ айтган, зотан, Шарқ халқларининг маънавий ҳаётида шеърият улкан рол ўйнаганига боғлиқ ҳолда кўшиқни бу даврнинг айниқса мусика маданиятидан ажратиб бўлмаган. Ананавий китобий шеърият ёки халқ оғзаки ижоди ҳонандалик ёки мусика жўрлигида шеър ўқишдан катъий назар умуман ижрочилик учун ҳонандага бой материал беради. Колаверса, бунда шеърнинг оҳангдорлиги мусика жўрлигининг оҳангдорлигини белгилаб берган.

Ҳарбий юришларда эса ноғора ва карнайлардан фойдаланган, чунки ноғоранинг улуғвор оҳанги ва карнайнинг суронли садоси кўшиннинг жанговор руҳини кўтарган, айти пайтда душманлар юрагига кўркув солган. Бундан ташқари, ноғора-карнай садолари шаҳарга Темур, Улуғбек ва бошқа ҳукмдорлар кириб келаётганидан аҳолига ҳабар берган.

ҲУ асрнинг 1 - ярмида ва ўртасида яшаб ўтган энг машҳур мусикачиларнинг айрим номлари манбаларда сақланиб қолган. Жумладан, Дарвеш Аҳмад Қонуний чалишда беназир бўлган. Султон Аҳмад майда ном чиқарган. Самарқандда ҳивалик мусикачи Девонали Ҳисобий машҳур эди..

Мусика асарларининг ишлаб чиқилган муайян оҳангларда ҳамда амал, сабт, пешрав, нақш, тарона сингари янграш изчиллиги бўйсундирилган шакллари кенг оммалашиб кетиб, айримлари, ҳатто Шашмакомнинг умумий сиклида ўрин олди.

Тасаввуф руҳидаги мусика асарларида мусликий ижод ва ижро алоҳида бир муҳим рол ўйнаган. Зикр тушиш даражасига етишда мусика билан сўз қудратли таъсир кўрсатишга тасаввуф таълимотининг илк босқичларидаёқ эътибор берилган.

Фойданилган адабиётлар:

Каримов И.А. Амир Темур фаҳримиз, ғуруримиз. 1996. 24 октябр.

Амир Темур Курагон. Зафар йўли. Т. «Нур», 1992.

Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-2 китоб.

Т. «Меҳнат», 1992.

Темур тузуклари. Т., «Ғ.Ғулом», 1991.

Иванин М. Икки бўёқ саркарда.

Шарафуддин Али Яздий. «Зафарнома».Т. «Шарқ» нашр. 1997.

Амир Темур ўғитлари. Т. «Наврўз», 1992.

Сомон йўли. Т. «Камалак», 1992.

Мўминов И.М. Амир Темур ва унинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т.

«Фан», 1968.

Греков Б.А. . Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда ва унинг кулаши. Т. 1956.

Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. Т. «Ёзувчи». 1996.

8-мавзу. АМИР ТЕМУР ДАВРИ ДИПЛОМАТИК МУНОСОБАТЛАРИ

Режа:

Амир Темур моҳир дипломат.

Темур ва Шарқ мамлакатлари.

Амир Темурнинг Европа давлатлари билан элчилик муносабатлари.

Хулоса.

Амир Темур ва темурийлар даврида ташқи сиёсат ва дипломатик алоқалар давлатнинг ички сиёсати билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Амир Темур даврида ташқи сиёсат алоқалари ва дипломатиясини ҳеч бир муболағасиз халқаро муносабатлар тарихимизнинг энг ёрқин саҳифаларидан дея оламиз.

Амир Темур атоқли давлат арбоби, енгилмас саркарда бўлиб етишиш билан бир вақтда қобилиятли ва сезгир сиёсатчи, моҳир дипломат сифатида ҳам тарихда ном қолдирди. У яшаган давр халқаро муносабатлари ва дипломатияси мағзини чақишда энг аввало ўша замондаги жаҳон сиёсий, иқтисодий, мафкуравий манзарасига назар ташлаш керак. Шундагина Амир Темурнинг ҳар бир муайян вазият ва масалада тутган сиёсати ва ёндашувининг сабабларини кўра оламиз. Бу ўз ўрнида Амир Темур даври давлатимиз ташқи сиёсати ва дипломатиясининг моҳиятини англаш учун йўл очиб беради.

Ҳ1У аср,умуман,дунёда ва, ҳусусан, Мовароуннаҳрда (Амир Темургача) бошбошдоклик, сиёсий тарқоклик ва қарама-қаршилиқлар авжига чиққан юз йиллик бўлган. Чунончи, минтақамизда ҳар бир вилоят ўз бошида бўлгани ва Темур тахтга ўтиргач мамлакат бирлаштирилгани ва бунинг бўлгани сир эмас. Атрофда эса, ҳусусан, Ўрта ва Яқин Шарқда қуртлар (маркази Ҳирот), сарбадорлар (Сабзавор, Астрабод, Нишопур, Машҳад), музаффарийлар (Форс, Кермон,Курдистон), жалойирийлар (Ирок, Озарбайжон, Арманистон, Ғарбий Эрон) ҳамда бир қатор бошқа вилоятлардаги маҳаллий сулолалар,ойдинийлар, мунташойлар, такоелитлар, қармиёнийлар, қорамонийлар, усмонийлар қабил бир қатор қатта-кичик сулолалар фаолият кўрсатиб, улар орасида усмонийларнинг обрў-еътибори юқорироқ бўлсада, ўзаро зиддиятлар тўла барҳам топмаган эди.

Европада ҳам аҳвол шу тарзда эди. Европа халқлари бу вақтда марказлашган давлатчилик йўлига қираётган, шаҳар маданияти эндигина шаклланаётган эди. Масалан, Италияда Флоренсия, Сиена, Пиза, Милан, Венеция ва яна бир қатор давлатлар мавжуд эди. Франциянинг аҳволи бир оз дурустроқ кўринса-да, у ҳам марказлашган ҳокимият остида бирлаша олмаётганди. Айниқса, 1337 йили Англия билан бошланган ва умуман ҳисобда юз йилдан ортиқ давом этган уруш ички вазиятни янада қескинлаштириб юборган эди. Буларнинг бари ташқи сиёсатга таъсир кўрсатмасдан қолмасди.

Амир Темурнинг Туркистон ва Ўрта Шарққа нисбатан тутган сиёсатини

шарҳлашда куйидагиларни назарда тутмок лозим. Туркистон, Эрон, Хуросон, Шимолий Ҳиндистонни ўз ичига олган бу ҳудуд асрлар давомида сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий муштараклик, яхлитлик, якинлик шароитида яшаб келган. Шу сабабдан ҳам 1370 йили ҳокимият тепасига келган Амир Темур ўтган 150 йиллик чингизийлар ҳукмронлиги давомида тилга олишга, улкан ҳудудда юз берган ўзгаришлар ва ҳосил бўлган воқеликлар билан ҳисоблашишга мажбур бўлди. У Туркистонни бирламчи тарзда бирлаштиргач, сўнг дастлабки иши шу бўлдики, собиқ Чингизий улусига даъвогарлик ўчоғи ҳисобланмиш Мўғулистонда мавжуд сиёсий кучлар пайини қирқишга жазм этди. Ҳ1У асрнинг 70 йиллари давомида Мўғулистон томон бир неча марта ҳарбий юришлар уюштириб, юқоридаги кучларни заифлаштиришга ҳаракат қилди. Бунинг учун, 1383, 1389, 1390 йилларда ҳам юришлар уюштиргани тарихдан маълумдир.

Мовароуннаҳрга ҳавф туғдирадиган иккинчи куч шимолда эди. Бу Олтин Ўрда эди.

Мўғулистондан сўнг Амир Темур Олтин Ўрда «масала»си билан шуғулланишга киришди. «Ўзи ҳомийлик қилган Тўхтамиш билан рўй берган воқеалар тарихидан маълум. Ҳ1У асрнинг 80 йиллари ўрталарида Амир Темур Хуросон, Сейистон, Кандаҳор, Шимолий Эрон вилоятларини ўз ҳукуми остида бирлаштиришга муваффақ бўлган эди. Унинг бу зафарли юришларидан узок-яқиндаги сулолалар, сиёсий кучлар ҳабардор эдилар, албатта. Гарчи улар кўп ҳолларда, ўзаро зиддиятда бўлишларига қарамай Амир Темурнинг шахдам фаолияти олдида дипломатик борди-келдиларни кучайтириб музокаралар олиб бордилар. Бир вақтнинг ўзида ҳар қандай тадбирни тинчлик, дипломатия йўли билан битириш тарафдори бўлган соҳибқурон ҳам улар билан элчилик алоқаларини йўлга қўйиб, уларнинг кўнглини олиш, хотираларини жам қилишни қанда қилмаган. Шу маънода музаффарийлардан Шоҳ Шужў (1359-1384) билан дипломатик музокаралар жараёни диққатга сазовордир. 784 (1382, 1383) йили Шоҳ Шужо ўз элчиси амир Умаршоҳ орқали Амир ихлоси ва тарафдорларлигини билдиради. Соҳибқурон икки томонлама алоқаларини қариндошчилик воситаси билан мустаҳкамлаш ниятида ўз фарзандларидан бирига Шоҳ Шужо кизларидан сўрайди. Аммо биров ўтиб Соҳибқурон тилга олинган Сейистонга юриш қилган кези бу вилоятга яқин Кермон вилояти ҳокими амир ихтиёридаги Ҳасан ўз ҳукмдори Шоҳ Шужога ҳат йўллаб, унда Амир Темур Сейистондан сўнг Кермонга ҳам ўтса керак, деб ўз ҳавотирини билдиради. Унга жавобан, Шоҳ Шужо жавоб ҳатида, «ул зот ўз лашкарларини дўстлар ва муҳлислар мулкига тажовуз қилишга йўл қўймайдилар» дейиши билан бирга, агар Амир Темур лашкар тортса, бизнинг шижоатли қўшнимиз урушишга тайёр деб асосий мақсадини ойдинлаштиради. Демак, Шоҳ Шужо, бир томондан, Амир Темур билан элчилар орқали музокаралар олиб бориб, унга тарафдорингизман, дея сўз бериб, иккинчи томондан, ҳарбий тайёргарликни ҳам қўриб боравергани маълум бўлади.

Музаффарийларга мансуб бўлган Шоҳ Мансурдан ташқари барчаларига Амир Темур ўз мулкларини бошқариш ҳукукини қайтариб берган. Кўриниб турибдики, маҳаллий ҳокимларга, сулолаларга ўз юртида ҳукмронлик қилиш ҳуқуқларини қолдириш Амир Темур олиб борган ташқи сиёсатнинг муҳим

томонларидан бири бўлган. Бунинг икки жиҳати бўлган бўлиши мумкин: 1.«Соҳибқуруннинг феъл-атвори, дунёкарашидаги шахсий хусусиятлар. 2. Бу йўлнинг амалий нафи, яъни тинч ва дипломатия манфаати узил-кесил йўқка чиқарилмаса, яна хизмат килиши мумкин. Акс холда, у душманга айланади, курашни давом эттиради. То шу чоккача Амир Темур юритган ташқи сиёсат масаласига баҳо берилганда деярли доим бир анъана ҳукм суриб келган, яъни соҳибқуруннинг ҳарбий юришлари фақатгина унинг ҳарбий манфаати ва салтанатпарастлик режаларини рўёбга чиқариш йўлида амалга оширилган. Гўё унинг бутун фаолиятини «уч йиллик», «беш йиллик», «етти йиллик» юришлардан иборат бўлган ва бутун умрини шунга бағишлаган.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, Амир Темур ҳеч қачон «уч йиллик», «беш йиллик», «етти йиллик» уруш режаларини қилмаган. Биринчидан, мазкур тушунчаларни Ш. Али Яздий тамоилга киритган. Ундан олдин калам тебратган Шомий, Натанзий каби тарихчиларнинг асарларида бундай таърифлар йўқ. Иккинчидан, ҳатто ушбу таърифлар шартли тарзда қабул қилишганда ҳам соҳибқурун муттасил ва тўхтовсиз ҳар қуни, ҳар ойда уруш билан машғул бўлган, деган ҳулосага қелиш нотўғри.

Зеро, жанг одатда бир неча соат давом этади. Қолган вақт эса унга тайёргарликка бир манзилдан иккинчисига қўчишга сарф бўлган. Учинчидан, соҳибқурун салтанатини фақат Самарқандда туриб эмас, тўғридан-тўғри жойларда ҳам бошқараверган. Бундан ташқари жангу-жадаллар ташқи сиёсатдаги бирон-бир муаммо, масалани ҳал этишнинг сўнгги ё навбатдаги босқичи бўлган.

Елбурзгача бўлган ерларни эгаллаш билан Амир Темур Кичик Осиё (усмонийлар) билан Шимолий Кавказни (Олтин Ўрда) ва Шимолий Кавказ билан Жанубий Озарбайжонни бир-биридан узиб қўйган. Ўзига қарши шайланган Тўхтамишхон, Султон Аҳмад, Жалойир, усмонийлар, музаффарийлар орасига тўғанок бўлиб ёриб келган. Уларнинг ўзаро муносабатда бўлиш йўлларига ғов солган. Қорабўғда қишни ўтказаетган Амир Темурга баҳор яқинлашганда Тўхтамишхон Дарбанд орқали Самур дарёси томон қўшин юборгани ҳақида хабар келади. Бу воқеа 1387 йилнинг баҳорида бўлади. Тўхтамишхоннинг 1386 йили Табриз юриши эса бунга қўйилган биринчи қадам эди, десак ҳато бўлмайди. Тўхтамишхон олдида қўйган мақсадга осонлик билан эришиб бўлмаслигини яхши билган холда иттифокчилар излай бошлаган. Шу ниятда у 1385 йил январидаёқ Миср ҳукмдори мамлуклардан бўлмиш Султон Барқукка (1382-1388) ўз элчиларини юборган. Ўша замон тарихчилари гувоҳлик беришларича, Миср ҳукмдори элчиларни зўр иззат-икром билан кутиб олган. Элчиликдан қўзланган мақсад эса, Амир Темурга қарши Султон Барқукни иттифокка тортиш бўлганига шубҳа қолмаса бўлади. Зеро, биринчидан, Олтин Ўрда ва Миср мамлакатлари Озарбайжондан шарқ ва жанубда мужассамлашган кучларга қарши эскидан иттифокдош бўлиб келганлар. Иккинчидан эса Миср ҳукмдори (мамлуклар) Амир Темурнинг ғарбга қараб қўлчиб боришдан манфаатдор эмасдилар ва бу ҳол уларнинг Тўхтамишхон билан иттифокка киришлари учун етарли асос бўла оларди. Тарихий манбаларни, айниқса, шу давр асосий қаҳрамонлари бўлмиш усмонийлар, жалойирийлар, қорақўнлилар, музаффарийлар, мамлуклар ҳамда Олтин Ўрда ҳукмдорларининг ўзаро алмашган мактубларини ўрганиш шундай ҳулосага олиб келадики, Амир Темурнинг ғарбий йўналишда халқаро майдонга

чиққанидан то Султон Боязидни енгунга кадар (1402) Ўрта ва Якин Шарқ, Кичик Осиё ҳамда Олтин Ўрдадан, яъни усмонийлар, жалойирийлар, коракуюнлилар, музаффарийлар, мамлуклар, Тўхтамишхондан иборат ўзига хос ҳарбий сиёсий иттифокка қарши курашишга тўғри келган. Бу иттифокка бош-кошликни усмонийлар олиб борганлар. Улар асосан четдан туриб, бошқаларнинг қўли билан иш қилганлар. Иттифокдаги энг абжир куч эса Тўхтамишхон ҳисобланган. Колган кучлар унга нисбатан ўзгарувчан, китмир кучлар бўлган.

Қўлларида бирор тадбир келмагани сабаб асосан усмонийлар пинжига кириб ҳаракат қилганлар. Аммо ҳар бирлари ўз манфаатларини, ўз мандаатларини ҳеч қачон эсдан чиқармаганлар. Шу маънода музаффарий Шоҳ Мансўрнинг Султон Боязидга йўллаган ҳатидаги бир жумла кизик: «Унда Шоҳ Мансўрнинг усмоний ҳукмдорга, агар Амир Темур сизни иттифокка чорласа, яна кўниб юрманг, мазмунидаги сўзлари битилган. Кўриб турганимиздек, «Китмир» кучлар ўзларидан ҳавотир олиб барчага шубҳа билан қараганлар. Энди мазкур иттифокда усмонийларнинг тутган ўрнига батафсилроқ тўхталиб ўтсак. Султон Боязиднинг Шоҳ Мансу илтижо билан ёзган ҳатига жавобида шундай кўрсатмалар бор: «Каро Юсуф ва Султон Аҳмад менинг паноҳимдадирлар. Уларга лашкар бериб Диёрбакрга жўнатдим. У ерда улар кеча-қундуз каттол билан машғулдирлар. Сиз ҳам ўз ерларингизда пистирмада туриб фурсат туғилишини кутинглар. Бундан ташқари гоҳ у жойдан, гоҳ бу жойдан Амир Темурга зарба беришни қўлдан берманглар. Охири ҳайирли бўлишига шубҳа йўқ». Шунга ўхшаш кўрсатмани Султон Боязид Каро Юсуфга ҳам берган: «Сизлар Ширвон, Гилон, Луристон ҳокимлари билан бир тану бир жон бўлиб, кеча-қундуз Амир Темурга қарши жанг қилмоқларинг керак». Ё бўлмаса, Султон Аҳмад Жалойирнинг Султон Боязидга ёзган ҳатидаги куйидаги таъкидларга эътибор берайлик: «Шом ёки Миср султонлари ва ҳокимлари ўртасида Амир Темурга қарши кураш масаласида бирлик мавжуддир. Бу ёғи энди сизга боғлиғ». Султон Аҳмаднинг бу сўзларига ҳеч шубҳа билдирмаса бўлади. Кўриладиган даврда халқаро муносабатларда учта йирик куч фаолият кўрсатган: усмонийлар, Олтин Ўрда ва Амир Темур, ҳарбий-сиёсий, иқтисодий имкониятлар нуқтаи назаридан уларнинг ҳар бири халқаро майдонда етакчилик қилиш мумкин эди.

Тарихан қисқа фурсатда қудратли салтанатга айланган Темур давлати ва унинг ҳукмдори замондошларининг эътиборини ўзига жалб этибгина қолмай, балки Евросиё мамлакатларида юз бераётган барча воқеаларга ҳам таъсир кўрсатди. Бу Темурнинг ғарбга томон «етти йиллик» юришлари даври (1399-1404)гача, қудратли Усмонли Турклар империясига қарши уруш бошлашга кадар яққол намоён бўлган эди. ХIУ аср охири-ХV аср бошларида Якин Шарқда мураккаб сиёсий вазият вужудга келди. Бу вақт бир томондан ҳарбий қудрати тобора ортиб бораётган Туркиянинг Болкон ярим ороли давлатларига нисбатан таҳдиди қучайиб, бутун Европани ҳавф остига солаётган бўлса, иккинчи томондан, бу қудратли давлатнинг ўзи Ғарбга томон шиддат билан бостириб келаётган ҳавфли рақиб Амир Темур қўшинлари билан тўқнашиш таҳликаси остида қолган эди. Натижада Кичик Осиёда икки фотиҳ ўша вақтда ўз ҳарбий қудрати жиҳатидан энг юксалган Темур билан Ғарбий Европада даҳшат солиб турган Боязиднинг манфаатлари

ўзаро тўқнашди. Бундай сиёсий вазиятда Туркияга қарши душман кучларининг маълум даражада бирлашуви табиий эди. Авваламбор Боязиддан енгилиб, ўз ер ва мулкларидан маҳрум бўлган Кичик Осиёдаги майда султонликларнинг ҳоким ва амирлари Темурдан мадад истаб, унинг Корабоғдаги ўрдугоҳига бориб паноҳ топадилар. Византия ва Ғалатиядаги Генуя ҳокимининг ноиблари, Франция кироли ҳамда Султония шахрининг католик миссионер (таблиғ)лари нажот истаб Темурга мурожаат қиладилар. Туркия султони Боязидга бирлашиб зарба бериш мақсадида Византия императорининг Константинополдаги ноиби Иоанн У11 Палеолог ва Генуянинг Перадаги ҳокими (Константинопол якинидаги мавзе) Трабзон (Трапезунт) императори Мануил 111 воситасида Темурни Туркияга қарши юриш бошлашига ундайдилар. Бунинг эвазига улар ҳарбий юриш вақтида унга ёрдам бериш ҳамда Константинопол ва Перанинг Боязидга тўлаб келган божини бундан буён Темурга тўлашга ваъда қилдилар. Бундай таклиф шубҳасиз, Темурга макбул бўлади. Шундай қилиб XIV аср охири XV аср бошларида Туркия империясига зарба бериш учун қулай сиёсий вазият вужудга келади.

Бу даврда Темур Боязид билан ўзаро дипломатик ёзишмалар олиб бориш билан бир қаторда, Туркия билан бўлажак тўқнашувда Трабзон ва Константинополнинг ҳарбий кемаларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Шу мақсадда у Генуя ва Венесияга совға-саломлар ҳамда мактублар билан Ватикан вакили архиепископ Иоанн Галонифонтибус бошчилигида элчилар юборди.

Ўзаро ёрдам масаласида Темур Константинопол императорининг ноиби Иоанн У11 Палеолог билан ҳам ёзишмалар олиб боради. Темурнинг 1402 йил 15 май куни Иоанн У11 Палеолог номига йўллаган ҳатининг мазмунига қараганда, Константинопол императори ва Генуянинг Перадага хизмат қилиши, ҳатто унга «одамлар ва ҳар қайсиси 20 тадан 40 ҳарбий кема билан» ёрдам бериш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Буни Испания элчиси Клавихо ҳам ўз кундалик дафтарида қайд қилиб ўтади.

Темур бу даврда Франция кироли Карл У1 (1380-1422), Англия кироли Генрих 1У (1399-1413) ҳамда Канстилия ва Леон кироли Генрих 111 де Трастамара (1390-1407) лар билан дипломатик алоқалар ўрнатиб ёзишмалар олиб боради. Бу давлатлар орасида айниқса Франция, Византия империяси тақдирига бефарқ қарай олмас эди. Шу боисдан Франция фуқаролари ҳисобланган генуяликларнинг ер ва мулкларини, айниқса Ғалатиядаги мустамлакаларини ҳимоя қилиш учун Карл У1 ўз навбатида Темурдан мадад кутар ва у билан дипломатик алоқалар ўрнатишга интилар эди. Темур ва Карл У1 ёзишмаларида қайд этилишича, соҳибқурон киролини жиддий қўллаб-қувватлайди. Шундай қилиб Темурнинг Кичик Осиё ва Ғарбий Европа давлатлари билан олиб борган дастлабки дипломатик ёзишмалар ва элчилик алоқалари унинг Ғарбга Туркия устига юриш муносабати билан бошланиб улардан асосан Боязидга қарши биргаликда курашиш режалари кўзда тутилади. Бирок Анқара якинида туркларнинг 200 минглик кўшини устидан қозонилган буюк қалабадан сўнг Темурнинг Ғарбий Европа давлатлари билан алоқаларининг мазмуни тубдан ўзгарди. Эндиликда Темур улар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда элчилик ва ўзаро савдо-сотик алоқаларини йўлга қўйиш каби

масалалар билан чекланади.

Византия императоридан бож олиб, уни бевосита бўйсундириш билан кифояланган Темур, 1402 йил ёзида Франция ва Англияга махсус элчилик юборади. Эндиликда замонасининг мохир дипломати архиепископ Иоанн Галонифонтибус бошчилик килади. Иоанн орқали Темур Карл У1 ва Генрих 1У номларига махсус мактублар йўллайди. Элчилар Парижга 1403 йил майда етиб борадилар. Бу ерда Иоанн тантанали вазиятда Темурнинг Туркия устидан қозонилган ғалабаси, султон Боязиднинг асирга олингани, турклар асир олган христианларни озод қилгани тўғрисида хабар беради экан, икки мамлакатнинг савдогарлари учун эркин савдо муносабатлари олиб боришини таъминлаш ва агар қирол ҳамда герцоглар рози бўлсалар, бу эркин савдони тегишли битим ёки шартнома билан мустаҳкамлашни таклиф этади. Бунинг учун авваломбор мунтазам ўзаро элчилик алоқаларининг барқарорлиги лозим эди. Шу боисдан Темур 1402 йил 1 августда Франция қироли Карл У1 га йўллаган мактубида бу ҳақда қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: «Бундан кейин сизнинг (одамларингиз) бизнинг ерларимизга ва бизнинг (қишларимиз) сизнинг ўлкангизга ўтган аждодларимиз давридагидек, бориб келиб турсалар сизнинг ва бизнинг номимизни ҳамма жойда олқишлаб турсалар, мамлакатимиз савдогарлари учун фойда келтиришса, кўп хурсанд бўлар эдик. Шунинг ҳам айтиш керакки, эндиликда бизнинг юртимизда савдогарларингизнинг ҳавфсизлиги таъминланади».

Темур давлати билан Англия ўртасида ўзаро дипломатик алоқалар ўрнатилишида ҳам Ватикан вакилининг воситачилик роли катта бўлди. Худди шу даврда у Темур давлатининг ғарбий вилоятлари ҳокими Мироншоҳ (1366-1408) билан Англия қироли Генрих 1У ўртасида олиб борилган дипломатик ёзишмаларда фаол катнашди. 1393 йилда Шимолий Эрон, Ирок ҳамда Табриз ва Султонияни ўз ичига олган мулкларга ҳоким қилиб тайинланган Мироншоҳ Темурнинг кексайиб қолган даврида Ғарбий Европа ҳукмдорларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этди. Бу даврда Мироншоҳ Европа давлатлари билан ўзаро савдо алоқаларини жонлантириш мақсадида христиан руҳонийларига хайрихоҳлик билдириб, савдогарларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш борасида чора-тадбирларни амалга оширади. Шу сабабли Ғарбда Мироншоҳ тез орада «католик динининг ҳомийси» сифатида шуҳрат қозонди.

Темур, Мироншоҳ ва Генрих 1У ларнинг ўзаро дипломатик ёзишмаларидан маълум бўлишича, Англия билан элчилик алоқаларини ўрнатиб, савдо-сотиқни жонлантириш йўлида олиб борилган ҳаракатларда, айниқса Мироншоҳнинг ташаббуси катта бўлган. Чунки буюк Темур империясининг Ғарбий давлатлар билан олиб борган дипломатик ва савдо алоқалари даставвал Мироншоҳ тасаруфидаги ўлкалар орқали ўтар эди. Бундан авваломбор ушбу вилоятларнинг ноиб-манфаатдор эди. Чунки Мироншоҳ қўл остидаги мулкларнинг ғарбий чегаралари Европа давлатларининг сиёсий ва иқтисодий доирасидаги Болкон ярим ороли орқали Ўрта денгиз мамлакатлари билан туташган эди. Англия қиролининг 1403 йилнинг ўрталарида Темур ва Мироншоҳга йўллаган жавоб мактубларида улар билан шартнома тузиш истагини изҳор этади ва шу мақсадда Англиянинг аҳоли ҳамда шарт ва шароитларидан яхшигина хабардор бўлган архиепископ

Иоанни вакил тайинлаб, унга тўла ишонч билдиради. Англия кироли Генрих 1У 1403 йил 15 июнда Темурга ёзган жавоб мактубида «ўзаро алоқаларимиз доирасини кенгайтириш, давлатларимиз савдогарларининг бир-бирлари билан илгари аждодларимиз даврида бўлганидек, учрашиб туришларини таъминлаш ниятидамиз» деб таъкидлаган эди.

Миср ва Туркия султонлари устидан қозонилган ғалабадан сўнг Темур Ғарбий Европада янада кенг шуҳрат қозонди. Европа мустабидларининг Шарққа бўлган азалий кизиқиши ва интилиши янада кучайди. Айниқса Кастилия (Испания) кироли Генрих 111 Шарқ билан жуда ҳам кизиқиб қолган эди. У Темурнинг Туркия султони Боязидга қарши олиб борган шиддатли жангу-жадалларини диққат билан кузатиб борди. 1402 йилнинг баҳорида Паё де Сотоматор ва Эрнан Паласуелос бошчилигида дастлаб Испания элчилари Темурнинг Кичик Осиёдаги қароргоҳига юборилди. Элчиларга Темур ва Боязиднинг қуч-қудрати, бойлиги ва армиясининг сонини билиш ҳамда улар қўл остида яшаётган халқларнинг урф-одатлари, дини ва қонунлари ҳақида аниқ маълумотлар тўплаш топширилади.

Ғалаба муносабати билан ташриф буюрган Шарқ ва Ғарбнинг қўпгина давлатлари элчилари қаторида Испания элчилари ҳам Темур томонидан қабул қилиниб, қирол номига ёзилган махсус мактуб ва инъомлар билан қузатдилар. Уларга қўшиб Темур Муҳаммадқози исмли ўз вакилини ҳам Испанияга элчи қилиб юборди. Бунга жавобан Генрих 111 ўзаро дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида 1403 йилда Темур ҳузурига иккинчи марта махсус элчилар юборди. Унга Руи Гонзалес де Клавихо бошлиқ қилиб тайинланади. Руи Гонзалес де Клавихога алоҳида хизмат кўрсатилади. Расмий қабул вақтида Испания элчилари «Ҳитой подшосининг элчисидан пастроқда ўтирганини қўриб қолган Темур, испан элчиларини тўрға, Ҳитой элчисини эса пастроққа ўтказади».

Клавихо бошлиқ Испания элчилари 1404 йилнинг сентябр-ноябр ойларида Самарқандда бўлдилар. Темурнинг Ҳитойга қўриши муносабати билан бошқа қўпгина давлатларнинг элчилари қатори Испания элчилари ҳам 1404 йилнинг 21 ноябрида Самарқанддан қўнатиб юборилади. 1406 йилнинг март ойида Испанияга қайтиб келган Клавихо, орадан бир ой ўтгач элчилик ахборотини Кастилия кироли Генрих 111 га топширади. Кейинчалик унинг бу ахборотномаси «Буюк Темур тарихи» ва «Темур қароргоҳи Самарқандга саёҳат қўндалиги» номлари остида испан тилида бир неча бор нашр этилади.

Умуман олганда Амир Темур барпо этган давлатнинг буюқлик қасб этишида унинг ташқи сиёсати алоҳида аҳамиятга эгадир.

Таянч тушунчалар:

Амир Темур моҳир дипломат. Шарқ давлатлари билан олиб қўрилган дипломатик муносабатлари . Боязид, Иоанн, Палеолог, Карл У1, Генрих 1У, Клавихо. Дипломатик ташаббусқорлик. Таклиф ва мулоҳазалар.

Фойданилган адабиётлар:

И.Қаримов. «Амир Темур- қўқримиз, қўруримиз».Т.1996.

- А.Зиё. «Ўзбек давлатчилиги тарихи». Т. «Шарқ», 2000.
А. Муҳаммаджонов. «Темур ва темурийлар салтанати». Т. 1996.
А. Самарқандий. «Матлаъи-садайн..». Т. «Фан», 1969.
И. Мўминов. «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли». Т. «Фан», 1968.
Клавихо Р.Т. «Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканд 1403-1404». М. 1990.

9 мавзу: АМИР ТЕМУРНИНГ ЖАҲОН ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ.

Режа:

Амир Темурнинг давлат бошқариш соҳасидаги ҳиссаси.

Жаҳон ҳарбий санъатида Амир Темурнинг ҳиссаси.

Амир Темурнинг дунё маданияти, меъморчилиги ва маънавиятида тутган ўрни.

Ҳулоса.

Амир Темур ўз давлатини барпо килишда ўтмишда мавжуд сиёсий бошқарув тажрибаларидан кенг фойдаланди.

Мазкур давлат ўз таркибий тузилишига кўра кўпинча ҳарбий-сиёсий тартибларга асосланган эди. Кудратли ҳукмдор тарих фанига ихлос қўйганидан бўлса керак, кадимги ва ўрта аср Шарқ мамлакатларидан турли давлатлар ва уларнинг сиёсий ҳамда маъмурий идора усули, бошқарув тизимлари ҳақида кенг тасаввурга эга эди. Бирок унинг давлати бошқарув тизимини қўл остидаги бутун ҳудудда ягона марказлашган сиёсий тартиб асосига қурилган бўлиб, бу соҳадаги тажрибалар Ўрта Осиё давлатларида кенг қўлланилган идора усуллари тажрибаси билан бойитилган эди. Амир Темурнинг Низомулмулк томонидан яратилган «Сиёсатнома» асарида давлат ишларида кенг қўлланилган сифатида фойдаланиши, «Темур тузуклари»да «Сиёсатнома»дан фикрлар келтириши бунга ёрқин мисолдир.

Амир Темур ўзига кадар мавжуд бўлган давлатчиликнинг саккизта асосига амал қилади:

- давлат сиёсат жиҳатидан мустақил бўлиши,

- давлат ва жамиятнинг сиёсий яхлитлиги бузилмаслиги.

- давлат ва жамият сиёсий муайян қонунлар, тартиблар, мафкура, асосида бошқарилмоғи.

- бошқарув тизимини мувофиқлаштириб турувчи қоидалар шаклланган бўлиши,

- жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар аҳволи давлат эътиборида бўлиши,

- фан ва маданият раънақи тўғрисида доимий қайғуриш,

- ҳар бир давр шарт-шароити, тартибларига кўра давлат жамият ички тараққиёти масалаларини ташқи дунёдаги мавжуд омиллардан фойдаланган ҳолда олиб бориш,

- давлат танасидаги қучлар ўтмиш, замона ва келажакни теран тафаккур, мустаҳкам иймон, ғоят юксак маънавият ва миллатпарварлик ила англамоғи.

Амир Темур давлатчиликнинг бу асосларига тўққизинчисини, жамият

ривож ва барча ижтимоий табакалар манфаатларини таъкидлашни кўйди.

Бошқарув ички идорадан: даргоҳ ва вазирлик (девон) дан иборат бўлган. Даргоҳни Олий ҳукмдор бошқарган. Даргоҳ фаолиятини бошқариш, унинг девонлар, маҳаллий ҳокимият идоралари билан боғланиб туриш ишлари Олий девон зиммасида бўлган.

Олий девонда-ижроия ҳокимиятда бош вазир, ҳарбий вазир, мулкчилик ва солиқ ишлари вазири, молия вазири турган. Сарҳадлар ва тобеъ мамлакатларнинг бошқаруви билан шуғулланувчи яна уч вазир бўлган ва девонбегига ҳисобот бериб турган. Марказий ҳокимият тизимида шайхулислом козиқалон, козий аҳдос (одат бўйича ҳукм чиқарувчи кози), кози аскар, садри аъзам (вақф ерлари, мулклари мутасаддиси), додхоҳ (шикоятларни кўрувчи), эшикоға, сарой вазири, ясовул (ҳукмдорнинг шахсий буйруғини бажарувчи), калакчи (хирож микдорини аниқловчи), муҳассил (солиқ ундирувчи), тавочи (асосий кўшинларни тўплаш ишига мутасадди амалдор), коровулбеги, кутвол (калъабон), муҳтасиб (шариат қоидалари ижросини, бозор тартибларини назорат қилувчи) ва бошқалар бўлган.

Шунингдек, даргоҳда бош ҳожиблар, ҳазинабон, ҳонсолар, жибачи, кўшчи, баковул, қотиблар, битикчилар, табиблар, созандалар, дорихоначилар бўлган.

Амир Темурнинг тарихдаги ҳизмати шундан иборатки, у давлатчиликнинг бошқарув тизими, ички ва ташқи сиёсатнинг тартиб қоидалари, ҳукукий асосларини янги тарихий шароитда такомиллаштирди. Ташқи ва ички ғавқулда вақфлардан вақф этиб турувчи минг нафар пиёда, минг нафар туя минган, минг нафар от минган чопарлари бўлган. Бутун салтанат бўйлаб бир кўнлик йўл оралиғида ёмхоналар ташкил этилган. Ҳар бир ёмда 500-200 бошдан от-улов тутилган.

Соҳибқурон мамлакатни бошқаришда ўз яқинларига суянади.

Мамлакатнинг ғарбий вилоятлари ўртанча ўғли Мироншоҳга, Балх вилоятини катта ўғли Жаҳонгир Мирзога, Ҳуросон кичик ўғли Шохруҳ Мирзога суюқол этилган. У набираларига ҳам суюқол берган. Жумладан, Кобул, Ғазна, Кандаҳор, Ҳинд ерлари Пирмуҳаммадга, Исфаҳонни Умаршайхнинг ўғли Рустамга, Боғдодни Мироншоҳнинг ўғли Абубакрга суюқол қилган.

Амир Темурнинг салтанат ишларида ўзининг пирлари маслаҳатларидан ҳам кенг фойдаланган. «Темур тузуклари»да соҳибқуроннинг пирлари ва уларнинг кўрсатмалари баёни берилган. Асли ҳуросонлик йирик шайх бўлган Зайнуддин Абубакр Таёбодий Амир Темурга давлат бошқариш ишларида кенгаш, машварату маслаҳат, ҳушёрлик, эҳтиёткорлик амалларига риоя этишни маслаҳат берган.

Шунингдек, Саййид Барака, Мир Саййид Шариф Журжоний, Термиз сайидларидан Али Акбарларнинг Амир Темур давлати даргоҳларида машварату-кенгашлардан «Темур тузуклари» далолат беради.

Давлат бошқарув ишларида Соҳибқурон ислом қонун қоидаларига асосланган. Унинг Куръони Карим ва Ҳадиси шарифларга бўлган муносабати самимий ва олий даражада бўлган. (Давлатни) Пайғамбар авлодлари, шайхуламашойиҳларга ҳурмати чексиз бўлган. Давлатни кучайтиришда ҳам айнан шундай қишиларга таяниб иш юритган.

Ҳарбий тарихи Темурбекни жаҳоннинг энг буюк саркардаларидан бири

сифатида, ҳакли равишда, тан олади.

Унинг ҳарбий истеъдоди асосан икки йўналишда: моҳир ҳарбий ташкилотчи ва атокли саркарда тарзида ёркин намоён бўлди (Мўминов И.М. «Рол и место Амира Темура в истории Средней Азии. 28-29 бет).

Буюк лашкарбоши ва новатор ҳарбий ташкилотчи сифатида Темурбек ўта интизомли армия тузишга, мукораба чоғида кўшин қисмларини санъаткорона бошқаришга, жанг такдири ҳал бўладиган жойларга ҳарбий кучларини ўз вақтида усталик билан йўллашга, ҳар қандай тўсик ва ғовларни тадбиркорлик билан босиб ўтишга, армиядаги жанговор руҳни керакли даражада ушлаб туришга муяссар бўлди.

Темур Чингизхон лашкари тузилишини, уларнинг жанг олиб бориш амалларини ўрганиб, унга ўзгартиришлар кирита олди. У барпо этган армия Чингизхон тузган кўшин тизимидан куйидаги жиҳатлари билан фарк қилади Чингизийлар кўшини ялпи мажбурият асосида ҳарбий ҳизматга чакириладиган халқ лашкаридан иборат бўлган ҳолда, Темурбек армияси умумхалқ характериға эға эмас эди.

Чингизхон даврида кўшин асосини кўчманчи омма ташкил қилган эди. Темурбек кўшиниға олиб бош кўмондондан кўрсатган аниқ талабға биноан чорвадорлар қатори қосибчилик, ҳунармандчилик, деҳқончилик билан машғул ўтроқ аҳолидан ҳам сезиларли миқдорда аскар олинган.

Темурбек кўшинида ҳарбий кучларнинг асосини ташкил қилувчи отлик аскарлар билан бир қаторда пиёдалардан тузилган қисмлар ҳам анчагина бўлган. Маълумки, Чингизхон кўшини қабт этилган мамлакатлар аҳолисидан мажбурият тартибда тузилган халқни ҳисобға олмаганда, пиёда аскарларға эға бўлмаган.

Темурбек Шарқда биринчилардан бўлиб, ўз армиясига ўт соқар қурол, яъни тўп-раъдни олиб қирди.

Соҳибқурон тоғли ҳудудларда жанг-ҳаракатлари олиб қорувчи пиёдалардан тузилган махсус ҳарбий қисмни ташкил қилди.

Темурбек жаҳон халқи санъати тарихида биринчи бўлиб кўшин жанг майдонида қўлга бўлиб жойлаштириш тартиби этди.

Темурбек армиясида аёллардан тузилган бўлинмалар бўлиб, улар жанг чоғи эрқаклар билан бир сафда турган, қаҳрамонлик ва матонат намуналарини кўрсатган.

Амир Темур армиясида мунтазам кўшинға хос бўлган қўпгина белгилар мавжуд эди: кўшин сон жиҳатидан аниқ ва пухта ташкил қилинган, унинг жанговор тартиби-ясол жангдан-жангға тақомиллаштириб қорилган, армия ўз қамонасининг илғор қурол ва техникаси билан қуролланган, бир турдаги қурол яроғ, аслаҳа-анжом билан таъминланган, қисмлар бир-биридан қийим боши, тутган байроғи ёки туғи орқали ҳам фарқлаган. Бундай ажралиб туриши жанг пайтида жуда қўл қелган.

Тактика жиҳатидан Темурбек армияси ўзига хос ҳусусиятларға эға эди. Кўшиннинг ясоли етти қисм -қўлга ажратилган, разведка аъло даражада йўлга қўйилган, қисмларнинг жанг майдонида ҳамда юриш вақтида талаб даражасида ҳаракат

килиши учун зарур тадбир ва режалар ишлаб чиқарилган, уларни жанг пайтида оператив бошқаришга алоҳида катта эътибор қаратилган. Темурбек ўнлик, юзлик, минглик ҳамда туман кўмондонларини танлаш масаласига бевосита раҳбарлик қилган.

Ҳарб санъатига қурилган хизматларидан яна бири-қўшин канотларини жанг чоғида душман ҳужумидан муҳофаза қилиш ва аксинча ғаним кучларини ён томонидан айланиб ўтиб, унга ортдан зарба бериш мақсадида тузилган отлик қисми-кумбулнинг жорий этилишидир. Бундай янги қисм бирорта машҳур лашкарбоши мавжуд бўлмаганлигини халқ тарихи сўзлаб бера олади.

Амир Темур 12 мингдан ортиқ бўлмаган, 12 мингдан 40 мингга қадар отлик бирикма ва душман сони 40 мингдан кўпроқ бўлган қўшин учун алоҳида-алоҳида жанг қилиш усулларини қўллаган. Одатда душман кучлари 40 мингдан ортиқ бўлса унга қарши Темурнинг ўзи борган. Бундай пайтда унинг қўшинлари жангга қуйидаги тартибда бўлган: 40 та бўлинма бевосита унинг ўз ихтиёрида бўлган. Улардан энг сараланган 12 та бўлинма биринчи қаторни, қолган 28 таси иккинчи ва учинчи қаторини ташкил этган.

Темурнинг ўғиллари ва набиралари бошчилик қилаётган қўшинлар юқорида тилга олинган 40 та бўлинма ўнг томоннинг олди қисмида, қариндош ва иттифокчилар бошчилик қилаётган қўшинлар эса унинг чап томоннинг олди қисмида жойлашган. Бу барча қисмлар заҳира ҳисобланиб, Соҳибқурон буйруғига асосан зарур бўлган нуқталарга ташланган.

Олтита бўлинма ўнг канотнинг асосини ёки унинг иккинчи сафини ва битта бўлинма авонғорини ташкил этган. Яна шунча бўлинма шу асосда чап канотда жойлашган. Иккинчи сафнинг икки қаноти олдида жудда шу тартибда биринчи қатор (чоповул ва шинговул) ўрин олган. Биринчи қатор олдидаги қаторда шунча бўлинмага эга бўлган малакали бошликлар ва жасур жангчилардан тузилган катта авонғори бўлган. Бу авонғорнинг олдида ҳам авонғори бўлган. Унинг икки олди томонида енгил қуролланган икки бўлинма жангчилари айғокчилик учун юборилган. Улар қўшинни қуйи қисмидан бўладиган ҳужумдан сақлар ва душман ҳаракатини кузатиб борар эди. Асосан жангни улар бошлаб борган, сўнг катта авонғор, заруратга қараб 1,2,3 қаторлар жангга киритилган. Сўнгга заҳира жангга киритилган, унинг вазифаси бир ҳамла билан душман байроғини қўлга олиш бўлган, энг охирида амирнинг сўнгги заҳираси жангга кирган.

Амир Темур армиясида жанговор қаторларнинг маркази қучсиз бўлган. Бу махсус ўйлаб ишлатилган тактик усул бўлиб, душман кучларининг марказдан ёриб қиришига шароит яратиш ва уни тор-мор қилишдан иборат бўлган.

Умуман Амир Темур яратган ҳарбий санъат мероси жаҳон халқларининг ҳарбий санъати меросидан муносиб ўрин олди.

Амир Темур даврида илм-фан, маданият ғоят даражада ривожланди. Ўрта Осиёда мадраса таълими Х асрларда пайдо бўлган, аммо унинг ҳақиқат мукаммал ривожи Амир Темур даврига тўғри келади. Баъзи манбаларда уни Шарқда олий таълимнинг асосчиси деб атайдилар. Амир Темурнинг ҳарбий, назорат ва амалиёт соҳасидаги кашфиётларининг ўзи дорилфунундир.

Айрим муҳолифларимиз Темур даврида илм-фаннинг ривожига, юришлар даврида четдан олиб келинган илм-фан, адабиёт намояндаларининг фаолияти билан боғлайдилар. Албатта бу гапда маълум даражада ҳақиқат бор деб ҳам

ҳисоблайлик, аммо Темурга кадар ҳам Туронзамин дунёнинг ўзларининг комусий олимлари билан лол қолдирган эди. Иккинчидан, Амир Темургача ҳам истилочилар илм-фан, маданият, санъат ўз юртларига асир қилиб олиб кетиб, изсиз йўқолганлар ҳам бўлганку, масалан Чингизхон.

Темур замонасида илм-фан, адабиётнинг барқ уриб ривожланиши сабаби қуйидагича:

Амир Темурнинг ўзи ўқимишли, саводхон ва маърифатпарвар инсон бўлган. Шу сабабли у илмли, зиёли қишилари меҳнатини кадрлай билган.

Ўз она тилидан ташқари форс ва мўғул тилларини яхши билган Амир Темур мамлакати тараққиётида, халқнинг маданий ва маънавий камолотида илм-фан ва маърифатнинг аҳамиятини кадрларди. Шу боис улуғ Амир ўз юртида бўлсин, ҳарбий юришлар қилиб борган мамлакатларида бўлмасин, уларнинг миллати, иркидан қатъий назар касб-ҳунар эгалари, усталар, меъморлар, олиму фузалолар, адабиёт ва санъат арбобларини жуда кадрлар, улар билан доим маслаҳатлашар, уларнинг фикр ва ҳулосаларига доимо қулоқ солар эди.

Маънавият, маданият ҳодимларининг ишлаш, яшаш ва ижод қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб берарди. Бу ўринда «Темур тузуклари» да қуйидагиларни ўқиймиз:»Еттинчиси Сайидлар, уламою-машойих, окилу донолар, муҳаддислар, ҳабарчилар (тарихчилар)ни танланган эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини жойига қўйдим.

Саккизинчи тоифа-ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандисларни, улар салтанат қорхонасига ривож берувчилардир. Уларни ўз атрофимга тўпладим.(«Темур тузуклари». 55-56 бетлар

Амир Темурни ёмон кўрган Ибн Арабшоҳ, ҳақиқатни тан олиб қуйидаги сўзларни айтган эди:»Темур олимларга меҳрибон бўлиб, сайиду-шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар, уларни ҳар қандай қимсадан муқаддас кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, икрому-ҳурматини унга изҳор этарди. Уларга нисбатан ўз муруввати бисотини ёярдики, бу муруввати унинг ҳайбати билан аралаш эди. Улар билан мазмунли баҳс ҳам юритар эдики, бу баҳсида инсофу-ҳиммат бўларди».

«Темур тарихи» (китоб)лари, худонинг раҳмати ва саломи бўлқур анбиёлар қиссаларини, подшоҳлар сийратлари ва ўтган салафлар ҳақидаги ҳикояларни доимо-сафарда ҳам, ҳатарда ҳам ўқитиб тинглар эди». (Ибн Арабшоҳ.Амир Темур тарихи. 2 китоб 21 бет).

Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» асарида Амир Темурнинг мамлакатда адолат ўрнатиш тартиби ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишларни қучайтириш, давлатимизни ривожда илм-фан, дин пешволарининг маслаҳатини инобатга олганини тасдиқлаб ўтилган.

Амир Темурнинг илм-фан, ижодлар аҳли учун яратиб берган шарт-шароити

туфайли, Самарқанд дунёнинг маърифат марказларидан бирига айланди. Бунинг натижасида Козизода Румий, Туркиянинг Бурса шаҳридан ўз ихтиёри билан Самарқандга келади. Бу билан ҳамма зиёлилар Самарқандга ўз ихтиёри билан келганлар деган фикрдан йироқмиз. Темур Самарқандга олиб келган олимлар орасида табиб Ҳисомиддин Иброҳимшоҳ Кермоний, фалакиётшунос мавлоно Аҳмад кабилар бўлган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Темурнинг илм-фан, маърифатга эътибори туфайли Самарқанд зиёлиларини ўзига хос оҳанрабодек тартиб йирик маданий марказга айланди.

Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келган кундан бошлаб, ўз давлатида чингизийдларнинг конли изларга барҳам бера бошлади. Бир ярим аср давом этган мўғуллар истилоси пайтида минглаб қишлоқ ва шаҳарлар вайрон қилинган эди.

Уларни қайта тиклаш, мамлакатга қайтадан жон бағишлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келаверадиган иш эмас эди. Бунинг учун ўзида аждодлари руҳи, тажрибаси орзу умидларини мужассам этган чинакам Даҳо керак эди.

Ана шундай Даҳо Темур эди. У ҳокимият тепасига келган кундан бошлаб Мовароуннаҳрда қурилиш ва ободончилик ишларига эътиборини қаратди.

Амир Темур юртни обод қилиш иши билан бевосита шуғулланар экан, бу соҳанинг ўзига хос қоидаларига қатъий амал қилди, булар қурилишнинг пухта ўйланган режаси, жойнинг аниқ ва тўғри танлаши, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, шошма-шошарлик қилмаслик, турли ҳил иншоатлар-мудофаа девори, Арк, ҳукуматга тегишли бинолар- масжидлар, мадрасалар, савдо расталари, бозорлар, қарвонсаройлар, маиший иншоатларнинг ўзаро мутаносиблиги: мўътадил иқлимни яратувчи каналлар, ариқлар, боғлар, ҳовузларнинг жойлашиши.

Ҳақиқатдан ҳам бугунги Самарқанд меъморчилик обидалари, шаҳар қурилиши Темур меъморчилик соҳасида ҳали ноёб дид эгаси бўлганлигини тўла исбот эта олади.

Ана шуни алоҳида таъкидламоқ жоизки Амир Темур шаҳарсозлик маданияти жуда эрта шаклланган, иқтисоди, санъати, илм-фани минг йилликлар давомида гуллаб яшнаган, неча бор инкирозга юз тутган Турон заминнинг фарзанди эди.

Шул сабабдан ҳам шаҳар қуриш иштироки унинг қон-қонига сингиб кетган эди, гинетик хотирасига муҳрланганди. Шаҳар ва қасрлар қуриш, уларни обод қилиш, эл-юрт ва ободончилиги билан изчил шуғулланиш соҳибқурун табиий эҳтиёжининг маҳсулидир. Ҳусусан бу даврда мамлакатнинг йирик вилоят-шаҳарлари Самарқанд ва Ҳиротда қурилиш ишлари кенг авж олиб, бинокорларнинг роли ошиб кетади. Ўша вақт бинокорлари орасида меъморлар, муҳандислар, ғишт терувчилар, сувочилар, ганҷкорлар ганҷга нақш уловчи наққошлар, тош йўнувчи (сангтарошлар) ва дурадгорлар меҳнати қадрланган ва улар томонидан гўзал иморатлар қад қўтарган. Амир Темур йиғилган маблағни айш-ишратга эмас, балким гўзал бинолар қуришга сарфлаган.

«Темур ҳар бир мувоффақиятини (тирикмарни), ҳар бир севинчли воқеани бир меъморлик асарини бунёд этиш билан нишонлашга аҳд қилди. Шу мақсадда Ҳиндистоннинг юзларча моҳир ғишт терувчиларини Шероз, Исфохон

(Ҳиндистоннинг) ва Дамашкнинг машҳур усталарини Мовароуннаҳрга келтирди. Мусулмон Осиёси икки юз йил мобайнида турк кўшинларига лашкаргоҳ бўлганига, бу китъадан Темур салтанатида асарлари билан бизни ҳайратга солган рассомлар, меъморлар ва бошқа санъат аҳли доимо ижод килгани мазкур иморатлар шоҳиддур. Накадар аник этиб тасвирланган жаҳонгирларнинг дилида гўзаллик ва юксакликка муҳаббат шу кадар кучли эдики, бунга унинг даврида яратилган санъат ва меъморий асарлари далилдир".

Таянч тушунчалари:

Темурнинг Ўрта осий тарихида тутган ўрни ва роли. Давлат бошқаруви. Ҳарбий санъат. Дипломатия. «Темур тузуклари». Маданият. Меъморчилик. Маънавият. Дунё микёсида Амир Темурга муносабат.

Фойданилган адабиётлар:

Амир Темур Кўрагон. Зафар йўли. Т.»Нур» 1992.

Амир Темур ўғитлари. Т.»Наврўз», 1992.

Аҳмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. Т.»Ўқитувчи», 1994.